ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қулёзма ҳуқуқида

УКД 32(575)

ҚУРБОНОВ ҲУМАЮН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

ТУРКИСТОНДА БОЛЬШЕВИКЛИК СИЁСИЙ ТАРТИБОТНИ ЎРНАТИШ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК МУАММОСИ БЎЙИЧА СИЁСИЙ КУРАШ.

Мутахассислик: 23.00.02. – сиёсий институтлар
ва сиёсий жараёнлар

Политология фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган фан
арбоби, тарих фанлари
доктори, профессор
И.А.АЛИМОВ

ТОШКЕНТ – 1995

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ 3

I Боб. БОЛЬШЕВИСТИК ТАРТИБОТ ЙИЛЛАРИДАГИ ТУРКИСТОНДА ВУЖУДГА КЕЛГАН СИЁСИЙ ВАЗИЯТ.

I.I. Туркистон мухториятини тузиш бўйича интилишларнинг манбалари ва субъектлари..... 29

I.2. Туркистон суверенитети масаласида большевистик йўлнинг амалга оширилиши механизми.. 63

II Боб. МИЛЛИЙ-КОНФЕССИОНАЛ МУАММОГА ОИД СИЁСАТНИ БОЛЬШЕВИСТИК ЕЧИМ УСЛУБЛАРИНИНГ НОСИЁСИЙЛИГИ.

2.I. Вақф масаласи Туркистонда вужудга келган иқтисодий-сиёсий инқирознинг манбаларидан бири сифатида I07

2.2. Большевистик маърифий сиёсатнинг миллий маданиятга зидлиги..... I2I

ХУЛОСА I52

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... I6I

К И Р И Ш

Кучли демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан оғишмай олға бораётган Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон хамжамиятига ўзининг муносиб урни ва салоҳияти билан кириб келиши халқаро майдонда рўй берган буюк воқеа эканлиги бугунги кунда шак-шубҳасиздир. Дунёнинг барча нуфузли давлатлари ва ташкилотлари буни зур мамнуният билан тан олдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон давлат ва хўжалик қурилиши соҳасидаги, мураккаб утиш даврида жамиятда сиёсий стабилликни сақлаб қолиш, ислоҳотлар даврида рўй берувчи ижтимоий сиёсийлашув жараёнини илмий бошқариш, институционал ўзгартишларнинг мақбул тизимларини ишлаб чиқиш, миллий давлат манфаатлари билан умумжаҳон тенденциялари уртасидаги мувозанатни сақлай билиш, сиёсий реалликларга тўғри баҳо бериш ва бунда халқнинг социо-маданий омилларидан, ҳамда менталитетидан фойдаланиш тажрибаси билан, умумжаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан хисоа қушди.

Маълумки республикамизда бугунги кунда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ўтмишда ва айниқса яқин ўтмишда аждодларимиз томонидан миллий мустақиллик ва давлатчилик учун олиб борилган машаққатли, мураккаб ва зиддиятли курашлар жараёни билан узвий боғлиқдир. Ўтмишдошларимизнинг миллий истиқлол учун олиб борган қаҳрамонона курашлари тажрибаси халқимиз маънавияти ва руҳиятини мустаҳкамловчи муҳим восита булибгина қолмасдан, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётининг истиқболлари учун муҳим назарий ва амалий манба булиб ҳам хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда бугунги кунимизни ўтмишимиздан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Бугунги кунда халқимиз босиб ўтган ниҳоятда бой ижтимоий ва сиёсий жараёнлар тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Республикамиз

Президенти И.А.Каримов таъкидлаб утганидек: "Мустақиллик йиллари - уз утмишимизни, уз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу - жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга булган республикани танг аҳволга солиб қуйган сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартараф этиш йулларини излаш йилларидир".[1]

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда 1917 йил октябрь давлат тунтаришидан кейинги дастлабки даврлар, айниқса 1917-1924 йиллар орасидаги сиёсий давр Туркистон тарихида алоҳида урин тутади. Айнан мана шу даврда сиёсий ҳокимият тепасига келган большевиклар бошқача қилиб айтганда уз даврининг "Национал коммунистлари" Туркистон ўлкасида унинг халқлари анъаналари, миллий рухиятига зид булган сунъий советлаштириш яъни совет ҳокимияти лештимлигига куч билан эришиш сиёсатини зур бериб амалга оширдилар. Масаланинг янада ҳам аянчли томони шунда эдики, большевиклар узлари амалга оширган давлат тунтаришининг натижасида бир-бирига қоришиб кетган иқтисодий-сиёсий инқирозлар, сиёсий ҳокимият кризисидан иборат бутун бир зиддиятлар мажмуини Туркистон ҳаётига ҳам тиқиштиришга ҳаракат қилдилар. Большевикларнинг сиёсий ноқобиллиги туфайли вазият баттар чигаллашди. Мамлакат большевиклар амалга оширган сиёсий-авантюранинг, революцион интервенциянинг маконига айлантирилди. Маҳаллий аҳолининг сиёсий кайфияти ва манфаатлари назар писанд қилинмади.

Шу уринда сунъий советлаштириш даврида большевиклар алоҳида эътибор берган миллий-конфессиал соҳада амалга оширилган сиёсатнинг моҳиятини таҳлил қилиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб-

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида. - Т. "Ўзбекистон" - 1995, 8- бет.

лигини алоҳида таъкидлаш лозим булади.

Туркистон халқлари тарихининг энг кескин ва мураккаб муаммоларидан бири этномиллий соҳадаги сиёсатнинг амалга оширилишидир. Миллатлараро муносабатларнинг купгина кескин муаммолари мустақил Ўзбекистон Республикаси учун совет тартиботидан мерос булиб қолди. Шу жиҳатдан қараганда Туркистонда миллий сиёсатни амалга оширилишига доир жараёнлар тажрибасини танқидий нуқтаи назардан қайта куриб чиқиш, бу тажрибадан келажак учун сабоқ олиш илмий-амалий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Большевикларнинг миллий масала юзасидан октябрь тунтаришидан кейин эълон қилган купгина назарий қоидалари умуман олганда маълум даражада тараққиёт йулига интилиш эди. Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асосий принциплари - миллатларнинг алоҳида ажралиб чиқишигача булган ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқи, совет давлати таркибига кирадиган халқларга вилоят мухториятини бериш, Россия - барча халқлар томонидан қониқиш билан кутиб олинди.

Октябрь тунтаришидан кейин куп утмай эълон қилинган "Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси"да қуйидагилар эълон қилинган эди:

I. Россия халқларининг тенглиги ва суверенитети.

2. Россия халқларининг алоҳида ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишгача булган ўз-ўзини эркин белгилаш ҳуқуқи.

3. Барча турдаги ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чеклашларнинг бекор қилиниши.

4. Россия ҳудудида яшаб турган майда миллатлар ва этник гуруҳларнинг эркин ривожланиб бориши"[I].

Декларациядан кейин эълон қилинган "Россия ва Шарқ меҳнаткаш мусулмонларига мурожаат"да мана бундай дейилган эди: "Шу

[I] Декреты Советской власти. I- жилд, Москва, I957, 40- бет.

вақтдан бошлаб сизнинг дин-эътиқодингиз ва одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Эркинлик билан ва тусқинликларсиз уз миллий турмушингизни куриб боринг. Сиз бунга ҳақлисиз"[I].

Большевиклар партияси дастурларида, совет ҳокимиятининг декретларида бир қараганда гуё ҳамма нарса тўғри ва кунгилдагидек булиб куринар эди. Бироқ Туркистон большевикча сиёсий элитасининг амалий ишида аҳвол тамомила бошқача булди. 1917 йил ноябрь ойида Тошкентда ташкил этилган Туркистон улкаси Халқ Комиссарлари Совети таркибига туб миллат вакилларидан биронта ҳам киши сайланмади. Ўлкадаги миллий ташкилотлар ва халқ вакиллари съездида эълон қилинган ва тузилган "Қуқон мухторияти" куч билан йуқ қилинди. Марказнинг зурлиги билан Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари ташкил этилди. Лекин уларда чинакам суверенитет ва мустақиллик йуқ эди. Большевиклар, Туркистон совет ҳокимияти раҳбарларининг мана шу ва бошқа хатолари туб миллат вакилларининг марказ сиёсатига қарши қаратилган кескин сиёсий курашига сабаб булди.

Большевиклар партияси ва совет ҳукуматининг давлат тузилишидаги асосий вазифаси ягона совет давлати - олдинига РСФСР, кейинчалик СССРни ҳар томонлама мустаҳкамлаш эди. Коммунистлар "маҳаллийчилик ва миллий чекланганликнинг ҳар қандай куринишларига қарши", яъни уз мустақиллигини, миллий маданиятни ҳимоя қилиб чиқадиган миллий ҳаракатларга қарши оришмай шовинистик кураш олиб бордилар. Республиканинг партия, совет органлари ва Туркистондаги махсус вазифа бажарувчи жазо отрядлари ва ташкилотлари метрополиянинг йул-йуриқларига амал қилиб, республика мустақиллигига булган ҳар қандай интилишларни ҳам куч билан

[I] Ўша жойда, 114- бет.

бостиради.

Маълумки Туркистон АССРда мустақиллик амалда йўқ эди. Бу мустақиллик ТАССР Конституциясидагина ёзилган булиб, қоғозда қолиб кетди. Туркистон партияси ва ҳукумати сиёсатининг асослари марказ томонидан белгилаб берилди ва ваколатли органлар томонидан назорат қилиб борилди. Марказнинг амалга ошириб келаётган сиёсати республикани мустақилликдан, миллий жиҳатдан тиклаш имкониятидан маҳрум қилар, иқтисодиётни худди подшо замонидагидек хом ашё етказишга қаратиб қуяр эди. Республика ҳақ-ҳуқуқлари чеклаб қуйилган шароитларда маҳаллий ҳокимият органлари Туркистон халқлари манфаатларини кузлаб сиёсат юргизиш имкониятига эга эмас эдилар. Туркистон республика органлари марказ ваколатли органларининг буйруғини бажаришга мажбур эди, марказ органлари эса минтақага тааллуқли энг муҳим муаммоларни ҳал қилишда республика мустақиллигини чеклаб қуяр эди.

Туркистондаги миллий масалани ҳал қилишдаги большевикча ёндошувларни танқидий кўз билан таҳлил қилиб чиқиш, салбий ҳодисаларнинг сабабларини илмий жиҳатдан моҳиятига етиб, тушуниб олиш эски касалликларни илдизи билан узил-кесил йўқотишга ва мустақил Ўзбекистон халқларининг яратувчилик соҳасидаги саъй ҳаракатларини кучайтириб боришга имкон беради.

Туркистонда 1917-1924 йилларда амалга оширилган миллий сиёсатга доир тажрибани тадқиқ этиш фақат назарий жиҳатдан эмас, балки Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик мафкурасини такомиллаштиришда ва миллатлараро муносабатларга доир масалаларни ҳал қилишда амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга моликдир.

Диссертация мавзусининг долзарблиги устида фикр юритар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаб утиш лозимдир. Маълумки ушбу масалага шу пайтга қадар куплаб тарихчи олимлар

мурожаат қилишган ва бунинг натижасида катта-катта асарлар, илмий ишлар пайдо булган. Хуш эндиликда ушбу мавзуга политологик нуқтаи назардан ёндошишнинг мухимлиги сабаблари нимада? Бизнинг назаримизда, сабабларнинг ичида энг асосийси шундаки, бугунги кунга келиб узининг, миллий мустақил сиёсий тараққиёт йулини танлаб, олиб ривожланиб бораётган республикамизнинг ютуқлари, бир пайтлар миллатчи, социал-шовинист большевиклар жар солиб айтган гуёки, Туркистон улкаси халқлари мустақил давлатчиликни қура олмайдилар, уларга албатта четдан ёрдам керак деган бухтонларни чиппакка чиқарди. Мана шу буюк тарихий ҳақиқат, 1917-1924 йилларда Туркистонда миллий мустақиллик ва давлатчиликни амалга ошириш учун, реал равишда вужудга келган шароитни умуминсоний манфаатлар ва қадриятларни оёқ ости қилиб, сиёсий фитналар ва авантюралар, ҳамда сиёсий зуравонлик ва коррупциянинг энг маккорона усулларини қуллаб йуққа чиқаришга булган большевиклар фаолиятининг узига хос механизмларини ургапиб чиқишнинг долзарблигини бизнинг назаримизда янада ошириб юборди. Шунинг учун ҳам бу жараёнларни политологик жихатдан ҳам тахлил қилиб ургапиб чиқиш муҳим ахамият касб этиб бормоқда. Албатта ушбу мавзунинг барча жиҳатларини биргина диссертация доирасида ёритиш мумкин эмас. Бу борадаги мутахассисларимиз амалга оширадиган катта ишлар табиийки хали олдинда турибди деб уйлаймиз.

Мавзунинг урганилиш даражаси. Утган йиллар давомида жамиятшунос олимлар, мутахассислар томонидан Урта Осиёнинг, октябрь тунтарилишидан кейинги сиёсий тарихини урганиш буйича катта ва фойдали ишлар амалга оширилди. Улар орасида собиқ СССР ҳамда Узбекистонлик ва чет эллик олимлар мавжуд.

Урганилаётган мавзуга гарчанд биз сиёсатшунослик нуқтаи

назаридан ёндошишни уз олдимизга вазифа қилиб қуйган булсакда, мавзуни тахлил қилиш жараёнида тарихий фактологик материаллардан объектив равишда фойдаланишликнинг зарурлиги туфайли биз табиийки биринчи навбатда Туркистоннинг 1917-1924 йиллардаги тарихий воқелиги, жараёнлари у ёки бу тарзда урганишга бағишланган тарихий асарлар ва манбаларга танқидий равишда мурожаат қилдик.

Совет Туркистонида ушбу мавзуни тарихшунослиги мураккаб машаққатли ва шак-шубҳасиз, катта йулни босиб утди. Муаммони урганишнинг ана шу узоқ ва мазмунли йулини турт даврга булиш мумкин: Биринчи 20- йиллар; иккинчи 30- йиллар ва 50- йилларнинг бошлари; учинчи 50- йилларнинг урталаридан то 80- йилларнинг биринчи ярмигача булган давр; туртинчи 1985 йилдан шу кунгача булган давр.

Муаммони урганишнинг биринчи даври большевиклар ва совет ҳокимиятининг Туркистондаги миллий сиёсати асосий масалалари тарихини объектив тарзда ёритиб бериш, шу сиёсатнинг ижобий натижаларини ҳам, камчиликлари, салбий оқибатларини ҳам очиб бериш билан таърифланади.

Туркистонда миллий сиёсатнинг амалга оширилиш тарихини урганган дастлабки тадқиқотчилар Туркистон республикасининг тарихчи олимлари, партия ва давлат раҳбарлари Г.Сафаров, И. Сольц, С.Муравейский, Т.Рисқулов[1] ва бошқалар булди. Ушбу

[1] Сафаров Г.И. Национальная политика Советской власти. Сборник "Три года Советской власти". Тошкент I- жилд,1920; Уша муаллиф. Колониальная революция (опыт Туркестана).М.,1921;Сольц И.К. Истории КПГ.Сборник "Три года Советской власти".Ташкент,1920 Муравейский С.Д. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. Ташкент,1922; Уша муаллиф. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии (опыт краткого пособия для Совпартшкол и школ политграмоты). Ташкент,1926 Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана Ташкент, 1926.

дастлабки тадқиқотчиларнинг хизмати шундаки, улар бу диссертацияда кўздан кечириб чиқилаётган муаммони ишлаб чиқиш учун асос солиб бердилар. Улар муҳим манбаларни илм аҳлига маълум қилдилар ва шу манбалар асосида совет ҳокимиятининг Туркистонда миллий сиёсатни амалга ошириш муаммосига алоқадор масалаларни ҳолисона ёритиб беришга уриниб кўрдилар. Улар миллий сиёсатнинг амалга оширилишида йўл қўйилган камчиликлар хатоларни ҳам яширмадилар.

Г.И.Сафаров узининг "Мустамлака инқироби" (Туркистон тажрибаси) китобида Туркистон ўлкасида подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати натижасида мавжуд бўлиб келган миллий тенгсизликни батафсиз ёритиб беради. Кучиб келган рус аҳолисининг асосий қисми, Г.И.Сафаровнинг қайд қилишича, эксплуататор унсурлардан иборат эди. Булар жумласига Г.И.Сафаров помешчиклар, амалдорлар, рус руҳонийлари, савдогарлари, деҳқонларнинг қулоқлардан иборат қисмини киритади. Ўлкани худди ана шулар бошқариб келган. Булар босқинчи подшо армиясининг найзаларига ишонган.

Г.И.Сафаров ўлкани мустамлака қилиш сиёсати табиатан миллатга қаршидир деб таъкидлаб ўтади. "Сенатор Пален тафтишининг ҳисоботи қирғизларнинг қишлоқ жойларидан оммавий суратда ҳайдаб чиқарилганлиги тўғрисида бамайлихотир маълумот беради, - деб кўрсатади Г.И.Сафаров. - Айрим қирғиз хўжаликларигина эмас, балки майда овуллар ҳам ҳайдаб чиқарилди. Неча юз ва неча минглаб қирғиз хўжаликлари ўзлари ўрганган, қони билан терини тўккан ва аждодлар васият қилиб кетган тупроқдан ҳайдаб чиқарилди"[1].

Бу муаллифнинг фикрига кўра, мустамлака қилиш жараёни

---

[1] Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). 43- бет.

Туркистондаги миллатлараро муносабатларни кескинлаштириб юборди. Муаллиф 1916 йил қузғолони ва унинг оқибатларини таҳлил қилар экан, бу қузғолоннинг бостирилиши табиатан миллатга қарши қаратилганини таъкидлаб утади" "...Ер-сув, мол-мулк, чорва ва иморатлар мусодара қилиниб, исённи бостиришда қизғин иштирок этган рус қулоқларига мукофот қилиб берилди"[1].

Халқ қузғолони гарчи қурол кучи билан бостирилган булса ҳам, лекин миллий муносабатларнинг кескинлиги кучайиб борди ва янги портлашлар хавфини солиб турди.

Г.Сафаровнинг "Мустамлака инқилоби" (Туркистон тажрибаси) китобида Туркистон инқилобида ишчилар синфининг гегемонияси булмаганлиги очиб берилади. У Туркистондаги рус ишчилар синфи "доҳийларсиз, дастурсиз, инқилобий анъаналарсиз эди" деб тамомила тугри ёзади, чунки Туркистон Компартияси октябрдан кейин ташкил этилган ва айрим инқилобчиларни ҳисобга олмаганда бу партия инқилоб ҳодисаларига раҳбарлик қилмаган. Г.Сафаровнинг "рус инқилоби Туркистонда энг бошидан маълум мустамлакачилик томонида утди" деган сузларининг ҳақлиги улкада совет ҳокимияти дастлабки йилларининг бутун тарихи билан тасдиқланади. Г.Сафаровнинг инқилоб бу ерга "телеграф орқали" келди деган хулосаси ҳам ҳеч бир шак-шубҳа уйғотмайди.

Т.Рисқулов уз асарларида алаш- урдалилар ва жадидларнинг Туркистон улкасидаги миллий озодлик ҳаракатида қилган иштирокини курсатиб беради.

Е.Зелькинанинг асарларида октябрь воқеаларининг табиатан социалистик инқилоб булгани инкор этилади[2]. Муаллиф улкада

---

[1] Уша жойда.

[2] Зелькина Е. Земельно-водная реформа в Узбекистане. Ташкент 1925; Уша муаллиф. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. М., 1930.

пролетариат диктатураси урнатилганлигини, миллий ва аграр масалада унинг томонидан социалистик принциплар эълон қилинганлигини инкор этади.

Л.Резцов "Туркистонда Октябрь" китобида "маҳаллий халқ оммаси ё жадидларга, ёки уламоларга эргашиб бордилар, уларда йул йуқ эди[I] деб ёзади. Бу билан муаллиф рус пролетариатининг Туркистондаги октябрь "инқилоби"нинг етакчиси сифатидаги ролини инкор этади. Алексеенковнинг Муваққат ҳукуматнинг миллий сиёсати тўғрисидаги мақоласида[2] ва юқорида тилга олиб утилган Л.Резцов китобида октябрь тунтаришига тайёрланиш даврида миллий буржуазия ва унинг мафкурачилари – жадидларнинг миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлиги тўғрисидаги фикрлар олдинга сурилган.

30- йиллар – 50- йилларнинг бошларини уз ичига олувчи иккинчи даврдаги адабиётнинг хусусияти шуки, Сталин шахсига сиғинишнинг оқибатлари бу даврда ижтимоий-сиёсий фанлар, хусусан, тарих фанига жиддий зарар етказди. Сталинча террор ва ҳокимият томонидан қонунийлик бузилиб, бедодлик булиб турган шароитларда партия ва совет давлатининг талайгина атоқли арбоблари, янги турмуш қурилишининг фаол иштирокчилари асоссиз равишда қатағон қилинди. Тарихий асарларда уларнинг номлари ё тилга олинмади ёки улар "халқ душманлари" деб курсатилди. Тарих "эгасизланиб қолди".

30- йилларни – 50- йилларнинг бошларида ёзилган асарлар схематиклиги Туркистон тарихининг мураккаб, зиддиятли жараёнла-

---

[I] Резцов Л. Октябрь в Туркестане. Ташкент, изд. "Средазкнига", I927.

[2] Алексеенков П. Национальная политика Временного правительства в Туркестане в I9I7 г. "Пролетарская революция", I928, № 8 (79).

рини ҳал қилишдан четлашишга интилганлиги билан ажралиб туради. Бироқ бу жиддий камчиликлар Туркистонда совет ҳокимияти дастлабки йилларининг тарихига оид тарихшунослигининг умуман олға қараб боришини тухтата олмади. Бу даврдаги илмий ишлар шахсга сиғиниш нуқтаи назаридан туриб ёзилди. Шу билан бирга уларда махаллий архивларнинг ҳужжатли материаллари кўриб чиқилади, янги тарихий фактлар илм аҳлига маълум қилинади, Туркистонда миллий масалани ҳал қилишга алоқадор бўлган ва ўрганиладиган масалалар доираси кенгайтирилади[I].

РСФСР партия ва ҳукумати ваколатли органлари - Турккомиссия билан Туркбюроларнинг Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга доир фаолияти биринчи бор Э.А.Воскобайников ва А.И.Зевелловларнинг асарида махсус кўздан кечириб утилади[2]. Бу асарга 50- йилларнинг бошларида ҳукмрон бўлган шахсга сиғиниш мафкураси уз таъсирини утказган. Шу билан бирга бу асарнинг муаллифлари мавзунинг асосий масалаларини белгилаб берадилар ва ваколатли органларнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти тўғрисидаги янги факт ва мисолларни маълум қиладилар. Асарда шу органларнинг Туркистон совет партия аппаратини мустаҳкамлаш, партия миллий сиёсатини

[1] Житков К., Непомнин В. От колониального рабства к социализму. Ташкент, I939: Голубева Р. Великая Октябрьская социалистическая революция в Узбекистане. "Исторический журнал", I939; Азиз Ниалло. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и Средней Азии. Фрунзе, I94I; Гафуров Б., Прохоров Н. Таджикский народ в борьбе за свободу и независимость своей родины. Сталинабад, I944; Ланда Л.М. Создание народного комиссариата по национальным делам Туркестанской АССР и его деятельность в I9I8-I9I9 г.г. В кн. "Из истории Советского Узбекистана". Ташкент, I956.

[2] Воскобойников Э.А., Зевелев А.И. Туркомиссия ВЦИК и СНК РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. Ташкент, I95I.

юргизиш, ўлкада НЭПнинг асосий принципларини амалга ошириш ва бошқалардаги роли курсатиб берилган.

Ўрта Осиё республикаларида миллий масалани ҳал қилиш тарихига оид дастлабки йирик монографик асар С.А.Ражабовнинг "Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдирларида улуғ рус халқининг роли"[I] китобидир. Унда партия миллий сиёсати ва унинг Ўрта Осиё шароитларида амалга оширилиши моҳиятини очиб курсатишга алоҳида эътибор берилган. Аниқ фактлар асосида Туркистонда "октябрь ғалабаси" ва совет ҳокимиятининг урнатилиши. Туркистон АССРнинг тузилиши, фуқаролар уруши йилларида РСФСРнинг ҳарбий ёрдами, Бухоро ва Хевада монархия тартиботини ағдаришда совет ҳокимиятининг ёрдами. Бухоро ва Хева Халқ Совет Республикаларининг тузилиши, РСФСРнинг Ўрта Осиё республикалари билан иқтисодий ва маданий алоқалари, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ва совет социалистик республикаларининг тузилиши курсатиб берилган. Муаллиф Туркомиссия, Туркбюро, РКП(б) МК Ўрта Осиёбюроси ва бошқа ваколатли органлар фаолиятининг фақат ижобий томонини бир томонлама ёритади. Муаллифнинг ёзишича, "Туркистон комиссиясининг тайинланиши РСФСР ҳукуматининг Туркистон меҳнаткашларига ёрдамининг энг яхши шакли булди"[2].

Партия тарихчиси К.М.Кулиевнинг I956 йилда босилиб чиққан монографияси ҳам Ўрта Осиёда миллий масалани ҳал қилиш тарихи муаммосига бағишланган[3]. Бу асарда I9I7 йилдан бошлаб то миллий давлат чегараланиши давригача Туркистон, Бухоро ва Хоразмда

[I] Раджабов С. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. Ташкент, I955.

[2] Раджабов С. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. Ташкент, I955.

[3] Кулиев К.М. Борьба коммунистической партии за упрочнение Советской власти и осуществление национальной политики в Средней Азии (I9I7-I924 гг.). Ашхабад, I956.

миллий сиёсатни амалга ошириш юзасидан Коммунистик партия олиб борган фаолият қисқача ва умумий тарзда ёритилади. Асарда мусбюро, ёш бухороликлар, ёш хеваликлар ва уларнинг етакчиларининг фаолиятига салбий баҳо берилади.

Туркистонда советлаштириш сиёсатини амалга ошириш тарихини урганишнинг учинчи даври I956 йилдан, яъни партия XX съезди томонидан шахсга сиғиниш қораланиб, тарих фанининг ижодий тарзда ривожланиб бориши учун имкониятлар яратилганидан кейин бошланди. I956 йилдан I985 йилгача булган даврда урганилаётган муаммонинг барча асосий масалаларига тааллуқли булган, аксарият илмий ишларга илк маротаба жалб қилинган манбаларга асосланган йирик монографик асарлар пайдо булди.

Февраль инқилоби ва Октябрь тунтариши натижасида миллий масалани ҳал қилиш масалалари тарихчиларнинг Туркистондаги ана шу икки воқеага бағишланган асарларида кенг ёритилган[I]. Бу асарларда совет ҳокимиятининг урнатилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий узгартиришлар, сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг пайдо булиши

[I] Вахабов М.Г. Ташкент в период трех революций. Ташкент, I957; Житков К.Е. Победа Великой Октябрьской Социалистической Революции В Узбекистане. Ташкент, I957; Каримов Т.Р. Победа Великой Октябрьской Социалистической революции в Северном Таджикистане Сталинабад, I957; Иноятов Х.Ш. Узбекистонда Октябрь Революцияси. Ташкент, I957; Ташлиев Ш. Установление и упрочнение Советской Власти в Туркестане. Ашхабад, I957; Дадонов И.К. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Ташкент, I958; Харин В.П. Великая Октябрьская Социалистическая революция в Узбекистане. Ташкент, I958; Досумов Я.М. Победа Великой Октябрьской Социалистической революции в Каракалпакии. Ташкент, I958; Елеуов Т. Установление и упрочнение Советской власти в Казахстане. Алма-Ата, I96I; Русляков А.А. Большевики Туркменистана в борьбе за власть Советов. Ашхабад, I96I; Зима А.Г. Победа Октябрьской революции в Киргизии. Фрунзе, I966; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, I967.

ва уларнинг узгарган ижтимоий масалага доир дастурлари, мусулмон Советлари фаолияти, Туркистон Советларининг II съезди, маҳаллий аҳоли вакилларининг иштирокисиз улка ҳокимиятининг тузилиши, Улка мусулмонларининг IУ фавқулодда съезди ва "Қуқон мухторияти"нинг ташкил этилиши, Туркистон АССРнинг тузилиши, буюк рус шовинизмига қарши кураш, улкани бошқаришга туб аҳоли вакилларининг жалб қилиниши ва большевикларнинг Туркистондаги зуравонлик сиёсатига доир бошқа масалалар очиб берилади.

Февраль ва октябрь воқеалари ҳамда миллий сиёсатга бағишланган асарларда улка пролетарларининг инқилобий ҳаракатлари идеаллаштирилиб, миллий партиялар, ижтимоий-сиёсий миллий оқим ва ҳаракатларнинг вужудга келиши, уларнинг миллий озодлик ва инқилобий жараёнлардаги иштирокининг аҳамияти инкор этилади.

Совет тарихчилари "Қуқон мухторияти", яъни Туркистон халқларининг ижтимоий орзу-умидларига мос келадиган биринчи северен миллий давлат вужудга келишини ва унинг фаолиятини қоралашда кўпгина саъи-ҳаракатлар қилиб, ғайрат курсатдилар. "Қуқон мухторияти", босмачилик" ҳаракати тарихини тадқиқ этган биринчи текширувчилар Туркистондаги шу ҳодисаларнинг моҳиятига тўғри баҳо беришди. П.Алексеенков, Г.Скалов, Т.Дарвиш (Н.Тўрақулов)[I] ва 20- йиллардаги бошқа тарихчилар бу ҳодисаларни "туб аҳолининг совет ҳокимиятига қарши норозилиги" деб ҳисобладилар. Бироқ 30-йиллар - 80- йилларнинг биринчи ярмидаги совет тарихчилари "Қуқон мухторияти" тарихини сохталаштириб, мухториятчиларнинг фаолиятини асоссиз равишда халққа қарши деб ҳисоблайдилар. Ш.А.Шомаъдиев мақоласида, Туркистондаги фуқаролар уруши тарихига бағишланган китобларда бу масала батафсил тадқиқ

I. Скалов Г., Дервиш Т. Современное басмачество. "Коммунист", 1922, № I; Алексеенков П. Кокандская автомония. Ташкент, 1930.

қилинади[1]. Бу асарларнинг муаллифлари "Қўқон мухторияти" вужудга келишининг асл сабабларини, Туркистон мухторияти ҳукуматининг миллий таркиби ва фаолиятининг дастурини очиб беришмайди.

Туркистонда совет мухториятининг эълон қилиниши учун кураш тарихини ёритишга асарларда каттагина урин берилади. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар тарихчилари ва юристларининг монографик асарларида Туркистон АССРнинг тузилиши ва унинг ривожланиши урганилган[2]. Бу асарларнинг муаллифлари Туркистон республикасида ҳам, Бухоро ва Хоразм халқ совет республикаларида ҳам северенитет чекланганлигини яширадилар.

Биз тадқиқ этаётган муаммо тарихшунослиги ривожланишининг айни шу босқичида Ўрта Осиё республикаларининг тарихчилари Туркистонда советлар сиёсатнинг амалга оширилиши тарихи буйича умумлаштирувчи асарлар яратишга биринчи бор уриниб курдилар. Шу хусусда К.М.Кулиев, Ш.Абдуллаев, В.М.Устинов, Х.Т.Турсунов[3] ва

[1] Шамагдиев Ш.А. Разгром контрреволюционных буржуазных "автомомистов". В книге "Материалы к истории Советского Узбекистана". Ташкент, 1957; Очерки истории коммунистической партии Туркестана. Ч.П.Большевики Туркестана в период подготовки и победы Великой Октябрьской Социалистической революции и упрочение Советской власти. Ташкент, 1959; История гражданской войны в Узбекистане. Т.I. Ташкент, 1964 ва бошқалар.

[2] Уразаев Ш.З. Туркестанская АССР и ее государственноправовые особенности. Ташкент, 1958; Ўша муаллиф. Туркестанская АССР - первое социалистическое государство в Средней Азии. Ташкент, 1961; Гордиенко А.А. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. Тошкент. 1959; Ўша муаллиф. Создание Советской национальной государственности в Средней Азии. М., 1959; Агзамходжаев А., Уразаев Ш.З. Развитие советской государственности в Узбекистане. Ташкент, 1960; Агзамходжаев А. Советское многонациональное государство. Ташкент, 1962; Хакимов М.Х. Серый Я.М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. Ташкент, 1964; Хакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. Ташкент, 1965.

[3] Кулиев К.М. Борьба Коммунистической партии за упрочнение Советской власти и осуществление национальной политики в Средней Азии (1917-1925 г.г.). Ашхабад, 1965; Абдуллаев Ш.Ўзбекистонда коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг ғалабаси учун кураш. Ташкент, 1957; Устинов В.М.Ленинская политика партии на Востоке (О руководстве ЦК РКП(б) Компартией Туркестана в 1919-1924г.г.). Фрунзе,1963:Турсунов Х.Т. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане. Ташкент, 1971.

бошқаларнинг асарлари ёзилди. Буларда инқилобдан олдинги Туркистондаги миллий муносабатлар таърифланиб, совет ҳокимиятининг миллий сиёсати, бу сиёсатнинг ўлкада амалга оширилишида РКП(б) Марказий Комитетининг роли, Туркистон АССР тузилиши курсатиб берилди. Турккомиссия, Туркбюро ва РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиёбюросининг фаолияти, Урта Осиёдаги миллий чегараланишни тайёрлаш, уни утказиш ва бошқа масалалар батафсил баён этилди. Бу асарларнинг шак-шубҳасиз ютуқлари билан бир қаторда тадқиқот методологияси нотуғри булгани туфайли йул қуйилган жиддий камчиликлар ҳам бор. Муаллифлар фақатгина ижобий факт ва ҳодисаларни ёритиб аниқ таҳлил қилиш урнига воқеликни очиқчасига буяб курсатганлар.

Тарихий тадқиқотларнинг асосий йуналишларидан бири РКП (б) Марказий Комитети, Туркистон, Туркбюро ва Урта Осиёбюролари фаолиятини урганиш булди. Урта Осиё тарихига оид умумлаштирувчи асарлар билан бир қаторда ваколатли органлар ҳусусидаги масалалар куриб чиқилган асарлар ҳам пайдо булди. В.П.Николаева, В.М.Устинов, С.Назаров, М.Ф.Андерсон, К.Ҳасанов, А.Азизхонов, А.А.Росляков ва бошқаларнинг асарлари шулар жумласидандир[I].

Бу асарларда ваколатли органларнинг тузилиши ва уларнинг

I Николаева В.П. Турккомиссия, как полномочный орган ЦК ВКП(б). "Вопросы истории КПСС", I958, № 8; Устинов В.М. Ленинская политика на Востоке. Фрунзе, I963; Уша муаллиф. Решающее условие социалистического строительства. Ашхабад, I967; Назаров С. Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП (б). Ташкент, I965; Уша муаллиф. Руководство ЦК РКП(б) партийным строительством в Средней Азии. Ташкент, I972; Андерсон М.Ф. Из истории партийного строительства в Средней Азии. Душанбе, I966; Хасанов К. Ленин в Туркбюро ЦК РКП(б). Ташкент, I968; Уша муаллиф. ЦК ВКП(б) в борьбе за построение социализма в Средней Азии. Ташкент, I968; Азизханов А. Туркбюро как полномочный орган ЦК РКП(б). Ташкент, I974; Росляков А. Средазбюро ЦК РКП(б). Вопросы стратегии и тактики. Ашхабад, I975.

Ўрта Осиёдаги фаолияти, яъни партия ташкилотларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш; Туркистон улкаси иқтисодиёти, маданиятини тиклаш ва ривожлантириш юзасидан олиб борган катта ишлари курсатиб берилган. РКП(Б) Марказий Комитети Туркбюроси фаолиятини текширувчи тадқиқотчилар Туркбюронинг Туркистон Компартияси У съездини тайёрлаш ва утказиш (1920 йил, сентябрь), улкада НЭПни амалга ошириш, "босмачиликка" қарши курашни ташкил этиш, ер-сув ислоҳотини утказиш, Туркистонда маданият ва халқ таълимини ривожлантириш (1920-1922 йиллар)даги ролини қайд қилишади.

Ўрта Осиёбюроси тарихига бағишланган асарларда унинг фақат Туркистондаги фаолиятигина эмас, балки Бухоро ва Хоразмдаги фаолияти, Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришдаги роли, миллатлараро низоларни енгиш ва "босмачилик"ка қарши курашдаги урни, миллий совет давлатининг янада ривожланиши принциплари ҳақидаги масалани ҳал этиш ва Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашини утказишдаги иштироки ёритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб утиш керакки, РКП(б) Марказий Комитети ва совет ҳукумати ваколатли органлари фаолиятининг тарихига бағишланган асарлар муаллифларининг купгина хулосалари ҳозирги кунда уларга танқидий кўз билан қарашни ва жиддий равишда қайтадан куриб чиқишни талаб қилади.

Диссертацияда тадқиқ этилаётган масалалар Компартиялар ва совет давридаги Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тарихига доир умумлаштирувчи асарларда большевиклар ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги фаолиятига оид асосий масалаларни текшириш муносабати билан йўл-йўлакай куриб утилади[1].

[1] История Узбекской ССР. Т.П. Ташкент, 1957; История Туркменской ССР. Т.П.Ашхабад, 1957; Очерки истории Советского Таджикистана. Душанбе, 1957; История Казахской ССР. Т.П. Алма-Ата, 1957; История Киргизской ССР. Т.П. Фрунзе, 1964; История Казахс-

Муаллифлар жамоаси томонидан яратилган бу асарларда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда миллий масалани ҳал этишнинг асосий томонлари ёритилиб, хусусий масалаларни ўша вақтда тадқиқ этиш натижалари умумлаштириб берилган. Улар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик шароитларида руй-рост кўзга ташланадиган камчиликлар ва етишмовчиликлардан ҳоли эмас.

Ўша даврдаги тарихчиларнинг асарларида маълум муваффақиятлар билан бир қаторда муҳим методологик хатолар борлиги ҳам характерлидир. Туркистондаги совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бўлиб ўтган тарихий воқеалар тор синфий нуқтаи назардан туриб, партиявий кўз билан тадқиқ этилган. 1956-1985 йилларда ёзилган асарларда етарлича фактлар бўлмагани ҳолда кўпинча Туркистонда Октябрь "инқилоби" учун зарур барча объектив ва субъектив шарт-шароитлар мавжуд эди деб тантанали суръатда баён этилган, метрополия ишчилар синфи билан миллий деҳқонлар иттифоқда бўлган, пролетар инқилоби Туркистондаги империализмга қарши миллий озодлик ҳаракати билан пайваста бўлиб қушилиб кетган деб асослашга беҳуда уринилган, миллий партиялар сиёсатининг моҳияти ва уларнинг Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатида тутган ўрни нотўғри талқин қилинган. Бу даврдаги асарларда ўлкада миллий сиёсатни амалга оширишда раҳбар партия ва совет органларининг йўл қўйган камчиликлари ва хатолари тўғрисида лом-лим дейилмаган.

кой ССР. Т.П. Алма-Ата. 1963; История Таджикского народа. Т.Ш., книга I, Душанбе, 1965; История Узбекской ССР. Т.Ш. Ташкент, 1967; История коммунистических организаций Средней Азии. Ташкент, 1967; Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, 1974 ва бошқалар.

Тадқиқ этилаётган муаммо тарихшунослигини охирги - туртинчи босқичи 1985 йилдан ҳозирги кунимизгача булган даврни уз ичига олади. Жаҳонда мустамлакаларга эга булган сунгги давлат-СССР емирилиб, Ўзбекистон мустақилликни қулга киритган, ижтимоий-сиёсий ҳаёт тоборо чуқурроқ демократлашиб бораётган ҳозирги кунда умуман Ўзбекистон тарихини, хусусан Совет Октябрдан кейинги Туркистон тарихини урганишга объектив ёндошиш имконияти пайдо булди. Шу нуқтаи назарлардан туриб ёзилган дастлабки илмий асарлар пайдо булди, буларда миллий масаланинг улкада большевиклар томонидан амалга оширилишининг айрим жиҳатлари ёритилган[1]. Бундан ташқари газета ва журналлар саҳифаларида узбек эмиграциясининг вакиллари - Мустафо Чуқаев, Заки Валидий (Туғон) ва Туркистоннинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар ва тарихчи олимларнинг китоблари, эсдаликларидан парчалар ва мақолалари босиб чиқарилди[2]. Бироқ историографик таҳлилдан маълум булганидек, урганилаётган мавзу ҳақида янгича ёндошиб, Туркистонда большевиклар сиёсатининг барча мураккаб томонларини тулақонли тарзда акс эттирадиган, умумлаштирувчи асарлар ҳозирча деярли йуқ даражада.

---

[1] Абдуллаев Р.М. Национальный вопрос в программных положениях политических партий и организаций Туркестана (февраль - октябрь 1917 г.) В книге "Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ташкент, 1991; Шамсутдинов Т. Мусульманские Советы - специфическая форма Советского строительства в Туркестане (1917-1919 г.г.). Уша асарда 132-147-бетлар; Прилуцкий Е.А. Некоторые вопросы формирования советской национальной государственности в Туркестане. Уша асарда, 148-158-бетлар; Хасанов М.К. "Кокандская автономия" и некоторые ее уроки. Уша асарда, 159-176-бетлар.

[2] Мустафо Чуқаев. Туркистон шуролар хокимияти даврида. "Эрк", 1990, № 14-22; Заки Валидий (Туғон). Хотиралар. "Шарқ юлдузи", 1993, № 5, 6-7, 8-9.

Ўзбекистон тарихчиларининг эълон қилинган мақолаларида Туркистонда миллий сиёсатни амалга оширишда эришилган ижобий натижаларгина эмас, балки ундаги салбий ҳодисалар, йул қуйилган хато ва камчиликлар устида ҳам илмий суз боради. Уларда хали етарлича аниқлаштирилмаган, баҳсларга сабаб буладиган жиҳатлар талайгина. Бу асарлар муаммони Туркистондаги мавжуд ва куп жиҳатдан узига хос булган шароитларга қиёс қилиб, ҳар томонлама, янада чуқурроқ урганишни бошлаб берди[1]. Юқорида тахлил қилинган тарихшуносликка оид адабиётлар, урганидаётган давр сиёсий жараёнлари ҳақида бизга зарур булган кўпгина фактологик материалларни берди ва шу жиҳатдан олганда улар катта қийматга эгадир.

Биз урганиб, тахлил қилиб чиққан адабиётларнинг кейинги гуруҳи бевосита сиёсатшунослик фанининг назарий ва услубий масалаларига бағишланган асарлар ва илмий мақолалардир.[2]

---

[1] М: Ахмеджанов Ғ.А. Советская историография завоевания Туркестана. Ташкент: ТашГИВ, 1991.

[2] Андреев С.С. Политическое управление и политическое руководство. – Социально-политические науки, 1992, № 5.

Андреев Ю.П. Социальные институты: содержание, функции, структура. – Свердловск, изд. УГУ, 1994., Белов Г.А. О системе политических наук и политологии. Вестник ЛГУ сер.12. Соц.Полит. исслед. 1993, № 1., Зуев В.И. Власть в системе политических категорий. Государство и право, 1993, № 5., Каримов Д.А. История Политической мысли и современность. М.: Наука, 1991., Котанджанян Г.С. Грани согласия – конфликта: цивилизационные проблемы теоретической и прикладной политологии. М.: Луч, 1992., Октябрьская революция. Народ: ее творец или заложник? – М.: Наука 1992., Ильхамов А. Перспектива Узбекистана: опыт концептуального моделирования. – Народ и демократия, № 3–4 1992.

Гарчанд улар бевосита урганилаётган даврга бағишланмаган бўлса ҳам, мазкур мавзунинг муҳим жиҳатларини политологик жиҳатдан тахлил қилишга, тегишли хулосалар чиқаришда бизга ниҳоятда катта услубий манбаа бўлиб хизмат қилди. Жумладан 1917-1924 йилларда Туркистонда амалга оширилган сиёсий модернизация жараёнини ўрганиш бизнинг назаримизда ушбу махсус адабиётларда берилган назарий материаллар ёрдамисиз мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаб утиш лозимки республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида, жумладан: "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", Т.: Ўзбекистон, 1992, "Ўзбекистон келажаги буюк давлат", Т.: Ўзбекистон, 1992, "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", Т.: Ўзбекистон, 1995., "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида", Т.: Ўзбекистон, 1995", каби китобларида илгари сурилган республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётига оид қоидалар, фикрлар ва хулосалар урганилаётган мавзуни ёритишда бизга ниҳоятда муҳим назарий ва амалий асос сифатида ёрдам берди.

Тадқиқ қилинаётган мавзуга у ёки бу тарзда алоқадор бўлган адабиётларни ва манбааларни ўрганиш шундан далолат берадики, 1917-1924 йилларда Туркистонда амалга оширилган сунъий советлаштириш - совет ҳокимияти легитимлигини куч билан амалга ошириш даври ижтимоий-сиёсий муносабатларининг кўпгина жиҳатлари хали илмий тадқиқотларнинг бевосита объектига айланган эмас. Мана шу холат ушбу илмий ишнинг мақсади ва вазифаларини белгилашга замин бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади. 1917-1924 йилларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ва муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган айрим муҳим масалалар ва муаммоларни полито-

логик ва тарихий нуқтаи назардан урганишдир. Бунда бош концептуал тадқиқот нуқтаси сифатида сунъий советлаштиришнинг асосий объекти булган миллий ва с миллий конфессиал масалалар олинди.

Тадқиқотда қуйидаги вазифалар олдинга қуйилди:

- ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва бошқа миллий ташкилотларнинг Туркистон сиёсий мустақиллиги учун большевизмга қарши олиб борган курашининг узига хос хусусиятларини курсатиб бериш;

- Марказнинг ваколатли органларига қарши ва Туркистон АССР нинг чинакам суверенитети учун бошланган ижтимоий-сиёсий ҳаракатни таҳлил қилиш мисолида совет ҳокимиятининг маданий, миллий конфессионал масалалар буйича юргизган сиёсатини ёритиш;

Диссертациянинг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат, - унда большевистик тартиботни урнатилиши натижасида Туркистонда 1917-1924 йилларда вужудга келган сиёсий вазият ва бу даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллий давлатчилик йулидаги сиёсий курашлар тажрибасини тарихий манбааларга таянилган холда Политологик нуқтаи назардан урганишга ҳаракат қилинган;

- илмий ишда, сиёсий фитналар ва зуравонлик заминида курилган большевистик сиёсий оқим назарий асосларини Туркистонда миллий конфессионал ва вақф масаласига татбиқ қилиниши мисолида, большевиклар олиб борган миллий сиёсатнинг шовинистик ва гегемонистик моҳияти очиб беришга ҳаракат қилинган;

- диссертацияда совет сиёсий тартиботининг Туркистон халқлари маданий ва маърифий ҳаётига қарши олиб борган носиёсий фаолиятини системали ёндошув услуби асосида ёритишга харакат қилинган.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Мазкур мавзуни урганишда политология фанининг энг муҳим тадқиқод услубларидан бири булган қиёсий-тарихий услуб қулланилди. Унинг ниҳоятда катта аҳамияти

шундаки, тадқиқодчига сиёсий воқеликларни ва факторларни улар амал қилган ва келиб чиққан тарихий вазият билан бевосита боғлиқ равишда олиб ўрганиш имконини беради. Шунингдек ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўрганишда қўлланиши муҳим бўлган илмий объективлик тамойилларидан ҳам тўлиқ равишда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг асосий қоидалари ва хулосаларидан политология ва сиёсий тарих курсини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари диссертациянинг материаллари ушбу мавзуга қизиқувчи тадқиқодчилар учун услубий манбаа бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг манбавий негизи. Давлат архивлари ва собиқ партия архивларининг ҳужжатлари ва материаллари диссертация учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Асосий манбалар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг ҳужжатлари ва материалларидан топилди. Ана шу жуда бой архивнинг Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитети (ф.17). Туркистон АССР Миллатлар Халқ Комиссарлиги (ф.36), Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги (ф.34) архив фондлари ва бошқалардан фойдаланилди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети фондида Турк Республика Советлари съездларининг стенографик ҳисоботлари, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг декрет ва қарорлари, Туркистон Марказий Ижроия Комитети пленумлари ва раёсати мажлисларининг қарорлари сақланади. Мусулмонлар Ш улкя конференциясининг протоколлари сақланиб қолган. Жойлардан келган ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзолари берган маълумотномаларда республикадаги сиёсий аҳвол ва миллатлараро муносабатлар тўғрисида қизиқ маълумотлар бор. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича Комиссияси фаолияти ва бу комиссиянинг Туркистон Марказий Ижроия Комитети

билан ўзаро муносабатлари тўғрисида материаллар ҳам мавжуд.

Туркистон АССР Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлигининг архив фондида шу комиссарлик коллегияси мажлисларининг протоколлари, унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотнома ва ахборотлар; маҳаллий аҳолининг янги турмуш қурилишига жалб этилиши тўғрисида комиссарлик вакиллари ҳамда вилоятлардаги миллий булимларининг маълумотномалари, ахборотлари, бу комиссарлик қошида ўзбек, Тожик, Туркман, Қирғиз миллий булимлари тузиш тўғрисидаги ҳужжатлар; Туркистонда миллий сиёсатни амалга ошириш чоралари тўғрисида Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети ва Туркистон миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлигининг қарорлари сақланиб қолган.

Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлигининг архив фондида халқ маорифи тўғрисидаги материаллар билан бир қаторда вақф, мактаблар ва мадрасалар тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам бор. Вақф булимининг олиб борадиган ишлари ва вазифаларини белгилаб берувчи ҳукумат қарорлари, Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги тўғрисидаги низом мавжуд. Халқ Маорифи Комиссарлиги ва маҳаллий органларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларда Вақф булимининг фаолияти тўғрисидаги масалалар, диний муассасалар вақф мулкининг аҳволи ёритилади. Эски усул мактаблари, мадрасалар тўғрисида, уларни ислоҳ қилиш ваколати тўғрисида низом бор. Фондда Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг вақфлар тўғрисидаги декретлари, Вақф булими коллегияси мажлисларининг протоколлари, Туркистон АССР вилоятлари ва уездларидаги вақф мулклари тўғрисидаги маълумотлар ва ёзишмалар сақланади.

Архив манбалари билан бир қаторда бошқа манбалар, жумладан, Политология фанининг назарий масалаларига бағишланган ҳужжатлар тупламлари, вақтли матбуот материалларидан кенг фойдаланилган.

Муҳим ҳужжатли нашр "СССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном совет социалистик республикалари (1917-1936)"[1] ҳужжатларнинг етти жилдлик тупламидир. Мана шу нашрда конституциялар, қарорлар, резолюциялар ва Туркистон Советлари съездларининг бошқа ҳужжатлари биринчи марта тупланиб эълон қилинган. Бу ҳужжатларда совет ҳокимиятининг миллий сиёсати ва унинг Туркистон республикасида амалга оширилиши уз ифодасини топган.

Бошқа бир қимматли ҳужжатлар туплами-икки жилдлик "Узбекистонда Октябрь революциясининг ғалабаси"дир[2]. Унда ҳам совет органлари, мусулмон ташкилотларининг ҳужжатлари эълон қилинган. 1917 йил 12-14 июль кунлари Скобелевда булиб утган Мусулмон ташкилотлари Фарғона вилоят съезди, 1917 йил 17-20 сентябрь кунлари Тошкентда булиб утган Мусулмонлар улка съезди ва бошқа ҳужжатларда уларнинг Туркистон мухторияти тўғрисидаги талаблари баён этилади. Тупламнинг II жилдида "Қуқон мухторияти" эълон қилингани ва унинг фаолияти тўғрисида бир қанча муҳим манбалар бор.

1988 йили "Туркистон Коммунистик партияси съездлар ва конференциялар ререзолюцияларида" деган ҳужжатлар туплами босмадан чиқди. Бу тупламдаги ҳужжатлар Туркистон Компартиясининг миллий сиёсатни амалга ошириш, улуғ рус шовинизмига қарши кураш соҳасидаги фаолиятини акс эттиради. Тупламда миллий масала ва миллий секциялар тўғрисидаги Туркистон Компартияси У конференциясининг резолюцияси ва миллий коммунистик секциялар тўғрисидаги низом ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар ҳам киритилган.

---

[1] Съезд Советов Союза ССР союзных и автономных советских социалистических республик. Т.I-VIII 1917-1936г.г. М., 1959, 1965.

[2] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сб. документов Т.I-II. Ташкент, 1963, 1972.

Маҳаллий матбуот – "Известия ТурЦИК", "Наша газета", "Туркестанский вестник", "Улуғ Туркистон", "Ҳуррият" ва бошқалардан ҳам кенг фойдаланилди.

Кўпдан-кўп архив маълумотлари ва босма манбаларни топиш ҳамда улардан фойдаланиш, тарихий адабиётларда ва хужжатларда талқин қилинган маълумотларни Политологик-тарихий нуқтаи назардан тахлил қилиш муаллифга ушбу диссертацияда тадқиқ этилган масалаларни янгича нуқтаи назардан туриб ёритиш учун имкон берди.

I БОБ. БОЛШЕВИСТИК ТАРТИБОТ ЙИЛЛАРИДАГИ ТУРКИСТОНДА ВУЖУДГА КЕЛГАН СИЁСИЙ ВАЗИЯТ.

I.I. Туркистон мухториятини тузиш буйича интилишларнинг манбалари ва субъектлари.

Узбек халқи ва Туркистондаги бошқа халқларнинг мустақиллик учун қураши, улкадаги миллий-озодлик ҳаракати узоқ тарихга эга. Бу тарих Урта Осиёнинг подшо Россияси томонидан босиб олиниши билан бир вақтда бошланган. Туркистон истило қилингандан кейин чинакам мустамлакага айлантирилди ва бошқа миллий чет улкалар сингари, узбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар камситилиб, "зоти бошқа", "бегона" деб аталадиган миллат вакилларини тинмай эксплуатация қилиш ва талаш объекти булиб қолди. Бу кишиларни одам урнида куринмас ва аёвсиз эксплуатация қилишар эди. Ушбу халқлар орасида миллий низо, нафрат ва узаро кураш авж олдирилар ва подшо империяси фақат милтиқлар, найзалар ва зулмга ишонар эди.

Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати, оғир ижтимоий зулм Туркистон халқларини озодлик курашига қузғатди. XIX асрнинг охирги чорагида подшо ҳукуматига қарши Пулатхон қузғолони, I892 йилда Тошкент қузғолони, I898 йилда Андижон қузғолони сингари йирик халқ қузғолонлари булиб утди. Бу қузғолонларнинг ғояси, асосий мақсади Туркистонни озод қилиш ва мустақилликни тиклашдан иборат эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги миллий озодлик ҳаракати тарқоқлиги, бир-биридан ажралиб қолганлиги ва уюшмаганлиги билан таърифланар эди. Биринчи рус инқилобидан кейин аҳвол узгарди. Бу инқилоб миллий ҳаракатга муайян туртки берди. I905 йил маҳаллий аҳоли муҳитига бир қадар жонланиш киритди.

"Туркистон ўлкасининг 1909 йилдаги аҳволи тўғрисида генерал-губернаторнинг тобелик маълумотномаси"да мана бундай дейилгани бежиз эмас: "Сунгги 3-4 йил мобайнида (1905-1907 йиллар назарда тутилади) Ўрта Осиё мусулмонлари орасида бир нав эволюция руй берди, панисломизм ва умуммусулмончилик ғоялари олдинига миллий бирлашишга интилиш билан алмашинди, кейин эса инқилобий-сепаратистик ва ҳатто социалистик тенденциялар пайдо була бошлади. 1905 йили Оврупо Россиясида булиб утган озод этувчи дейилмиш ҳаракат бу ерда ҳам акс садо бериш билангина қолди эмас, балки илгарироқ (1905 йил январидан) ҳам бошланиб кетди, Туркистоннинг умумроссия темир йуллари тармоғига қушилиши шунга куп даражада йул очди, бунинг натижасида жамиятнинг хотиржамлиги учун зарарли булган купгина номаъқул кишилар Туркистонга келиб қолди. Шу билан бирга кенг авж олиб кетган инқилобий ташвиқот тулқинига маҳаллий халқ ҳам бепарво булиб қолмаётир"[1].

Биринчи жаҳон уруши даврида Туркистондаги энг йирик халқ ҳаракати 1916 йил қузғолони булди. Подшо Николай II нинг 1916 йил 25 июнда "ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий йуллар қуриш ишларига, шунингдек давлатни мудофаа қилиш учун зарур булган бошқа ҳар қандай ишларга бошқа қоидаги эркаклар аҳолисини жалб қилиш тўғрисида" деб чиқарган фармони бу қузғолон учун бевосита баҳона булди. Шу фармонга мувофиқ ҳарбий тактик ишларга Туркистон ўлкасидаги маҳаллий миллатлардан 250 минг нафар кишини чақириш мўлжалланган эди[2].

[1] Всеподданейший доклад Туркестанского генерал-губернатора о положении Туркестанского края в 1909 г., 13-20- бетлар.

[2] Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане, 77, 145-147- 503-573- бетлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондан "зоти бошқа" кишиларни фронт орқасидаги ҳарбий ишларга олиш империалистик уруш манфаатларини кузлаб утказилди. Сафарбарлик улка халқларининг бусиз ҳам оғир булиб турган аҳволини янада ёмонлаштирди. Қузғолон аллақачон етилган ва бутун улканинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланиши давомида тайёрланган эди. Меҳнатга лаёқатли эркакларни мардикорлик ишларига сафарбар этиш Ўрта Осиё ва Қозоғистонда маҳаллий аҳолининг норозилигини уйғотди ва 1916 йил қузғолонига туртки берди.

Қузғолон 1916 йил 4 июнь куни Хужанд эски шаҳаридаги (ҳозир Тожикистон Республикаси таркибидаги шаҳар) меҳнаткашларнинг чиқишидан бошланди. Тез орада бу қузғолон бутун Самарқанд вилоятига, Сирдарё, Фарғона, Каспийорти ва Дашт (Акмолинск, Семипалатинск, Турғай, Урал) вилоятларига тарқалди. Туркистон ва Дашт улкасининг кундан-кун миллий аҳолиси мустамлакачилик сиёсатига қарши ва мустақиллик учун бош кутарди. Қузғолон Бухоро ва Хевадаги халқ ҳаракатларига ҳам таъсир утказди.

Туркистондаги 1916 йил қузғолони уз табиатига кура миллий-озодлик ҳаракати булиб, подшо тузумига қарши қаратилган эди. Бу қузғолонда улка аҳолисининг ҳамма қатламлари иштирок этди. 1916 йил қузғолони подшо қушинлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилди. Қузғолон мағлубиятга учраганига қарамай, катта тарихий аҳамиятга эга булди. Бу биринчи жаҳон уруши йилларида етилиб келаётган инқилобий таназзулнинг ифодаси, Россия, жумладан Туркистондаги демократик-буржуа инқилобининг ибтидоси булди.

1917 йил февраль инқилобининг ғалаба қозониши Туркистон халқларининг мустамлакачиликка қарши озодлик курашидаги муҳим давр булди. Февраль инқилоби натижасида меҳнаткаш омма суз ва

матбуот эркинлиги, намойишлар, митинглар ташкил этиш, партия ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари тузиш сингари муҳим сиёсий ҳуқуқларни қулга киритдилар.

Февраль инқилоби ғалаба қозонгандан кейин кўпгина миллий ва жамоат ташкилотлари тузиш, уларнинг уз вақтли матбуот органларини нашр этиш учун шарт-шароитлар юзага келди. Улар Туркистон халқлари миллий озодлик ҳаракатининг янада кучайишига ёрдам берди. XX аср бошларида Туркистонда маърифатчилик ҳаракати сифатида вужудга келган жадидлар ҳаракати ёркин ифодаланган сиёсий тус олди. Ана шу ҳаракат асосида бир неча мустақил миллий сиёсий партиялар юзага келди. Булар кейинчалик мухолиф гуруҳларнинг сиёсий қарама-қаршилиги марказида турди.

Шундай қилиб Туркистон халқлари XX аср бошларида миллий озодликка қаратилган мустақил ва фаол инқилобий куч сифатида майдонга чиқа бошлади. Бу ҳаракатнинг уз етакчилари, сиёсий партиялари ва бошқа жамоат ташкилотлари бор эди. Маълумки, Туркистонда куп миллионли туб миллатлар меҳнаткашларининг қудратли миллий озодлик ҳаракати билан бир қаторда буржуазия ҳокимиятини ағдариб, рус социал-демократлари, большевиклар етакчилигидаги пролетариат диктатурасини урнатишни мақсадни қилиб қуйган социалистик инқилобни ёқловчи кам салмоқли пролетар ҳаракати ҳам бор эди. Туркистондаги социал-демократик ташкилотларнинг тарихи жуда батафсил урганилган. Лекин миллий сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг келиб чиқиши ва фаолияти Туркистон халқлари тарихида ҳамон "оқ доғлар" булиб келмоқда.

Йирик сиёсий ташкилотлардан бири 1917 йил март ойининг бошларида Тошкентда тузилган Шурои Исломия миллий буржуазия ташкилоти булди. Унга жадидлар етакчиси Мунавварқори Абдурашидов бошчилик қилди, Мустафо Чуқаев, II Давлат думасининг

аъзоси Абдувоҳидқори, андижонлик миллионерлар Миркомилбой Муминбоев, Аҳмаджон Темирбеков ва миллий зиёлиларнинг бошқа вакиллари бу ташкилотда фаол рольни ўйнадилар. Тошкентда улка органи ролини ўйнаган шуроисломчилар ташкилоти тузилганидан кейин бошқа шаҳарларда ҳам унинг бўлимлари, филиаллари юзага келди. Юқори мартабали руҳонийлар, собиқ қуйи маъмурият амалдорлари, бойлар, миллий буржуазиянинг кенг доиралари бу ташкилотнинг таянчи бўлди. Масалан, Шурои Исломиянинг Хўжанд ташкилотига пахта тозалаш заводларининг эгалари Тожибой Хожи Муҳамедов, Мулла Қурбон Марадбоев, Аҳмадбой Хўжа Отабоев, Мирҳошим Миркомилов ва бошқалар кирган эди[I].

Шурои Исломия партияси Россия таркибида миллий-ҳудудий мухторият тузиш ва капитализмни ривожлантириш учун мусулмончилик ва шариат соҳасидаги баъзи қоидалардан фойдаланишни ёқлар эди. У ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни сақлаб қолишни талаб қилиб чиқди.

Шурои Исломия етакчилари узларининг сиёсий талабларини партиянинг 1917 йил 16-21 апрелда бўлиб ўтган улка съездида таърифлаб беришди. Шуроисломчилар миллатларнинг ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги шиорни қуллаб-қувватладилар, миллий мухторият тузишни ёқлаб чиқдилар. Улар Муваққат ҳукумат Туркомитетининг радиси кадед. Н.Н.Шчепкин табрик сузи билан чиқди ва съезднинг тутган йули кадедлар партияси дастурига тулатукис мос келади ва Муваққат ҳукумат "Шуроий Исломия"нинг ёрдамини кузда тутади ва шунга умид боғлайди деган фикрни билдирди.

Шуроий Исломия барча мусулмонлар ижтимоий аҳволидан қатъий

I Каримов Т. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Северном Таджикистане (апрель 1917-1918 гг.). Сталинабад, Таджикиздат, 1857, 54-бет.

назар бирдир, деган ғояни тарғиб қилди. Барча мусулмонларни бирлаштириш шиори остида шуроисломчилар халқ оммасини узларига эргаштириб боришга ҳаракат қилдилар. Улар Муваққат ҳукуматдан Туркистонга мухторият бериш ва қонун доирасида баъзи исло-ҳотларни утказишни талаб қилиб чиқдилар.

1917 йилнинг июнь ойида ташкил этилган бошқа бир миллий партия - Шурои Уламо маҳаллий феодаллар ва руҳонийларни бирлаштирди. Улар консерватив руҳдаги партиялар булиб, турмушда ва жамият ҳаётида шароитда шариатга асосланган мусулмончилик қонун қоидаларини сақлаб қолишни талаб қилиб чиқдилар. Бу партияларнинг иккаласи ҳам узларининг синфий табиати жиҳатидан бойлар ва руҳонийлар партияси булиб, асосан жадидларни бирлаштирар эди.

Йирик миллий партиялар ташкил этилиши билан бир қаторда табиатан унг ва сул либерал йуналишдаги кичикроқ миллий гуруҳлар ва жамиятлар ҳам пайдо була бошлади. Февраль инқилобининг дастлабки ойларида биргина Тошкентнинг узида ана шундай ташкилот ва тугараклардан 20 га яқини тузилди[1].

Тошкентнинг эски шаҳарида зиёлилар ташаббуси билан 5 март куни Ерли халқлар комитети, 8 март куни уқитувчилар, врачлар, приказчилар, хизматчилар жамияти тузилди. Андижонда - "Озод халқ", "Ҳуррият", "Маърифат", "Муфтаҳал-маориф", "Маърифат ва шариат", Илётия, Наманганда - "Жамияти Исломия", Каттақурғонда - "Равнақул Ислом", "Иттиҳод ва тараққий", Хужандда "Муинат толибин", Самарқандда - "Мурувважул ислоим" сингари тугарак ва жамиятлар пайдо булди. Бу жамиятлар Муваққат ҳукуматни қуллаб-қувватлаш йулини тутдилар. Купгина жамиятлар халқни маърифатли қилиш, янги мактаблар, кутубхоналар ва қироатхоналар очиш,

[1] "Кенгаш", 1917 йил 19 июль.

миллий тилда газеталар нашр этиш, аҳолини сиёсий воқеалар билан таништириб бориш ва бошқаларни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар-да, лекин асосан шариатга таянувчи эски турмуш шароитларни сақлаб қолишни ёқлар эдилар. Бундай жамиятлар кенг меҳнаткашлар оммасини ўз таъсири остига олишга ҳаракат қилдилар.

Кўпгина мусулмон ташкилотлари ва жамиятлари уларининг вақтли матбуот органларини нашр эта бошладилар. Масалан, Тошкентда "Турон", "Турк эли", "Нажот" (бу кейинчалик "Кенгаш"га айланди), "Шурои Ислом", "Улуғ Туркистон", Самарқандда - "Ҳуррият", Бухорода - "Бухорои Шариф", Қўқонда - "Садои Фарғона", "Тирик сўз" газеталари, "Ҳуррият" журнали, Фарғонада -"Фарғона нидоси" газетаси чиқа бошлади. Бу газета ва журналларнинг барчаси ўз саҳифаларида миллий озодлик ғояларини тарғиб қилиб, Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаб чиқар эдилар.

Туркистон туб аҳолисининг сиёсий фаоллиги кенг авж олишига сабаб бўлган февраль буржуа-демократик инқилобининг дастлабки кунларида Самарқандда умуман демократик йўналишда бўлган ҳар хил тўгараклар ва жамиятлар билан бир қаторда ишчилар ташкилотлари ҳам тузила бошланди. Самарқанд маҳаллий миллат ишчилари ва қашшоқларининг дастлабки ташкилотларидан бири 1917 йил март ойида тузилган "Исломия" клуби бўлди. Бу ташкилот Самарқанднинг эски шаҳаридаги аҳоли орасида маданий-маърифий ишларни авж олдириб юборди. "Исломия" клуби сиёсий талабларни ҳам олдинга қўйди - барча подшо амалдорларини мансабидан тушириш, халқ ҳокимияти органларини ташкил этишни талаб қилиб чиқди.

"Исломия" клуби узоқ умр кўрмади, атиги бир ярим ойдан

кейин, 1917 йил 15 апрелда уз фаолиятини тухтатди. Бу клуб урнига "Иттифоқ" деб ном олган мусулмон ишчилар ташкилоти тузилди.

"Иттифоқ" ташкилоти "Ҳуррият" газетасини нашр қилиш билан уз фаолятини бошлади. Бу газетанинг биринчи сони Самаркандда 1917 йил 16 апрель куни босмадан чиқди. Газетада туркистонлик илғор зиёлиларнинг ижтимоий сиёсий қарашлари уз ифодасини топди. Туб миллатларнинг манфаатларини ифода этувчи газета сифатида "Ҳуррият" оғишмасдан мустамлакачиликка қарши мавқеда турди[1], халқни эзиш ва эксплуатация қилишга қарши чиқди. Масалан, 1917 йил 21 июлдан 31 июлгача Қозонда булиб утган Бутунроссия мусулмонлари II съездида У.Хужаевнинг қилган маърузасида мана бундай дейилган эди: "Шу вақтга қадар Туркистон рус капиталистлари учун худди соғин сигирдек булиб келди. Ҳозирги кунда Туркистон Россияга пахта етказиб берувчи булиб турибди. Тухтамай давом этаётган уруш туфайли пахтага талаб янада ошди, чунки порох тайёрлашда пахтадан фойдаланилади. Урушдан олдинги даврда бир пуд пахта Россияга 18 сумга тушган булса, барча молларнинг нархлари 3 баравар ортиб кетган ҳозирги кунда Россия бир пуд Туркистон пахтасини 7 сумдан 10 сумгача булган нарх билан сотиб олади, ҳолбуки, бир пуд пахтанинг нархи 20 сум булиши керак эди. Демак, туркистонлик пахтакорлар ҳар бир пуд пахтадан 10-12 сум миқдорда зарар куради. Бундан, башарти Туркистон йилига 10-12 миллион пуд пахта етиштирар экан, ҳар йили пахтакорларимиз томонидан ишлаб топилган 100 млн. сум рус капиталистларининг чунтакларига тушиб кетади деган хулоса келиб чиқади"[2].

[1] "Ҳуррият", 1917 йил 16 апрель; 11 май; 1 сентябрь; 31 октябрь; 3 ноябрь сонлари.

[2] "Ҳуррият", 1917 йил 15 август.

1917 йилнинг 25 июнидан бошлаб жадидлар ҳаракатининг йирик мафкурачиси Абдурауф Фитрат "Ҳуррият" газетасининг бош муҳаррири бўлди. Фитрат мақолаларининг бирида мана бундай деб ёзган эди: "Жаҳоннинг ҳамма ўлкаларида руй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёшларнинг фаол иштироки билан утмоқда. Самарқандлнинг равнақи ва бухту саодати сизларнинг онгли ҳаракатларингизга боғлиқ. Сизлар ўз уйларингизга кириб бикиниб олганингиз билан ҳеч нарса ўзгармайди". Кейин у мана бундай дейди: "Рус инқилобидан бери уч ой утди (Февраль инқилоби назарда тутилмоқда). Халқимиз озодлик ва инқилоб маъносининг тагига етгани йўқ. Озодлик ва инқилобнинг сир-асрорларини, сабаблари ва фойдасини тушунтириб бермоқ керак. Бунинг учун варақалар, чақириқлар, мурожаатномалар тайёрлаш, митинглар ва конференциялар утказиш лозим. Бунинг ҳаммаси бизнинг бурчимиз. Ҳамма бизни кутиб турибди. Ва бу ишларни амалга ошириш учун қуруқ сўз эмас, балки иш бўлиши керак. Муқаддас Ватанимиз Туркистон сизлардан иш бўлишини кутади, унга хизмат қилишингизни, сизларнинг ўзбек халқи фарзанди эканлигингизни курсатишингизни истайди. Қўзғалинг, елиб-югуринг, ишга киришинг"[1].

"Ҳуррият" газетаси 1917 йилнинг август ойида Самарқанд шаҳар Думасига буладиган сайловлар олди кампаниясининг боришини ёритишга алоҳида эътибор берди. Газета Ҳума ҳаракатини қуллаб-қувватлади ва уни Самарқанддаги маҳаллий миллат кишиларига шаҳар ҳокимияти органлари аппаратида ваколатга эга бўлиш имконини берувчи кафолат деб билди. "Ҳуррият" мусулмонларга даъват қилиб, уларни шаҳар Думасидан купроқ уринни эгаллаш ва шу билан мактаб ва касалхоналар қуриш, шаҳарни ободонлаштириш имкониятини қўлга киритиш учун сайловларда фаол қатна-

[1] "Ҳуррият", 1917 йил 2 август.

шишга чақирди.

"Ҳуррият" партия гуруҳларини бир-бирига яқинлаштириш ва миллий демократик ҳаракат оқими билан бирлаштиришга ҳаракат қилди. Шунинг натижаси уларок, "Иттифоқ" 1917 йилнинг октябрида "Шурои Исломия" билан иттифоқ тузди, бундан мақсад шу партиянинг обру-эътиборидан фойдаланиб Бутунроссия таъсис мажлисига умумий делегатлар руйхатини олдинга суриш эди. "Ҳуррият" уз газетхонларига 1917 йил 28-30 октябрь кунлари Самарқандда булиб утган вилоят мусулмонлари съезди тўғрисида хабар берди. Бу съездда тараққиётчилар ва бошқа жамоат ташкилотларининг гуруҳлари "Шурои Исломия", "Иттифоқ" партияларининг қушма руйхатини тузиб, Бутунроссия таъсис мажлисига делегатлар сайланди. Бу делегатлар доктор Абдураҳмон Фарҳодов, муфтий Маҳмудхужа Беҳбудий, савдогар Тошпулат Абдуҳалил ўғли, ўқитувчи Султон Ўринбой ўғли, юрист Садриддин Мақсудийлар эди. Кавказлик юрист Пир Мурсилзода, Самарқанд шаҳри прокурорининг ўринбосари Никольский ва уезд комиссари Камолиддин Хусановлар уларнинг ёрдамчилари этиб тайинланди.

Февраль инқилобидан кейин улкада ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви натижасида меҳнаткашларнинг бир қанча мустақил ҳам сиёсий, ҳам оммавий ташкилотлари юзага келди. Ўлкадаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитлар биринчи жаҳон уруши йилларида миллий ташкилотлар кучларини жипслаштириш тенденцияларини уйғотди. Маҳаллий миллатларнинг уз-узини белгилаши тўғрисидаги ғоя пайдо булди.

Фарғона вилояти мусулмон ташкилотларининг 12-14 июль кунлари Скобелев шаҳрида булиб утган съезди миллий сиёсий ташкилотларнинг жипслашувидан дарак берадиган ёркин далидир. Бу съездда вилоят маҳаллий аҳолисининг турли ижтимоий қатлам-

лари манфаатларини ифодаловчи ҳар хил мусулмон ташкилотларидан 137 нафар вакил ҳозир бўлди. Бу нарса съездда ихтилофлар уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Қуқон меҳнаткашларининг вакили съездда бадавлат табақалар вакилларининг купчилик эканини ва буларнинг съезд ишига маълум таъсир утказаётганини куриб норозилик белгиси сифатида съездни ташлаб чиқиб кетди[1]. У билан бирга бошқа шаҳарлар меҳнаткаш мусулмонларининг вакиллари ҳам съездцан чиқиб кетдилар. Шуни ҳисобга олмаганда, мусулмон ташкилотларининг съезди умуман силлиқлик билан утди. Бу съездда улкадаги барча маҳаллий миллатлар вакилларини битта сиёсий платформада бирлаштиришга биринчи бор уриниб курилди. Съезд Ташкилий бюро сайлади ва биринчи мусулмонлар партияси - туркистонлик федералистлар партиясини тузишга асос солди. Съезд томонидан тасдиқланган платформанинг асосий нуқтаси Россия республикаси таркибида Туркистон улкаси мухториятини эълон қилишдан иборат эди.

Туркистонлик Федералистлар партияси дастурининг асосий қоидалари қуйидаги муҳим масалаларни уз ичига олди:

1. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Каспийорти ва Еттисув вилоятларидан иборат Туркистон улкаси Федератив тарзда Россия республикаси билан боғланган мухтор бирликни ташкил этади.

2. Суд икки хил булади: мировой суд ва қозихона. Судлашувчи томонлардан бири маҳаллий, иккинчиси эса маҳаллий булмаган киши булса-ю, суднинг хилини танлашга келишилмаган булса, ишни қози куриши керак. Суд даъвогарнинг турар жойига қараб белгиланади.

---

[1] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.I, 174- бет.

3. Ерга эгалик ҳуқуқи мустаҳкам деб тан олинади. Ҳукумат томонидан олиб қўйилган ёки ер тузиш мақсадларида фойдаланилган ерларнинг ҳаммаси аввалги эгаларига қайтариб берилиши керак.

4. Сув тўғрисидаги қонун сувдан фойдаланишнинг техник томонини (ирригация системалари барпо этиш ва уларга қараб туришни) белгилайди, том маънодаги сувдан фойдаланиш эса ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органлар томонидан одат ва шариат қоидаларига мувофиқ тартибга солиб борилади.

5. Нотариат алоҳида муассаса тариқасида тарқатиб юборилади ва нотариустларнинг вазифалари тегишлигига қараб қозилар ва мировой судялар зиммасига юклатилади.

6. Бошланғич таълим бепул бўлиб, кўпчилик ўқувчилар тилида олиб борилади.

7. Олий ўқув юртлари маҳаллий улка думаси томонидан очилади, сарф-ҳаражатлари эса умумдавлат маъмурларидан қопланади.

Фабрика ва завод ишчилари учун 8 соатдан иш куни қабул қилинади, барча турдаги қишлоқ хўжалик ишлари учун эса иш куни битим билан белгиланади.

8. Асосий солиқ даромад солиғидир. Қўшимча солиқлар ва кучмас мулк ҳисобидан олинадиган ўлмонлар бекор қилинади"[1].

Бир қанча қоидалар - ерга эгалик ҳуқуқининг мустаҳкамлиги ва сувдан фойдаланиш қоидалари, нотариатнинг тарқатилиши ва қозиҳоналарни яна расм қилиш - жамиятда шариат ва одат асослари қарор топиб бораётганидан далолат берар эди. Шунингдек қозихоналар билан бир қаторда мировой суднинг тан олиниши бошланғич таълимнинг кўпчилик ўқувчилар тилида бепул жорий этилиши, олий ўқув юртларининг маҳаллий улка думаси томонидан

[1] Туркестанский курьер, 1917 йил 26 июль.

очилиши ва сарф-харажатларнинг умумдавлат маблағлари ҳисобидан олиб борилиши, фабрика ва заводларда 8 соатлик иш кунининг белгиланиши, барча қушимча солиқлар ва улмонларнинг асосий даромад солиғи билан олмаштирилиши тўғрисидаги қоидаларнинг дастурга киритилиши олдинга сурилган йул-йўриқларнинг табиатан демократик эканлигидан дарак берар эди[I].

Бу платформа туркистонлик федералистлар партияси (Турк одами марказият фирқаси)нинг Тошкентда Ғулом Орифжонов босмахонасида тош босма усули билан босилган Дастури ва Низомида асосланди ва ривожлантирилди. Бу ҳужжатларни тузишда атоқли фиқх олимлари (руҳоний қонуншунослар), мадрасалар муддарислари, савдогарлар, Қуқон, Андижон, Скобелев, Тошкент, Самарқанд адиб ва мирзалари, жумладан Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхужа Беҳбудий, Кавказ мусулмон руҳонийларининг вакиллари иштирок этди.

Турк одами марказият фирқаси дастурида (маромномасида); давлат ва мухториятни тузиш, миллий масалалар, диний масалалар, инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт ва молия масалалари, ерга доир масалалар, ерга хусусий мулкчилик масалалари, ишчилар масалалари, ҳуқуқий ва халқ таълимига оид мухим масалалар уз аксини топди. Бу дастурда Туркистонда Россия демократик республикаси таркибида миллий-худудий мухторият принципларида демократик республика тузиш ғояси чуқур асослаб берилган.

Туркистонлик федералистлар партияси дастурининг мазмуни миллий озодлик ҳаракатида давлат, мухторият тузилиши ва барча

I Раджапова Р.Я. К вопросу о диалектике социалистического, демократического и национального в социальной революции (историографические аспекты проблемы). Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ташкент, 1991, 27- бет.

ижтимоий ҳаёт соҳаларини ташкил этиш хусусида муқобил дастурий ғояларни олдинга сурган кучлар булганидан дарак беради.

Мусулмонларнинг 1917 йил 17-20 сентябрь кунлари Тошкентда булиб утган улка съездининг ҳужжатлари ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Бу съездда Туркистон улкаси, шунингдек Урал ва Турғай вилоятларидаги турли мусулмон ташкилотларидан 515 нафар вакил қатнашди. Съезд делегатларининг таркиби тўғрисида "Улуғ Туркистон" газетасида босилган хабарда мана бундай дейилади: "Съезд делегатларининг купчилиги обру-эътиборли машҳур муллалар, мударрислар ва амалдорлар, яъни илгари ҳам халқ фойдасини кузлаб ишлаган, купчилик аҳоли томонидан қуллаб-қувватланган кишилардир"[1]. Бу съезд руҳонийлар жамияти ва "Халқ жамияти" ташаббуси билан чақирилган булиб, "уламолар съезди" мақомини олди.

Съезд кун тартибида қуйидаги масалалар турар эди: 1) Туркистон улкасининг келгусидаги сиёсий тузими; 2) озиқ-овқат масаласи; 3) ер ва сувдан фойдаланиш; 4) суд; 5) мактаб масаласи; 6) маскид имомлиги; 7) вақф масаласи; 8) Земстао тўғрисида; 9) ислом таълимотидан қатъий назар мусулмонлар фуқаролик турмушининг қонун-қоидаларини белгилан тўғрисида; 10) хотин-қизлар масаласи; 11) мусулмонлар сиёсий партиясини тузиш; 12) улка маъмурий бошқарувига мусулмон аҳолисини жалб этиш; 13) мусулмонлар улка Советини қайта ташкил этиш; 14) таъсис мажлиси ва бошқалар.

Съезд 4 кун ишлади ва кун тартибида турган барча масалаларни муҳокама қилиб тегишли қарорлар қабул қилди. "Улуғ Туркистон" газетасидаги хабарда мана бундай дейилган эди "Съезд уз ишининг охирги кунида бутун Туркистон ва Қозоғистон мусул-

[1] "Улуғ Туркистон", 1917 йил 30 сентябрь.

монларига раҳбарлик қилиб бориш учун сиёсий партия ташкил этишга қарор қилди. Туркистон ва Қозоғистондаги барча туркий одамларни бирлаштириши керак бўлган бу партия "Иттифоқи муслимин" деб аталди. "Шурои Исломия", Турон жамиятлари ва ташкилотларини тугатиш ва уларнинг ўрнига "Иттифоқи муслимин" бўлимларини ташкил этишга қарор қилинди"[I].

Съезд мулла Муҳаммадхўжа Эшон ва мулла Сиддиқхўжа Эшон жаноблариниг Туркистоннинг сиёсий тузилиши тўғрисидаги маърузаларини тинглаб, якдиллик билан Туркистон мухториятини таъсис этишга қарор қилди.

Қуйида Туркистоннинг сиёсий тузилиши тўғрисида съездда қабул қилинган резолюция жуда муҳим бўлганлиги учун у тўла ҳолича келтирилади. Бу ҳужжатда мана бундай дейилади:

I. Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Каспийорти вилоятлари шу вилоятларда яшаб турган барча халқларнинг миллий-маданий ўз-ўзини белгилаши асосида ташкил етилган алоҳида ҳудудий мухтор Федерация сифатида "Туркистон Федератив республикаси" деган ном билан Россия республикаси таркибига кириши керак.

Съездда Еттисув вилояти вакиллари бўлмаганлиги учун съезд Еттисувнинг бўлғуси тузилиши тўғрисидаги масалани ҳал қилмай, уни Туркистон Федерацияси таркибига қўшиш тўғрисида истак билдирди, холос.

Урал ва Тўрғай вилоятларининг вакиллари бу вилоятларнинг Туркистон Федерацияси таркибига киришини исташларини билдирдилар.

2. Туркистон Федерацияси ички бошқарувчи ва ўз-ўзини бошқарув масалаларига оид қонун чиқарувчи ҳокимияти умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил

I "Улуғ Туркистон", 1917 йил 30 сентябрь.

муддатга сайланадиган, Туркистон улкасида яшаб турган барча миллатларнинг албатта мутаносиб вакиллари бўладиган Туркистон парламенти қўлида бўлади.

3. Туркистон парламентининг қонун чиқаришга доир вазифалари Россия республикасининг асосий қонунлари ва шариат талабларига аниқ мос келадиган бўлиши керак.

4. Умумдавлат масалаларини ҳал қилиш учун Туркистон парламенти Россия республикасининг Олий ҳукуматида ҳам ўз вакилларига эга бўлади.

5. Туркистон Федератив парламенти ўз ваколатлари сақланиб турадиган вақтнинг бошидан охиригача узлуксиз иш олиб боради.

6. Туркистон Федерациясини амалда барча соҳалар бўйича соҳалар бўйича бошқариш Туркистон парламенти томонидан сайланадиган ва республика ҳукумати томонидан тасдиқланадиган алоҳида котибиат орқали олиб борилади.

7. Котибият ўз ҳаракатлари юзасидан Туркистон Федератив парламенти олдида жавобгар бўлиб ҳисобланади.

8. Туркистон Федерациясининг Тошкент шаҳрида Маҳкамаи Шариа деб аталадиган ўз Сенати бўлади. Бу Сенатга умумдавлат қонунларини нашр этиш ва тушунтириш, умумдавлат қонунлари ва шариат талабларига (мусулмон аҳолиси хусусида) аниқ амал қилиниши устидан назорат олиб бориш, барча ҳукумат муассасалари, шахслар устидан ва суд муассасаларининг судларни тўғри олиб бориши устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқи борилади. Унга Туркистон Федерациясининг олий суд муассасаси ҳуқуқи ҳам берилади.

9. Маҳкамаи Шарианинг раиси шайхулислом (бош прокурор) деб аталади ва Туркистон Федерацияси қонунларининг олий қўриқчиси бўлиб ҳисобланади.

10. Маҳкамаи Шариа аъзолари (сенат аъзолари, сенаторлар)

умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида аҳоли томонидан беш йил муддатга сайланади.

II. Туркистон Федерацияси танга пул зарб қилиш ва уз ҳукуматининг кредит билетларини чиқариш ҳуқуқига эга.

I2. Туркистон Федерацияси Федерацияда ички хизматни адо этиш учун уз милициясига ва Федерациянинг хорижий давлатлар билан чегараларини тинчлик вақтида қуриқлаш учун уз қушинларига эга булади. Чегараларни уруш вақтида қуриқлаш Россия ҳукумати томонидан амалга оширилади ва бу ҳолда Туркистон Федерациясининг қушинлари қумондонлик жиҳатидан бутунлай Россия республикаси ҳукумати ихтиёрига утади.

I3. Туркистон Федерациясига ҳам баъзи давлатлар, ҳам Россия республикаси билан булган чегараларда уз божхонасига эга булиш ҳуқуқи берилади.

I4. Почта, телеграф ва темир йуллар Туркистон Федерацияси буларни уз ихтиёрига олишга қодир буладиган маҳалгача Россия Республикаси ихтиёрида қолаверади. Почта телеграф муассасалари ва темир йуллардан тушадиган соф даромад эса Туркистон Федерацияси хазинасининг даромадларига утиб туриши керак[I].

Съезд мухториятга "Туркистон Федератив республикаси" деган номни берди ва парламентар республикага асосланган булғуси давлат тузилишнинг асосий принциплари ва қонун-қоидаларини белгилаб чиқди. Республиканинг асосий органлари - қонун чиқарувчи (Туркистон парламенти), ижрочи (котибият ва республика ҳукумати). "Маҳкамаи Шарна" деб аталадиган Сенатдир, уларда Туркистон республикасида яшаб турган барча элатлардан албатта мутаносиб равишда вакиллар булгани ҳолда умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йули билан сайланади.

I Туркестанский курьер, I9I7 йил II ноябрь.

Туркистон парламенти қонун чиқарувчи вазифаларининг асосий негизи Россия республикасининг асосий қонунлари ва шариат талабларига мос келишиқдир деб белгиланди.

Резолюцияда Россия республикасига бериладиган ваколатлар - ташқи чегараларни қуриқлаш, почта, телеграф, темир йуллар белгилаб қуйилди; ички турмушга доир бошқа масалаларнинг ҳаммасини Туркистон Федератив республикаси ихтиёрида қолдириш кузда тутилди.

Шундай қилиб, 1917 йил октябрь тунтариши арафасида Туркистонда уз дастурлари, аниқ мақсадлари ва вазифалари булган йирик миллий сиёсий партиялар мавжуд эди. Бу партияларнинг дастурий ҳужжатлари ва улка мусулмон ташкилотлари бир қанча съездларининг қарорлари миллий дастурни аниқ-равшан баён этган. Туркистон мухторияти тузиш туғрисидаги талабни олдинга сурган эди. Мусулмонлар съездларининг мустақилликка утишнинг дастлабки босқичи тариқасида Туркистон улкасини Россия Федератив республикаси таркибидаги мухтор республика деб эълон қилиш туғрисидаги қарори улка халқлари орзу-истакларининг ифодаси булди. Бироқ, турли миллатларнинг Туркистон мухторияти тузиш туғрисидаги истаклари билан Февраль инқилобидан кейинги Муваққат ҳукумат ва Туркистон комитети ҳам, октябрь тунтаришидан кейинги Совет ҳокимияти ва Туркистон улкаси Халқ Комиссарлари Совети ҳам ҳисобланмади.

Маълумки, октябрь тунтариши Тошкентда 1917 йил I ноябрда булиб утди. Ҳокимият органларини тузиш учун ишчилар, солдатлар ва деҳқон депутатлари Советларининг III Туркистон улка съезди чақирилди. Улка съезди чақирилишининг асосий ташаббускорлари булмиш Туркистон большевиклари аниқ миллий платформалари булмагани ҳолда съездда иштирок этдилар. Улка ҳокимияти органларида

мусулмон ташкилотларининг иштироки масаласи юзасидан съездда кескин кураш бўлиб ўтди.

Уламочилар етакчиси Шерали Лапин (миллати татар) Советлар съездида сўзга чиқиб, Мусулмонлар ўлка съездининг ўлка ҳокимияти ташкил этиш тўғрисидаги резолюциясини ўқиб берди. Шерали Лапин 12 нафар вакилдан, жумладан ишчилар, солдатлар, ва деҳқонлар ўлка съездидан 3 вакил, ўз-ўзини бошқарувчи шаҳар бошқармаларидан - 3 вакил, Мусулмонлар ўлка съездидан - 3 вакилдан ташкил топадиган Туркистон ижроия комитетидан иборат ўлка ҳокимиятини тузиш лойиҳасини таклиф этди. Сунгра у мана бундай деди: "Назорат қилувчи ва Туркистон ижроия комитетини ўзининг олдида жавобгар деб ҳисобловчи орган 20 вакилдан: Ишчи ва солдат депутатлари Ўлка Советидан - 5, ўз-ўзини бошқарувчи шаҳарлар ўлка съездидан - 5 ва Мусулмонлар Ўлка съездидан - 10 вакилдан иборат Тошкент Ўлка Советидир"[1].

Мусулмонлар ўлка съезди резолюциясини изоҳлаб, Шерали Лапин: "Мусулмонлар ўз-ўзини бошқариш принципига амал қилиб, бутун ҳокимиятга ўзлари талабгор бўлишлари мумкин эди, лекин четдан келган унсурларга ён босади ва улар вакилларининг ҳокимиятга чиқиши учун йўл беради"[2], деди.

Мусулмон ташкилотларининг ҳокимият органларидаги ўринларнинг ярмини маҳаллий миллат вакилларига бериш тўғрисидаги талабини баъзи социалистик партиялар қувватлаб чиқди. Советлар Ш Ўлка съездининг делегати, Красноводск шаҳар Думасининг аъзоси А.А.Александрович Ўлка ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисидаги ахборотида қуйидагича таъкидлади: "Унг социалист-инқилобчилар ва

---

[1] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.I. Ташкент, 1968, 576- бет.

[2] Ўша ерда.

социал-демократик меньшевиклар ўлкани бошқариш ишига барча демократик ташкилотларни, яъни Советлар ва муниципалитетларни жалб этиш, шунингдек ҳаракатдаги кучлар нисбатини ҳисобга олиб туриб, Ўлка ижроия комитетидаги жойларнинг ярмини мусулмон аҳолиси вакилларига бериш зарур деб ҳисоблайдилар..."[I].

Съездда бирлашган социал-демократлар фракцияси номидан сўзга чиққан Вайнштейн Ўлка ижроия комитетини 10 нафар аъзодан иборат ҳайъатда ташкил этиш фикрини ўртага ташлади. Бу фракция етакчиси ҳар икки ойда бир мартадан чақириб турилладиган Ишчи, солдат ва деҳқонлар депутатлари советлари Ўлка съездининг назоратини етарли эмас деб ҳисоблаб, назорат ишларини ишчилар, солдатлар ва деҳқон депутатлари Ўлка съезди томонидан 26 аъзодан иборат этиб сайланадиган ўлка советига юклашни таклиф этди. Лекин ўлка ҳаётини йўлга солишда иштирок этишдан мусулмонларни четлаштиришнинг имконияти мутлақо йўқлигидан нотиқ Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар Ўлка советини Ўлка мусулмонлари съезди томонидан сайланадиган 25 нафар мусулмон вакиллари билан тўлдиришни ва буларга ўз-ўзини бошқарувчи шаҳарлар органларидаги вакилларнинг бир нечта ўрнини беришни таклиф этди. Сунгра байналминалчи меньшевик Вайнштейн Ўлка ижроия комитетининг ҳайъати парламент принципи, яъни кўпчиликка қараб, назорат органининг ҳайъати эса барча партиялардан мутаносиб вакиллар принципига қараб белгиланади деб айтиб ўтди.

Иккинчи марта вакиллар билан фикр алмашиниб, барча фракция етакчилари томонидан тақдим этилган лойиҳалар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилганидан кейин большевиклар, максималистлар ва сўл социал-инқилобчилар лойиҳалари хусусида битимга келиб олиш тўғрисида фракциялар ўртасида кенгаш ўтказиш учун танаффус эълон қилинди.

[I] Ўша ерда.

Мажлис бошланганидан кейин юқорида айтиб утилган декларациялар яна овозга қуйилди. Большевиклар, максималистлар ва сўл социал-инқилобчилар фракцияси томонидан таклиф этилган резолюция жуда купчилик овоз билан қабул қилинди (уни ёқлаб 97 киши овоз берди, қарши чиққанлар булмади, I7 киши бетараф қолди). Съезд резолюциясида мана бундай дейилган эди: "I. Ўлкада бутун ҳокимият Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатлари Советларининг Ўлка съезди томонидан сайланувчи ва ҳар икки ойда чақириб туриладиган Ўлка съезди олдида жавобгар ҳисобланувчи I5 кишидан иборат Туркистон улкаси Халқ Комиссарлари Советига утади.

2. Ўлка съезди Халқ Комиссарлари Совети учун наказ ишлаб чиқиши керак.

3. Бу наказнинг Халқ Комиссарлари Совети томонидан бажарилишини Деҳқонлар Советларининг Ўлка ижроия комитети ҳамда Ишчилар ва солдатлар депутатлари Советларининг Тошкент Ижроия Комитети кузатиб боради.

4. Халқ Комиссарлари Совети большевиклар, максималистлар ва сўл социал-инқилобчилар фракцияларидан сайланади"[I].

I9I7 йил I9 ноябрда И.Тоболин Ўлка съездида большевиклар ва максималистларнинг Ўлка ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисидаги декларациясини эълон қилди. Бу декларацияда улкани бошқаришда туб аҳоли вакилларининг иштирокини истисно этадиган модда бор эди. Ушбу моддада бундай дейилган эди: "Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатларининг ҳокимиятига туб аҳоли муносабатининг бутунлай ноаниқ булгани учун ҳам, туб аҳоли орасида Ўлка олий ҳокимияти органига фракция маъқуллайдиган вакиллар юбора оладиган пролетар синфий ташкилотлари йўқлиги учун ҳам ҳозирги вақт-

---

[I] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.I. Ташкент, I968, 577- бет.

да мусулмонларни Ўлканинг инқилобий Олий ҳокимияти органларига жалб қилиш жоиз эмас"[I].

Тошкент большевиклари раҳбариятининг якка ҳокимлик йўлида тутган ана шундай мавқеи Туркистон улкаси Халқ Комиссарлари Советига берилган наказда ҳам уз аксини топди. Съезднинг 1917 йил 20 ноябрь куни қабул қилинган ана шу ҳужжатида мана бундай курсатилади: "Халқ Комиссарлари Совети съезддаги купчилик партиялардан тузилади ва унга ушган мусулмон пролетар-меҳнаткаш оммаларидан вакиллар қушилади, бу вакилларга тегишли миқдорда урин берилади"[45]. Ш Ўлка съездининг шу қарорларига асосан маҳаллий миллат вакиллари Туркистон улкасининг олий бошқарув ва ҳокимият органларига киритилмади. Ш Ўлка съезди томонидан сайланган Халқ Комиссарлари Совети таркибида бирорта ҳам мусулмон йўқ эди. Шу билан бирга съезд қарорларида Туркистон мухторияти тўғрисидаги масала ҳам уртага қуйилгани йўқ.

Туркистон улкаси Халқ Комисоарлари Советининг ҳокимият Советларга утганлиги тўғрисида 1917 йил 28 ноябрда Петроградга, Халқ Комиссарлари Советига юборган телеграммасида мана бундай дейилади: "Бош комиссар Коровиченко қумондонлиги остидаги Муваққат ҳукумат қушинлари 4 кунлик жангдан кейин, 31 октябрь куни таслим булдилар. Демократияга қарши чиққанларнинг раҳбарлари, асосий айбдорлар қамоққа олинди, 15 ноябрь куни Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатлари Советларининг Ўлка съезди бошланиб, 22 ноябрь куни тугалланди.

Съезд Ўлка ҳокимиятини тузди. Бу ҳокимият таркибига большевиклар ва сул социал-инқилобчилар, максималистлар киради: Ўлка ҳокимияти "Туркистон улкаси Халқ Комиссарлари Совети" деб

[I] Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. Ташкент, 1947, 92-93-бетлар; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т.I. Ташкент, 1963, 573- бет.

аталади".

Совет аъзолари 15 кишидан иборат. Совет раиси, шунингдек, алоқа йуллари, почта ва телеграфлар комиссари – Колесов, иккинчи раис, шунингдек ташқи ишлар ва адлия комиссари – Залесский, котиб – Чегадаев, иккита ҳарбий комиссар – Перфильев ва Стасиков, меҳнат комиссари – Полтарацкий, маориф комиссари – Пермезский, соғлиқни сақлаш комиссари – Баранкин, деҳқончилик комиссари – Домогадский, молия комиссари – Котельников, сувдан фойдаланиш комиссари – Шевцов, озиқ-овқат комиссари – Казаков, фуқаролар иши буйича комиссар – Агапов, савдо-сотиқ ва саноат комиссари – Ляпкин, алоҳида топшириқлар буйича комиссар – Успенский"[1].

Октябрь туntаришининг дастлабки кунларидаги далиллар ва воқеалар курсатиб турганидек, Тошкент большевикларида куп миллатли улка булмиш Туркистонда миллий масалани ҳал қилишга доир асосланган дастур йуқ эди. Советлар III Улка съездида мусулмон вакиллари иштироки билан Улка ҳокимияти тузиш туғрисидаги масала туғри уртага қуйилган эди. Бу таклифни съездда сул эсерлар ва социал-демократлар қуллаб-қувватлаб чиқдилар. Лекин большевикларнинг тазйиқи билан бу адолатли таклифлар инкор этилди. Большевиклар миллий ташкилотларнинг вакилларини улка ҳокимияти ва бошқарув органларида иштирок этишдан узларининг ҳоҳиш-иродалари билан четлатдилар. Съезд Туркистон мухторияти туғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилмади ва ҳал этмади.

Улкада миллий масалани ҳал қилишда большевикларнинг улкани мустақилликдан маҳрум этишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати большевиклар билан мусулмон ташкилотлари уртасида ихтилофлар туғилишига асосий сабаб булди. Бу нарса миллий ташкилотларни

[1] УзР МДА, 22- фонд. 1-руйхат, 1380-иш, 74-варақ.

умуммусулмонлар фавқулодда съездини чақириш, Туркистон ўлкаси сиёсий тузуми масаласини мустақил ҳал қилишга мажбур этди.

Советларнинг III Ўлка съезди томонидан сайланган Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 23 ноябрдаги меҳнаткаш аҳолига чиқарган мурожаатида Халқ Комиссарлари Совети "Марказий ҳокимиятнинг ҳамма декретларини оғишмай амалга ошириб боради"[1] дейилади. Шу билан бирга бу мурожаатда ҳукуматнинг миллий масалага доир дастури дудмал қилиб, ноаниқ баён этилган. Унда: "Совет меҳнаткашлар оммасининг бирлашувини тезлаштириш учун мусулмон меҳнаткаш аҳолиси орасида эркинлик, тенглик ва қардошлик ғояларини тарқатишга барча чораларни кўради"[1], дейилади.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси П.Колесовнинг РСФСР Халқ Комиссарлари Советига юборган телеграммасида мана бундай дейилади: "Комиссарлар Совети сизнинг ҳамма декретларингизни амалга оширишни вазифа қилиб қўйди... Бизнинг тулатўкис қуллаб-қувватлашимизга умид қилишингизни сўраймиз"[2].

Туркистон большевикларининг ишонтириб айтган бу сўзлари амалга ошмай қолди. Марказий ҳокимиятнинг миллий масалага доир миллатларнинг ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги декретлари қоғозда қолиб кетди.

Маълумки, 1917 йил 2 (15) ноябрдаги "Россия халқлари ҳақ-ҳуқуқлари декларацияси"да Халқ Комиссарлари Совети Россия халқларининг эркин, алоҳида ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача бўлган ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқини Россиядаги миллатлар масаласига доир ўз фаолиятига асос қилиб олишга қарор берди"[3].

---

[1] Ўша жойда.

[2] Туркестанские ведомости 1917 йил 1 декабрь.

[3] В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1982, 454- бет.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 30 ноябрь (3 декабрь)даги "Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига" мурожаатида: "Уз миллий ҳаётингизни эркинлик билан ва тусиқларсиз қуринг. Сиз бунга ҳақлисиз" дейилган[4].

Совет ҳукумати миллий сиёсатининг асосларини белгилаб, миллатларнинг алоҳида ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузизгача булган ҳуқуқларини эълон қилувчи ана шу ҳужжатлар "Правда", "Известия" каби газеталарда, шунингдек "Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства" деган тупламда босилиб чиқди. Улар Туркистон улкаси ҳокимияти органларигагина эмас, балки шу вақтли нашрларнинг кенг уқувчилари доирасига ҳам маълум эди.

Туркистон улкаси ҳокимиятининг органлари марказий ҳокимиятнинг миллий масалага доир декретларини яхши билганлари ҳолда, марказнинг мустамлакачилик сиёсатига амал қилиб, бу декретларни амалга ошириш юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирлар кургани йуқ. Аҳвол шу даражага бориб етдики, туб миллат вакиллари улка ҳокимияти ва бошқарув органларига киритилмади. Янги ҳокимиятнинг империалистик сиёсати улкада миллий масалани кескинлаштирди. Улканинг миллий ташкилотлари суздан ишга утишга қарор бердилар. 1917 йил 26 ноябрда Қуқонда Улка мусулмонларининг IУ Фавқулодда съезди уз ишини бошлаб, Туркистон мухториятини эълон қилди.

Бу съезд ишида 200 нафардан ортиқ киши қатнашди. Унда вилоятлардан келган делегатлардан ташқари "Шурои Исломия", "Шурои Уламо" сингари ташкилотлар, мусулмон кон ишчилари, мусулмон аскарлар, улка яхудийлари, Урта Осиё яхудийлари ташкилотлари ва бошқаларнинг вакиллари ҳозир булдилар.

Туркистон улкаси мусулмонларининг Фавқулоддаги IУ съезди

---

[1] Уша жойда.

ишининг асосий натижаси Туркистон улкасининг мухтор улка деб эълон қилинганидир. Съезд шу масала юзасидан 1917 йил 27 ноябрда қабул қилинган резолюциясида мана бундай дейилган: "Умуммусулмонларнинг Фавқулоддаги IУ Ўлка съезди Туркистонда яшаб турган халқларнинг, Улуғ Россия инқилобида кутаринки руҳда билдирилгандек, ўз-ўзини белгилашга бўлган истак-иродасини ифода қилиб, Туркистонни Россия Федератив Демократик республикаси билан бирлашган ҳудудий мухторият деб эълон қилади ва Туркистон мухторияти шаклини белгилашни энг қисқа муддатларда чақирилиши керак бўлган таъсис мажлисига топширади, Туркистонда яшаб турган майда миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама қўриқланади деб тантанали равишда билдиради"[1].

Умуммусулмонлар Ўлка съезди Туркистон Муваққат халқ советини сайлади, Бу совет мухтор Туркистоннинг Муваққат хукуматини белгилади. Шу ҳукуматга имкони борича қисқа муддат ичида Туркистон таъсис мажлисини чақириш, аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур моллар билан таъминлаш юзасидан чоралар кўриш, мухтор Туркистоннинг молия фондини яратишга киришиш[2], халқ милициясини ташкил этиш ва улкамизда яшаб турган миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан барча чораларни кўриш вазифалари топширилди.

Мухтор Туркистоннинг Муваққат хукумати улкадаги барча халқлар манфаатини ифода этиб, 1917 йил 1 декабрь куни Туркистон улкаси аҳолисига мурожаат қабул қилди. Мурожаатда Туркистон фуқаролари - мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар, улкада яшаб турган барча элат ва халқлар, шаҳар ва земство ўз-ўзини бошқариш органлари, сиёсий-ижтимоий ва касаба ташкилотлари ҳамда укшмалари, барча давлат, жамоат ва хусусий

---

[1] Известия Временного правительства Автономного Туркестана. № 1., 1917 йил 13 декабрь.

[2] Ўша жойда.

муассасалар Туркистон Халқ ҳокимияти атрофига жипслашишга ва бу ҳокимиятнинг зиммасига тушган оғир вазифаларни бажаришда унга ёрдам беришга даъват этилди[1]. Бу мурожаатда: "Занжирлардан халос булган Туркистоннинг эндиликда уз заминига узи эга булиб, уз тарихини узи яратадиган фурсат етиб келди" деб таъкидланган эди. Мурожаатнинг охирида мана бундай деб курсатилди: "Биз олдимизда турган вазифаларнинг жиддий ва улуғворлигини англаганимиз, ишимизнинг ҳаққоний эканлигига чуқур ишонганимиз ҳолда, Оллоҳ бизга ёр булур деган умид билан ишга киришамиз". Бу мурожаатга мухтор Туркистон Муваққат ҳукуматининг аъзолари Танишбоев, Чуқаев, Хужаев, Юргали-Оғаев, Маҳмудов, Уразоев, Шоахмедов ва Горцфельдлар имзо қуйдилар. Муваққат хукуматнинг биринчи раиси Танишбоев эди, кейинчалик бу лавозимга Мустафо Чуқаев тайинланди. Эргаш Қурбоши Халқ милицияси бошлиғи, Туркистон мухторияти қуролли кучларининг қумондони эди.

28 ноябрь куни тузилаётган давлат номи белгиланди, у Туркистон мухторияти деб аталди.

Съезд томонидан қабул қилинган хужжатларга қараганда, Бутунтуркистон таъсис мажлиси чақириладиган вақтга қадар бутун давлат ҳокимиятини тулалигича Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон халқ бошқаруви қулларида сақлаб туриши кузда тутилган эди.

Муваққат Кенгаш аъзоларининг умумий сони 54 нафар деб белгиланган булиб, 18 урин улкадаги турли оврупалик ташкилотлар вакилларига ажратилган, яъни уринларнинг учдан бир қисми улка аҳолисининг уша пайтда Туркистондаги бутун нуфузнинг тахминан 7 фоизини ташкил этадиган оврупалик аҳолисига ажратилган эди[2].

[1] Уша жойда.

[2] Туркестанский вестник. 1917 йил 7 декабрь.

Улка ҳокимиятини тузишда Умуммусулмонлар IУ Фавқулоддаги съездининг Советларнинг Ш Улка съездига қараганда анча демократик булганлигини далиллар ишонарли қилиб курсатиб турибди.

Туркистон мухториятини улкадаги кенг меҳнаткашлар оммаси қуллаб-қувватлаб чиқди. Ишчилар, деҳқонлар ва мусулмон солдатларнинг 1917 йил 26-30 декабрда Қуқонда булиб утган I Фавқулоддаги съезди ана шундан далолат беради. Бу съездда турли ишчилар, деҳқонлар, солдатлар, мусулмонлар ташкилотларидан 200 нафар делегат қатнашди. Ишчи ташкилотларидан келган вакиллар 30 нафар эди. Бу съезд улка миқёсидаги съезд булиб, бунда Туркистондаги йирик шаҳарлардан купчилигининг вакиллари иштирок этди. Съездда Туркистон улкаси Халқ Комиссарлари Совети номидан Меҳнат Халқ Комиссари П.Г.Полтарацкий ҳозир булди. У съездда сузга чиқиб, уз нутқида совет мухториятининг моҳиятини ва унинг Туркистон мухториятидан фарқини курсатиб утди. Самарқанд ва Қуқон Советларининг делегатлари П.Г.Полтарацкийни қуллаб-қувватладилар. Купчилик делегатлар Халқ Комиссарлари Совети вакилига қарши чиқдилар ва Туркистон мухториятини қуллаб, резолюция қабул қилдилар ҳамда "Улка мусулмонлари ишчи кенгаши"ни сайладилар.

Туркистон мухторияти ҳамма ерда, жумладан Тошкентда ҳам қуллаб-қувватланди. Туркистон большевикларининг етакчиларидан бири П.Г.Полтарацкий 1917 йил 30 декабрда булиб утган Скобелев Ишчи ва солдатлари депутатлари совети мажлисида мана бундай деб қайд қилиб утди: "Ҳозирги вақтдаги энг муҳим масала Туркистон мухторияти тўғрисидаги масаладир. Қуқон съезди чақирилди ва бу съездда рус ва мусулмонлар буржуазияси мухториятини эълон қилди... Мусулмон зиёлилари Қуқон ҳукуматини қуллаб-қувватлаб, купгина жойларда митинглар ва манифестациялар утказа бошлади.

13 декабрда Тошкентда булиб утган манифестация мусулмонлар бур-

жуазияси томонидан ташкил этилган эди"[1].

Туркистон мухториятини қуллаб-қувватлаш юзасидан Тошкентда утказилган манифестация унинг жадидлар харакати етакчиси Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги тарафдорлари томонидан ташкил этилган эди. Бу манифестация мавлуд ойида, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни муносабати билан мусулмонлар томонидан байрам қилинадиган кунга тўғрилаб утказиладиган бўлди. Манифестация раҳбарлари Халқ Комиссарлари Совети ва Тошкент Совети ижроия комитетидан бу тадбирни эски шаҳарда хам, шаҳарнинг руслар яшайдиган янги қисмида ҳам утказишга ижозат берилишини илтимос қилдилар. Тошкент Совети ижроия комитети бу ҳаракат ташкилотчиларнинг аксинқилобий мақсадлари тўғрисидаги маълумотларга эга булиб, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида манифестация утказишни тақиқладилар. Тошкент Совети 7 декабрда узининг шаҳар аҳолисига чиқарган мурожаатномасида мана бундай деб курсатди: "Манифестация... инқилобий халқ ҳокимиятини ағдариш ва мусулмон пролетариатининг синфий уз-узини англашини бўғиш мақсадларида кенг мусулмонлар оммасининг диний ва миллий ҳис-туйғуларидан фойдаланишни яққол кузда тутади"[2].

Халқ Комиссарлари Совети эски шаҳарда намойиш утказишга рухсат бериб, митингда большевикларнинг Туркистон мухториятига нисбатан тутган мавқеини аниқлаши керак булган вакилларини у ерга юборди. Митинг қатнашчилари уларга суз бермадилар, уларнинг сузларини эшитишни истамадилар хам. Тупланганлар 13 декабрь куни эски шаҳардан шаҳарнинг янги қисмидаги турмага қараб йул олдилар ва қоровулни ўлдириб, большевиклар утказган Октябрь тунтариши-

---

[1] Щит народа, 1918 йил, 3 январь.

[2] Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сб. документов. Ташкент, 1947, 123-бет.

нинг душманларини, жумладан Муваққат ҳукуматнинг собиқ бош комиссари ёрдамчиси А.Дорреrни турмадан чиқариб юбордилар. Тошкентда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Тошкентдаги совет ҳукумати намойишчиларни тарқатиб юбориш учун қуролли кучдан фойдаланди ва қуролсиз намойишчилар – мусулмонларнинг қонини тукди. Ана шу қонли ҳодисаларнинг тафсилотлари Тошкентда 13 декабрда бўлиб утган манифестация муносабати билан Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг аҳолига қарата чиқарган мурожаатида большевиклар нуқтаи назаридан туриб баён этилди. Воқеаларнинг бориши ва оқибатлари бу хужжатда тарафкашлик билан ёритилади. Мурожаатда мана бундай деб таъкидланади: "... Бироқ халқ ҳокимиятининг манфур душманлари мулжалида тинчлик йули билан утказиладиган намойиш йуқ эди, шунга кура куп мингли намойишчилар оломони шаҳарнинг руслар яшовчи қисмига қараб юрганларида аксилинқилобий фурсат етди деб билдилар ва ўзларидан ниқобларини олиб ташладилар. Улар намойишнинг табиатан тинчлик билан утиши тўғрисидаги мунофиқона гап-сўзларни йиртиб қўйдилар ва шаҳар ҳимоясининг бошлиғини қамоққа олиб, куп мингли оломонни турма томон бошлаб бордилар.

Турмада улар куч ишлатиб, октябрдаги қирғиннинг илҳомчилари ва ташкилотчилари сифатида қамоққа олинган кишиларни ҳам бўшатиб юбордилар. Мана шу хатти-ҳаракатлари билан улар инқилобий ҳокимиятни шу ҳокимиятнинг ўзи истамаган, аммо катта зарурият туфайли курашга мажбур бўлган кескин ва қаттиқ чораларни қўллашга мажбур этди"[1].

Ўша воқеалардан кейин дарҳол Петроградга, Халқ Комиссарлари Советига рўй берган фожиа ва унинг сиёсий сабаблари тўғрисида телеграмма юборилди. Унда Қўқондаги мусулмон ташкилотлари

[1] Туркестанские ведомости, 1917 йил 16 декабрь.

томонидан Туркистон улкаси мухторияти эълон қилинди деб хабар берилди. Ўша вақтда улка Халқ Комиссарлари Совети Раиси лавозимини эгаллаб турган Ф.И.Колесов: "Тузилган мухтор хукумат улканинг айрим шахарларида мухторият эълон қилишга бутун куч-қуввати билан тайёрланмоқда. Муҳаммаднинг туғилган куни, 18 декабрда Тошкентда мухторият эълон қилинди"[1], деб ёзган ва ҳ марказнинг йўл-йўриқлар курсатишини сураган эди.

Хукмрон коалициянинг тутган йули 1918 йил январда, Советларнинг IУ Улка съездида тулалигича маълум булиб қолди. Жумладан, Туркистон коммунистлари етакчиларидан бири И.О.Тоболик Туркистонга мухторият мақомини бериш зарурлигини аслида инкор этмаса ҳам буни амалга оширишнинг асосий шарт-шароитларини ўзи қандай тушунишини баён этиб берди. У мамлакатда фуқаролар уруши авж олиб бораётгани учун шу фурсатда мухторият эълон қилишни мутлақо уринсиз иш, шунинг учун ҳам партия ва Советларнинг асосий вазифаси туб аҳолини сиёсий жараёнга жалб этиш, туб миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш ва бошқаларни ўз ичига олувчи тайёргарлик ишларини олиб боришдир деб ҳисоблади. Съезднинг мухторият тўғрисидаги масалага доир резолюциясида ана шу нуқтаи назар ўз аксини топди. Мухторият эълон қилиш аслида нотайин муддатга суриб қўйилган эди[2].

Съезднинг Туркистон мухториятига салбий муносабатда булганига асосий сабаб улка большевиклари ва совет ҳукумати раҳбарларининг улуғ рус шовинизми касаллигига чалинганлигидир. Л.И.Манжара кейинчалик "улуғ рус шовинизми руҳи кўпгина руслар, ҳаттоки, раҳбар уртоқларнинг миясида ҳали маҳкам урнашиб турган эди"[3],

[1] Ўша жойда.
[2] Наша газета, 1918 йил 25 январь.
[3] ЎзР МДА, 1774-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 60- варақ.

деб тўғридан-тўғри ёзган эди.

Совет ҳокимияти урнатилган дастлабки кунлардан бошлаб большевиклар туб аҳоли манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда подшо ҳукуматининг мустамлакачилик мавқеини сақлаб қолиб Советлар шаклида марказлашган ягона давлат тузиш йулини амалга ошира бордилар. Бунгаа қаршилик курсатилган ҳолларда куч ишлатиш, қатағон қилиш усулларидан кенг фойдаландилар. Большевикларнинг Туркистон мухториятига муносабати бунинг ёркин мисолидир.

Тошкентдаги советлар ҳокимияти, большевиклар Туркистон мухторияти вужудга келган биринчи кунлардан бошлаб уни йуқ қилишга ҳаракат қилдилар. 1918 йил февраль ойининг урталарига келиб, Қуқонда вазият кескинлашди, Қуқон Совети, унинг К.П.Осипов қумондонлиги остидаги жанговар отряди мухториятчиларга қарши чиқишга уринди. Сон жиҳатдан устунликка эга бўлган ва яхши қуролланган Эргаш қушинлари Қуқон Советининг ҳарбий қисмлари турган қалъани ураб олди. Шу вақтда Туркистон улкаси ҳарбий комиссари Перфильев бошчилигидаги катта отряд Қуқон Советига ёрдамга келди. Қизил гвардия отрядлари ва "Дашноқцутюн" арман партиясининг жангарилари шаҳарни қамал қилишга киришдилар. 19 февралдан 21 февралгача бўлган уч кун мобайнида шиддатли жанглар давом этди. Мана шу операциянинг якунловчи қисмида милтиқлардангина эмас, балки 12 та артиллерия қуролидан ҳам фойдаланилди[1]. Шу билан бирга тинч аҳолининг уйлари ва кишилар бекиниб олишган маскидлар ўққа тутилган жой зонасига тушиб қолди. Қизил армия ва "Дашноқцутюн" партиясининг отрядлари эски шаҳарга бостириб кириб, тинч аҳолининг уйларини талай бошладилар. Бу ҳодисанинг сиёсий акси-садоси ниҳоятда салбий бўлди.

---

[1] Хасанов М.К. "Кокандская автономия" и некоторые ее уроки. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ташкент, 1991, 166- бет.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Раиси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети Риёсатининг аъзоси К.С.Отабоевнинг "босмачилик" тўғрисидаги маълумотномасида "Қўқон мухторияти"ни тугатишнинг қандай боргани ва бунинг оқибатлари тўғрисида умуман холисона сўз юритилади. У мана бундай деб ёзган эди: "Бу босқинчилар тўдасини тугатиш учун совет ҳукумати томонидан Перфильев бошчилигидаги отряд Қўқонга юборилди, бу отряд шаҳарни қамал қилишга утди. Мухтор ҳукумат ислом дини, миллий озодлик ва мухтор ҳукумат ҳимояси учун барча мусулмонларни миллий армия сафларига қушилишга даъват этиб, чақирик чиқарди. Чиндан ҳам яқин атрофдаги қишлоқлар бунга қушилди ва кетмонлар, болталар, ов милтиқлари ва бошқалар билан қуролланган кишилар Қўқонга келаверди. Жанг уч кун давом этди. Шу вақт ичида Мухтор ҳукумат йўқ булди. Эргаш ҳам қочиб кетди. Қўқоннинг олиниш вақтига келганда шаҳарда унга ёрдам бериш учунгина келган баъзи қишлоқлар аҳолиси қолди. Ҳаммадан куп жабру-зулм тортганлар ҳам шулар булди.

Бизнинг отрядимиз нуқул дашноқлардан иборат эди, улар вужудга келган вазиятни дарҳол ҳисобга олиб, пул орттириб қолишга қарор бердилар. Ғазо аскари савдо аҳлига қаратилди. Маҳаллий савдогарларнинг ҳаммаси отиб ташланди, уларнинг мулклари омборлар ва вагонларга ташиб келтирилди, қолган-қутган нарсалари эса ёқиб ташланди, аҳоли зурлик, талончилик остида қолди, шаҳар эса вайрон булди.

Фарғона аҳолиси ана шундай шафқатсиз жазони курганидан кейин мухториятчиларнинг большевиклар чиндан ҳам босқинчи ва талончилардир, улар ҳеч нарсани тан олмайди ва динга қарши, Оллоҳга қарши боради деган сузларига ишондилар"[1].

[1] ЎзР МДА, I7-фонд, I-руйхат, 90-иш, 33I-варақ.

Туб миллатлар хоҳиш-иродаси билан тузилган Туркистон мухторияти большевиклар, совет ҳокимияти томонидан ҳарбий куч ёрдамида йўқ қилинди, лекин улка аҳлининг қалбидаги, кунглидаги озодлик, мустақиллик, тенглик ғоялари янада мустаҳкамланди.

Шундай қилиб, февраль инқилобидан кейин улкада йирик сиёсий партиялар ва талайгина жамоат ташкилотлари пайдо бўлди ва уз фаолиятини бошлади. Улар миллий озодлик ҳаракатини бошқариб борди. Туб аҳоли барча ижтимоий табақаларининг сиёсатлашув кучайиб борди. Туркистон улкаси миллий мустақиллиги учун курашнинг тинчлик шакллари фаоллашди. Миллий сиёсий партияларнинг дастурий талабларида, умуммусулмонлар съездлари, митингларда Туркистонга мухторият берилиши талаб қилинар эди. Улка ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ана шу узгаришлар халқларнинг мустақиллик учун курашидаги янги даврни бошлаб берди.

1917 йил ноябрь ойининг бошларида Тошкентда, бир оз кейин улканинг бошқа районлари ва шаҳарларида совет ҳокимияти ўрнатилди. "Совет ҳокимиятини Фарғонага маҳаллий аҳоли билан тил топиш йўлини куп вақтдан бери билмай юрган темир йул ишчилари олиб келишди", деб ёзган эди Ўрта Осиёда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашнинг фаол қатнашчиси Қ.С.Отабоев. Марказий ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларини асосан оврупалик аҳоли вакиллари эгаллади. Улар кўпчилик ҳолларда маҳаллий аҳоли манфаатларини инкор этар ва бу уларнинг узларидан ҳам, совет ҳокимиятидан ҳам аҳолининг ихлосини қайтарди.

Миллий сиёсий партиялар Туркистоннинг миллий мустақиллиги учун большевикларга қарши муросасиз кураш олиб борди. Туркистондаги қушҳокимият ана шу курашнинг натижаси бўлди. Тошкентда совет ҳокимияти ташкил топганидан кейин куп утмай Қуқонда Туркистон мухторияти эълон қилинди ва Муваққат ҳукумат тузилди.

Туркистон мухторияти улка халқларининг миллий давлати булиб қолди. Унинг ҳарбий куч билан тугатилганлиги большевикларнинг заифлигини ва миллий озодлик ҳаракатининг куч-қувватини, большевиклар, совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳоли билан алоқаси булмаганини, бу аҳоли орасида мадад тополмаганини курсатди.

I.2. Туркистон суверенитети масаласида большевистик йулнинг амалга оширилиш механизми.

1919 йилнинг кузидан бошлаб Туркистонда муҳим ҳарбий-сиёсий узгаришлар руй бера бошлади. 1919 йил 13 сентябрда Туркистон ва Актюбинск фронтларининг қушинлари бир-бири билан қушилди. Марказий Россиядан Туркистонга утиладиган йул очилди.

Советлар Марказий Ироия Комитети Риёсати Туркистон қамали ёриб утилганининг аҳамиятини кейинчалик қайд қилар экан, Туркистон АССР Советлари IX съездига йуллаган уз маълумотномасида мана бундай деб курсатиб утди: "Россиядан кесиб қуйилган Туркистонда вужудга келган вазият "Оренбург тиқини" туфайли чидаб булмайдиган, азоб берадиган даражада даҳшатли булиб қолган эди. Зич оқ гвардиячилар халқаси билан қуршалган Туркистон қон-қақшаб турган, совет ҳокимияти ҳалокат ёқасига келиб қолган эди"[I].

Туркистон республикаси большевиклари олдида улкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдек мураккаб вазифалар турар эди. Шу муносабат билан 1919 йил октябрь ойида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети қошида Туркистон ишлари буйича комиссия (Туркомиссия) тузилди.

[I] Материалы к IX съезду Советов рабочих, дехканских, крестьянских и красноармейских депутатов Туркестанской социалистической республики. Ташкент, 1920, I-бет.

Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркомиссия тузиш тўғрисида В.И.Ленин томонидан 1919 йилнинг октябрида имзоланган қарорида мана бундай дейилган эди.

"1. Қизил Армия ғалабаси туфайли Қизил Туркистоннинг жаҳон инқилобининг учоғи бўлмиш совет Россиясининг қолган қисми билан алоқаси урнатилиб, Россия меҳнаткашлар оммасининг Туркистон халқлари билан маҳкам иттифоқи таъминланишини;

2. Бу Иттифоқнинг Туркистондаги Россия империализмининг барча қолдиқларини батамом йўқ қилиш гарови ва ҳар қандай ажнабий эзувчиларнинг уринишларига қарши таянч эканлигини;

3. Туркистон халқларининг ўз-ўзини бошқаруви ва ҳар қандай миллий тенгсизлик ва бир миллий гуруҳнинг иккинчи гуруҳ ҳисобига оладиган имтиёзларини йўқ қилиш Россия совет ҳукумати бутун сиёсатининг асоси эканлигини ... ҳисобга олиб, Ишчилар, деҳқонлар, қизил армия ва казак депутатларининг Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Совети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети қарор қилади: Ш.З.Элиава (Комиссия раиси), М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Ф.И.Голощёкиндан иборат Туркистон ишлари буйича комиссия тайинлансин. Бу комиссия Туркистон ва унга чегарадош давлатларнинг худудларида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советини ифода этиш ва унинг номидан иш куришга ҳамда мазкур қарорнинг 3-моддасида баён этилган асосий фикрларни амалга оширишда ёрдам беришга вакил қилинади"[1].

1919 йил 10 сентябрь куни РКП(б) Марказий Комитети Туркомиссияга мандат берди. Шу мандатга мувофиқ бу комиссияга Туркистонда олий партия назоратини олиб бориш ва РПК(б) Марказий

[1] В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане. Ташкент, Госиздат УзССР, 1960, 455-456-бетлар.

Комитети номидан раҳбарлик қилиш топширилди[1].

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг қарори ва В.И.Ленин хати синфий принципига асосланган булиб, Туркистонда миллий масалани ҳал қилиш йулларини курсатар эди. Туркомиссия ҳам уз фаолиятида ана шу принципга амал қилиб борди. Туркомиссия Марказнинг мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиқиб, Мусбюрони тугатди. Комиссия Туркистон Компартияси Ўлка Комитети билан бир қаторда Мусбюронинг булиши мақсадга номунофиқ деб топди. Туркомиссиянинг РКП(б) Марказий Комитетига юборган телеграммасида курсатилганидек, "Туркомиссиянинг Туркистонга келган пайтида бир-биридан тамомила мустақил булган учта Ўлка комитети – РКП(б) Ўлка Комитети, Ўлка мусулмонлар бюроси ва Ажнабий коммунистлар Марказий Комитети бор эди". Кейинчалик Мусбюро алоҳида булганлиги туфайли мустақил холда "купинча Ўлка Комитети қарорларига қарши" қарорлар чиқаради деб курсатиб утилди[2].

Ўлка Мусбюро аъзоларидан бири Алиев: "Мусулмонлар Ўлка бюроси Шарқдаги меҳнаткаш мусулмонлар оммасига маълум даражада тугри йуналиш бера оладиган бирдан-бир ташкилотдир"[3], деб тугри курсатиб утди.

Ўлка Мусбюро фаолияти ниҳоят даражада муҳим булганига қарамай, Туркомиссия, Ўлка Комитети, Мусбюро ва Ажнабий коммунистлар Марказий Комитетининг 1919 йил 15 ноябрда булиб утган биргалашган мажлисида республиканинг раҳбар партия органлари уртасидаги узаро муносабатлар масаласи юзасидан Туркомиссиянинг тез-

---

[1] В.И.Николаева. Туркомиссия как полномочный орган ЦК РКП(б). "Вопросы истории КПСС", 1958, № 2, 76-бет.

[2] Бывший ЦПАИМЛ, фх.122, оп.1, д.40, л.11.

[3] Архив Аппарата Президента Республики Узбекистан, ф.60, оп.1, д.493, л.20.

йиқи билан қушма қарор қабул қилинди. Бу қарорда мана бундай дейилган:

"I. Коммунистик инқилоб манфаатлари, жумладан, мустамлака ва ярим мустамлакаларни империализм зулмидан озод қилиш марказлашган ягона Коммунистик партия булишини талаб этади.

2. Шу нуқтаи назардан олганда Ўлка Комитети, умумий партия ташкилотлари билан бир қаторда миллий коммунистик гуруҳлар булишидек одатдан ташқари ҳолатга барҳам берилиши керак.

3. Умумпартиявий органлар қошида ташқиқот ва тарғибот манфаатлари йулида ишчилар ва деҳқонлар орасида иш олиб бориш учун миллий гуруҳ булимлари тузилиши керак.

4. Мана шу қоидалар энг яқин съездга қадар бутун партия иши учун асос булиши ва алоҳида мавжуд булган миллий ташкилотларнинг ягона Коммунистик партия билан қушилиши тайёрлаб берилиши лозим"[I].

I920 йил I2 январда Туркистон Компартиясининг У Ўлка конференцияси партия ва совет қурилиши, иқтисодий аҳвол, миллий ва ҳарбий сиёсатга доир бир қанча муҳим масалаларни қуриб чиқди ва ҳал қилди.

Конференция "Миллий коммунистик секциялар тўғрисида" деган резолюциясида: "Туркистонда мустақил булган турли улка ва уезд-шаҳар комитетлари, чунончи, партия комитетлари, Мусбюро ва ажнабий коммунистлар комитетлари"нинг биргаликда мавжуд булишини мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблади. Конференция "мустақил булган мана шу миллий коммунистик ташкилотларнинг ҳаммасини РКП(б) Марказий Комитетига буйсунувчи ягона Ўлка Комитети бошчилигидаги ягона Коммунистик партияга бирлаштириш"[2] га қарор қилди. Шу

[I] Цит.по книге М.З.Назарова "Коммунистическая партия Туркестана во главе защить завоеваний Октябрьской революции (I9I7-I920 гг.). Ташкент, "Узбекистан", I969, 25I-252-бетлар.

[2] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях, съездов и конференций. Ташкент, I987, 69-бет.

тарққа Мусбюро тугатилди.

Бу қарор Туркомиссиянинг онгли равишда олиб борган фаолияти натижаси бўлди. Миллий коммунистик тузилмаларнинг бўлиши ва мустаҳкамланиб бориши пировард натижада халқнинг миллий ўз-ўзини англашига, миллий давлат қуришга, миллий маданиятни ривожлантиришга интилиши кучайиб боришига олиб келишини большевиклар тушунар эди.

Туркомиссиянинг Мусбюрони тугатиш тўғрисидаги қарори миллий зиёлилар ўртасида норозилик уйғотди. Ушбу қарор ўлкада бусиз ҳам мураккаб, зиддиятли бўлиб турган миллатлараро муносабатни янада мушкуллаштирди.

Мусбюро ҳаракатда бўлиб, ишчанлик билан фаолият кўрсатиб турган даврда миллий масалани амалга ошириш юзасидан каттагина иш бажарилган эди. Миллий масалани ҳал қилишда мусбюро ижобий ролни ўйнади.

Туркистон ўлкаси меҳнаткаш туб миллатларини жипслаштиришга доир муҳим тадбир Мусулмонлар бюросини тузиш бўлди. РКП(б) Марказий Комитети Туркистоннинг хусусиятларини ҳисобга олиб, бу ерда Туркистон Ўлка Компартияси қошида Мусулмонлар бюросини тузишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Кўп миллатли Туркистон шароитларида миллий масала кескин бўлиб уни зудлик билан ҳал қилиш лозимлиги туфайли РКП(б) Марказий Комитети Мусулмонлар бюроси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Миллий масаланинг 1919 йил март ойида бўлиб ўтган Туркистон Советлари УП съездида кўриб чиқилганлиги ҳам бу масаланинг кескинлигидан дарак берар эди. Шу съездда миллий ишлар бўйича секция тузилди ва бу секция Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича Муваққат Комиссияси аъзоси П.А.Кобозев раҳбарлиги остида иш олиб

борди.

Миллий ишлар секциясининг мажлисларида туб миллатлар меҳнаткашларини Советлар ишига жалб қилиш тўғрисидаги масала муҳокамаси кескин баҳсларни туғдирди. Секция Ўлка партия Комитетининг республикадаги туб аҳоли орасида олиб бориладиган ишни етарлича авж олдирмаганлигини, турли миллат меҳнаткашлари ўртасида одатдаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш учун барча чораларни кўрмаганлигини уқтириб утди. Қарорда улуғ рус шовинизми тенденцияларининг кўриниши борлиги, Туркистон туб миллат меҳнаткашлари вакилларини республика олий органларидаги раҳбарлик ишига кутариш суст бораётганлиги курсатиб утилди.

РКП(б) Марказий Комитети қарорига асосланиб Туркистон Компартиясининг 1919 йил 14-18 март кунлари булиб утган II Ўлка конференциясида Мусулмонлар бюроси ва унинг маҳаллий ташкилотларини тузиш тўғрисида аниқ қарорлар қабул қилинди ва Туркистон Компартияси Ўлка Комитети томонидан тегишли чоралар кўрилди. II Ўлка конференциясининг Туркистондаги барча коммунист ташкилотларига юборган йўл-йўриқ курсатувчи хатида "жуда қолоқ ишчи ва деҳқоннинг тарбиясини яхшилаш мақсадларида ... партия органлари қошида махсус бюролар таъсис этиш орқали маҳаллий тилларда адабиёт нашр этиш ва умуман ташвиқий-ташкилий иш олиб боришни бошлаш зарур" деб курсатилди.

Туркистон Коммунистик партияси Ўлка Комитети II Ўлка конференцияси қарорларига асосан 1919 йил апрелда Мусулмонлар бюросини тузишга доир амалий чора тадбирларни муҳокама қилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда "Мусулмонлар бюроси партиянинг мусулмон қисмида партия ишини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун Ўлка Комитети қошида булган ёрдамчи органдир" дейилди. Унинг вазифалари қаторига ташвиқий-ташкилий ва тарғи-

бот ишларини олиб бориш, кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, она тилида партия матбуоти ва адабиётини нашр қилиш ва бошқалар кирар эди.[1]

Ўлка мусулмонлар бюроси ҳайъатига Т.Рисқулов(раис), Ю.Алиев, К.Иброҳимов, А.Мухитдинов, Н.Хўжаевлар сайланди.

Туркистон мусулмон коммунистларининг I Ўлка конференцияси 1919 йил май ойида бўлиб ўтди. "Туркестанский коммунист" газетасининг 1919 йил 27 апрелдаги сонида босилган хабарда "партия Ўлка комитети мусулмон коммунистларининг Ўлка бюроси билан келишган ҳолда, мусулмон омма орасида партия вазифаларини амалга ошириш юзасидан фаолият олиб боришни кечиктириб бўлмаслигини қайд қилиб, 20 май куни мусулмон коммунистлари Ўлка конференциясини чақиришни зарур деб топди..." дейилган эди.

Конференция 1919 йил 24 майда Тошкентда очилди. Конференцияни мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов очди. Туркистон Компартияси Ўлка Комитетининг котиби А.Ф.Солькин, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Туркистон ишлари бўйича Муваққат комиссия аъзоси П.А.Кобозев табрик сўзи билан чиқди. П.А.Кобозев ўз нутқида Туркистонда миллий масалани ҳал қилишга қаратилган чоралар кўриш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов бу бюронинг овул ва қишлоқларда советларни ташкил этиш ва мактаблар очиш, миллий зиёлиларни маданий-маърифий ишларга жалб қилиш, маҳаллий миллат вакилларини Қизил Армияга сафарбар этиш юзасидан маълум ишларни олиб борганини айтиб ўтди[2].

Комиссия "РКП мусулмон ташкилотлари Туркистон Ўлка бюроси

---

[1] Туркестанский коммунист, 1919 йил 15 апрель.

[2] Мусбюро РКП(б) в Туркестане. Ташкент, 1920, 4-5-бетлар.

тўғрисидаги низом"ни кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Большевиклар собиқ Туркистон мустамлакасида миллий масалани ҳал қилиш ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эга деб билдилар. РКП(б) Марказий Комитети уз миллий сиёсатига амал қилиб, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаси давлатни бошқаришга туб миллат ва элатлар вакилларини кенг жалб қилишдир деб ҳисоблади. У 1919 йил 10 июлда Туркистон Компартияси Ўлка Комитети ва ҳукуматига радиограмма юборди. Бу радиограммада мана бундай дейилган эди. "... УШ съезд томонидан қабул қилинган Коммунистик партия дастурига асосан, Шарқдаги ишчи-деҳқон ҳокимияти сиёсати манфаатлари йўлида Туркистон туб аҳолисини давлат фаолиятига мутаносиб равишда кенг жалб қилиш зарур, бунда номзодларнинг партияли бўлиши шарт эмас, уларнинг ишчи ташкилотчилари томонидан таклиф этилиши кифоя"[1]. Марказий Комитет Туркистондаги совет ҳокимиятининг барча органларига маҳаллий миллат меҳнаткашларининг жуда к кенг қатлами жалб қилиниши керак деб талаб қилди. У Туркистон партия ташкилотларини миллий сиёсатини амалга ошириб боришга даъват этди. Туркистон Компартиясининг Ўлка комитети, вилоят ва уезд-район комитетлари, мусулмон коммунист ташкилотларининг вилоят ва уезд-шаҳар бюролари РКП(б) Марказий Комитети ташкилий бюросининг қарорларини бажариш юзасидан каттагина иш қилдилар. РКП(б) маҳаллий кадрларни жалб қилмасдан туриб ўлкани бошқариш мумкин эмаслигига тушунди. Бироқ демократик централизм принципи, синфий ёндошув, шовинистик позициялар мавжуд бўлиб турган шароитда маҳаллий кадрларнинг ҳаттоки иккинчи даражали масалаларни ҳам мустақил равишда ҳал қилиши тўғрисида гапириш амалда мумкин эмас эди.

[1] Туркестанский коммунист, 1919 йил 16 июль.

Бироқ республиканинг Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси А.Казаков ва Халқ Комиссарлари Советининг раиси К.Сорокин бошчилигидаги баъзи масъул ходимлари РКП(б) Марказий Комитети Туркистондаги аҳволни гўё нотўғри тушунади, радиограммада курсатилган йўл-йўриқларни дарҳол амалга ошириш Советларга ёт унсурлар қўлига утиб қолишига олиб келади ва уларнинг пролетар мазмуни айнашига сабаб булади деб исбот эта бошладилар. Улар радиограммани аҳолидан яширишга уриниб, уни матбуотда босиб чиқаришга тусқинлик қилдилар. 20 июль куни улар РКП(б) Марказий Комитетига телеграмма юбориб, бу телеграммада уша курсатмани бажаришнинг иложи йўқлигини асослашга уриндилар, "қушимча йўл-йўриқлар" беришни талаб қилдилар.

Скобелев, Самарқанд партия ташкилотлари ва республикадаги бошқа бир қанча партия ташкилотларида РКП(б) Марказий Комитетининг юқоридаги йўл-йўриқлари юзасидан кескин кураш бошланиб кетди. Бу кураш Туркистон коммунистларининг бир қисми миллий масалада нотўғри фикрда булиб, Туркистондаги совет ҳокимиятининг бирдан-бир таянчи рус ишчилар синфи деб ҳисоблаганини курсатиб берди.

Туркистон Компартияси III съездининг қарорларига қарамасдан, баъзи раҳбар ходимлар узларини партиянинг раҳбар органи – Улка Комитетига аввалгидек қарши қуявердилар. Ана шу нарса маълум булиб қолганидан кейин август ойига мулжалланган Улка партия конференцияси урнига 1919 йил сентябрь ойида Туркистон Компартиясининг Фавқулоддаги IУ Улка съездини чақиришга қарор қилинди.

Съезд билан бир вақтда мусулмон коммунистик ташкилотларининг II Улка конференцияси ҳам булиб утди. Улар бу вақтга келиб улка туб аҳолисининг сиёсий онгли ва маданий даражасини ошириш юзасидан ишни бажарди. Шу мақсадда Фарғона "Янги Шарқ", Самар-

қандда - "Меҳнаткашлар товуши" ва "Нуъмаи инқилоб", Асхабодда - "Садои фуқаро", Наманганда - "Эркинлик" газеталари ва бошқалар нашр қилинди.

Мусулмон коммунист ташкилотларининг II Ўлка конференцияси Мусбюро ва маҳаллий органларининг маҳаллий миллат меҳнаткашларини жипслаштиришга оид фаолиятига якун ясади. Мусулмон коммунистлари II конференциясининг иши Туркистондаги маҳаллий миллат меҳнаткашларининг кайфиятида тубдан ўзгариш юз берганини, шунга кўра туб аҳоли вакилларини совет қурилишига кенг суръатда жалб қилишга йўл очилганини курсатиб берди. 1919 йилнинг ёзида шаҳарлар ва уездларнинг марказларида Мусбюронинг партия бўлимлари ташкил этила бошлади. 1919 йил июль ойининг охиридан Андижон, Хужанд, Наманган, Ўратепа, Тўқмоқ, Ушава бошқа шаҳарларда мусулмон коммунистларининг уезд-шаҳар бюролари очилди. Улар қишлоқ ва овулларда Советлар ташкил этиш, маҳаллий миллат меҳнаткашларини Қизил Армия сафларига, маданий-маърифий тадбирларни утказишга доир фаол ишга жалб этиш юзасидан катта ишлар олиб бордилар.

Туркистон қонун чиқарувчи ва ижрочи органлари олий мартабали раҳбарларининг рўй-рост салбий нуқтаи назарига қарамай, конференция давлат фаолиятининг барча соҳаларига маҳаллий миллатлар вакилларини кенг жалб этиш тўғрисидаги йўл-йўриқларини бутунлай ва тула-тукис маъқуллади.

Туркистон Компартиясининг Фавқулоддаги IУ съезди улуғ рус шовинизмига қарши кескин ва уткир кураш вазиятида утди.

Партия Ўлка Комитетининг фаолияти тўғрисидаги маъруза мухокамасида съезд делегатлари миллий масала юзасидан РКП(б) Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига қарши чиққан улуғ рус оғмачиларига ва Туркистон ишлари буйича Алоҳида муваққат комиссия аъзоси

П.А.Кобозев ҳамда партия ва совет ишини ташкил этишда ёрдам курсатиш учун Марказдан келган бошқа уртоқлар фаолиятига қарши курашда принципиал партиявий қатъиятлик курсатмаган раҳбар республика ходимларини каттиқ танқид қилиб чиқдилар.

Съезд маҳаллий аҳолини давлат фаолиятига мутаносиб равишда жалб этиш тўғрисидаги РКП(б) Марказий Комитети йул-йуриқларини якдиллик билан маъқуллади, Марказий Комитет йул-йуриқларини амалга оширишга қарши чиққан "фаоллар гуруҳини" кескин қоралади, РКП(б) курсатмаларини бажаришнинг амалий йулларини белгилаб олди.

Съезд томонидан қабул қилинган қарорлар Туркистон Компартияси сафларидаги шовинистик гуруҳларни якқалаб қуйишда катта ролни уйнади. Съезд Туркистонда миллий сиёсатни амалга ошириш принципларига доир баъзи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Вилоят партия конференциялари РКП(б) Марказий Комитетининг IO июлдаги йул-йуриқлари ва III Партия съезди қарорларини деярли ҳамма ерда маъқулладилар. Самарқанд ва Бухоро партия конференцияларида маҳаллий миллат меҳнаткашларини совет қурилишига жалб этиш Туркистон Компартиясининг асосий вазифасидир деб таъкидланди[I].

Улка Мусбюроси ва маҳаллий органларининг фаолиятидан маълум булганидек, булар туб миллат меҳнаткашларининг миллий уз-узини англаши ва ватанпарварлигини кучайтиришда шу меҳнаткашлар орасида катта ва самарали ишлар олиб борди. Мусбюронинг маҳаллий аҳолини тарбиялашга доир чора-тадбирлари кишилар сиёсий фаоллигининг усишига ёрдам берди. Мусбюронинг туб миллатлар она тилида олиб борган амалий иши Туркистон улкасининг узига хос хусусиятларига ва Олий ҳокимият органларининг раҳбар йул-йуриқларига мос келар

[I] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.I22, оп.IXX, д.I4, л.36.

эди. РКП(б) Марказий Комитети, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ваколатли органи - Туркомиссия ҳужжатларидан бирида ўзига қарашли ташкилотларга: "барча ишни маҳаллий турмушнинг ҳамма кўринишдаги тарзи: расм-русм, одат ва ҳатто эътиқодлар билан қўшиб олиб бориш" ҳусусида кўрсатма берди[I].

Бироқ Туркомиссиянинг амалдаги иши ҳамиша ҳам сўзи билан бир булавермади. Масалан, Мусбюро "маҳаллий ҳаёт талаби"ни ҳисобга олиб тузилган эди. Лекин Туркомиссия Мусбюро булишини мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблади ва уни тугатишга қарор берди. Бунда Туркомиссия маҳаллий аҳоли вакилларининг фикри билан ҳисоблашмай, ўз қарорини зурлаб ўтказди, бу нарса миллий масалани ҳал қилишда қупол хатоларга олиб келди. Туркомиссия ишининг маъмурий-буйруқбозлик усул-амаллари Туркистон АССР Олий ҳокимияти ва бошқарувн органларининг мустақиллигини чеклаб қуяр эди. Табиийки, бу жамоат ва совет ташкилотлари етакчилари - туб аҳоли вакилларининг норозилигига сабаб булди.

1920 йил 20 - 25 январда Тошкентда Туркистон Коммунистик партиясининг У Ўлка конференцияси булиб утди. Бу конференцияда Турар Рисқулов миллий масала ва миллий секциялар тўғрисида маъруза билан сузга чиқди. У Мусбюро тугатилганига жавобан республика ҳамда Компартия мустақиллигини таъминлаш мақсадларида Туркистон Компартиясининг номини ўзгартириб, уни "Турк коммунистлар партияси" деб аташни таклиф этди.

Конференция Т.Рисқулов маърузаси юзасидан "Миллий коммунистик секциялар тўғрисида низом" қабул қилди, унда мана бундай дейилади: "3.Ягона Коммунистик партия туркий халқлар кенг оммасининг уз Марказий Комитет томонидан бошқариладиган, РКП(б) Марка-

[I] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.17, оп.I, д.408, л. 71-72.

зий Комитети хусусида вилоят (ўлка) комитети ҳуқуқларидан фойдаланадиган, РКП(б) Марказий Комитетига бўйсунадиган партияси бўлиши керак.

4. Партия Туркий халқлар коммунистик партияси деган номни олади"[I].

Т.Рисқулов ўзининг юқорида қайд қилиб ўтилган фикрларини у Ўлка партия конференциясига бир кун илгари таклиф этган эди. Бу, жумладан Т.Рисқулов, Ю.Алиев, Ю.Ибрагимов ва Мусбюронинг бошқа раҳбар ходимлари томонидан Туркистон Компартиясининг бўлруси Ўлка конференциясида ва Мусулмон коммунистларининг III Ўлка конференциясида муҳокама қилиш учун тузган тезисларида - "Миллий секцияларни бирлаштириш тўғрисида тезислар" ва "Туркистон Мухторияти тўғрисида тезисларда" ўз ифодасини топди. Мана шу тезисларнинг муаллифлари Туркистон АССРнинг номини ўзгартириб "Турк Совет республикаси" деб аташни ва шу билан бир вақтда Туркистон коммунистик партиясини "Туркий халқлар компартияси" номи билан қайта ташкил қилишни таклиф этдилар.

Туркистон Компартияси, Ўлка Мусбюроси, Ажнабий коммунистлар Ўлка Комитети ва Туркомиссия вакилларининг 1920 йил 17,20 ва 21 январь кунлари бўлиб ўтган бирлашган мажлисида Мусбюро раҳбарларининг тезислари муҳокама қилинди[2]. Т.Рисқулов ўзининг Турк Совет Республикаси ва Туркий халқлар компартияси тўғрисидаги таклифларини ҳар томонлама ва далиллар билан асослаб берди.

Турар Рисқулов ўзининг Туркистон компартияси сафларининг жипслашишига интилишини таклиф этди. У 1920 йил 21 январдаги уз

[I] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях, съездов и конференций. 69-70-бетлар.

[2] Архив аппарата президента Республики Узбекистан, ф.60, оп.I, д.406, л.24-37.

нуткида Туркистонда учта ўлка органи - "Ўлка комитети, Ўлка Мусбюроси ва Ажнабий коммунистлар комитети бор, шу билан бирга мусулмонлар Мусбюрога, ажнабийлар - Ажнабий коммунистлар комитетига бўйсунади ва шунга кура Ўлка комитети уз аҳамиятини йукотиб куяди" деб айтиб утди.

Сунгра Т.Рисқулов марказий Россияда миллий республикаларнинг ҳамма партия ташкилотлари РКП УШ съезди қарорларига асосан ягона коммунистик партияга бирлаштирилганига асосланиб туриб, "бу ерда (Туркистонда) ҳам туб аҳолига ва чегарадош мамлакатларга таъсир утказа оладиган, курилишни мустаҳкамлай оладиган бўлинмас, ягона кудратли партия тузиш керак" деб хулоса чиқарди[I]. Т.Рисқулов шундан келиб чиқиб, Туркистон компартияси барча ташкилотларини "Турк халқлари коммунистик партияси"га бирлаштириш зарур, чунки бу ерда аҳолининг купчилик қисми туркий халқлардан иборат деган хулосага келди. Ю.Алиева, Ю.Ибрагимов ва Мусбюронинг бошқа раҳбар ходимлари томонидан Туркистон Компартиясининг бўлғуси Ўлка конференциясида ва Мусулмон коммунистларининг Ш Ўлка конференциясида муҳокама қилиш учун тузган тезислари ва "Туркистон Мухторияти тўғрисида тезислар"да уз ифодасини топди. Мана шу тезисларнинг муаллифлари Туркистон АССРнинг номини ўзгартириб "Турк Совет республикаси" деб аташни ва шу билан бир вақтда Туркистон коммунистик партиясини "Туркий халқлар компартияси" этиб қайта ташкил қилишни таклиф этдилар.

Т.Рисқуловнинг фикрига қараганда буни Туркистон халқлари ҳам, хорижий Шарқ халқлари ҳам маъқуллаб кутиб оладилар. Жумладан, у Турк республикаси хорижий Шарқнинг эзилган халқларида советларга нисбатан хайрихоҳлик уйғотади деб айтиб утди.

[I] Мусбюро РКП(б) Туркестане, 7- бет.

Сунгра Т.Рисқулов "Туркий халқлар компартияси" деган ном Мусбюро тарқатилиши муносабати билан маҳаллий миллатлар орасида миш-мишлар тарқалишига йул қуймаслик учун ҳам ёрдам беради деб курсатди. "Мусбюро тарқатилиши билан, - деди у, - мусулмон коммунистик ташкилотларининг аҳамияти йуққа чиқарилмаслигини туб аҳоли меҳнаткаш оммасига тушунтириш керак"[1].

Тезисларнинг бошқа бир муаллифи - Ю.Алиев: "Туркистонни Турк республикаси деб атайдиган булсак, бу билан биз уз-узини белгилашга интилаётганимизни курсатган буламиз ва сиёсатни енгиллаштирамиз"[2] деди.

Туркомиссиянинг В.В.Куйбишев, Ш.З.Элиава ва бошқа аъзолари олдинига "Туркий халқлар компартияси" ва "Турк Совет республикаси" деган номларни қабул қилиш мумкин деган фикрни билдирдилар. Лекин кейинчалик, юқорида айтиб утилган лойиҳаларнинг асл маъносини - республика мустақиллиги учун кураш йули эканлигини тушуниб етганларидан сунг В.В.Куйбишев ва Туркомиссиянинг бошқа аъзолари бу лойиҳаларни қуллаб-қувватлаш у ёқда турсин, балки Т.Рисқуловнинг таклифларини узил-кесил рад этдилар.

В.В.Куйбишев ёзганидек, мусулмонлар уртасидаги инқилобий ҳис-туйғулар муносабати билан Рисқулов томонидан Турк республикаси ташкил этиш тугрисида масала кутарилган булса-да, Туркомиссияга "Турк республикаси тузиш фикридан"[3] воз кечишга тугри келди, чунки бу вақтда келиб Рисқулов лойиҳасининг асл мақсади очилиб қолди.

Рисқулов таклифларининг моҳияти, масалан, "Турк Совет рес-

---

[1] Архив аппарата президента Республики Узбекистан, ф.60. оп.I, д.406, л.24.

[2] Архив аппарата президента Республики Узбекистан, ф.60 оп.I, д.406, л.24.

[3] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.I22, оп.I, д.20, л.24.

публикаси" тузиш тўғрисидаги лойиҳасидан аниқ-равшан англашилар эди. Бу лойиҳанинг I- моддасида мана бундай дейилади: "I. Бешта вилоятдан ташкил топган Туркистон турк халқлари - қирғизлар, сартлар, ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қипчоқлар, шунингдек туркий бўлмаган тожиклар мамлакати деб ҳисоблансин...". Унинг 2- моддасида: "Туркистон республикаси Совет миллий республикаси деб ҳисоблансин, бу ерда ўз-ўзини белгиловчи туб халқ деб туркий халқ ҳисобланади"[I].

Бу лойиҳа муаллифлари Туркистонда қирғизлар, ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқлар яшашини эътироз этдилар ва уларни "ягона туркий халқлар" деб ҳисоблашни таклиф этдилар.

Лойиҳанинг 4- моддасида: "Турк республикаси таркибига киришни истаган янги туркий республикаларнинг ҳаммаси унга кириши мумкин" дейилади[2]. Шундай қилиб, Т.Рисқулов ва бошқалар РСФСР дан иборат Совет Федерациясига муқобил қилиб "Туркий халқлар" федерациясини тузиш мумкин деб ҳисоблар эдилар.

М.В.Фрунзе сингари коммунистик етакчилар "Туркий халқлар республикаси" ва "Туркий халқлар Компартияси" тузиш лойиҳасини дастлаб қувватлаб чиққан баъзи Туркқомиссия аъзоларини танқид қилиб чиқдилар ва Туркистонда қандай бўлмасин ягона бир туркий халқ мавжуд бўлмай, балки бир қанча аниқ миллатлар ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар, тожиклар ва бошқалар бор деб ҳисоблади.

Шу билан бирга ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар туркий халқлар аканлигини ва Т.Рисқуловнинг "Туркий халқлар республикаси", "Туркий халқлар Компартияси" тузиш тўғрисидаги таклифлари тўғри бўлганлигини қайд қилиб ўтиш керак.

Туркқомиссиянинг 1920 йил I-I5 июлдаги ахборотида айтиб

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.I22, оп.I, д.40, л.2.

[2] Ўша жойда.

утилганидек, комиссия мажлисларида Туркистонни қисмларга бўлиб, Туркманистон, Ўзбекистон миллий республикаларини тузиш ва Туркистоннинг Қирғизистон (Қозоғистон) қисмини Қирғизистон (Қозоғистон) Автоном Совет Социалистик Республикасига қайта бирлаштириш тўғрисида қилинган таклифлар "ошкора панисломистча" уринишларга ва панисломизмни қуллаб-қувватловчи савдо капитали ва руҳонийлар вакилларига қарши аксилтаклиф" бўлди[1].

Туркқомиссия аъзолари В.В.Куйбишев ва Ш.З,Элиава Туркистонда янги миллий республикалар тузиш мумкинлигини аслида инкор этмаганлари ҳолда фуқаролар уриши давом этиб бораётган, малакали кадрлар етишмайдиган ҳозирги кунда бу масалани ўртага қўйиб бўлмайди, чунки "республикалар тўғрисидаги қарорни дарҳол амалга ошириш Туркистондаги бутун ишда бош-бошдоқликка сабаб бўлиб, барча республикалардаги энг салбий миллатчи бошлиқлар тегирмонига сув қуяди"[2] деб ҳисобладилар.

Республиканинг баъзи раҳбар ходимлари РКП(б) Марказий Комитети томонидан қабул қилинган "Туркистон мухторияти тўғрисида низом"га рози бўлмай, Москвага ўзларининг Т.Рисқулов, Г.Бех-Иванов, С.Турсунхужаев, Н.Хужаевдан иборат Турк делегациясини юбордилар. Бу делегация Туркқомиссиянинг "Мустамлакачиликка қарши курашдан бош тортаётганини, Инқилобий ҳарбий кенгаш мусулмонларни сафарбар этишни онгли равишда орқага сураётгани ва шу тариқа Шарқдаги инқилобни барбод этаётгани"[2]ни билдирди.

---

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.122, оп.1, д.47, л.126.

[2] Ўша жойда.

[3] Материалы IX съезда Советов рабочих, дехканских, крестьянских казачьих и красноармейских депутатов Туркестанской Социалистической республики. Ташкент, 1920, 4-5-бетлар.

РКП(б) Марказий Комитетига тақдим этилган маълумотномада улар аввалги таклифлар билан бир қаторда янги таклифларни: Туркомиссияни тарқатиб юбориш, Туркистон фронти Инқилобий Харбий Кенгаши ҳуқуқларини чеклаб қўйиш, Туркистондан Қизил Армиянинг руслардан тузилган қисмларини олиб чиқиб кетиш ёки қуролсизлантириш, фақат мусулмонлардан иборат қўшин тузиш талабларни ҳам қўйдилар. Улар ташқи алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий масалаларни РСФСР ихтиёридан олиб, Туркистон Марказий Ижроия Комитети ихтиёрига беришни ҳам талаб қилдилар[1].

РКП(б) Марказий Комитети Туркистондаги ишлар аҳволини диққат билан ўрганиб чиқди. 1920 май - июнда Москвага келган Туркомиссия аъзолари ва Туркделегация вакиллари Марказий Комитетда қабул қилинди ва уларнинг ахборотлари тингланди. В.И.Ленин Т.Рисқулов лойиҳасини бекор қилиш[2], Комиссия проектини эса кўпгина ўзгаришлар билан қабул қилишни зарур деб топди.

Натижада РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1920 йил 29 июнда: "Бизнинг Туркистондаги вазифаларимиз ҳақида", "Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида", "Туркистонда партия қурилиши тўғрисида"ги қарорларни қабул қилди ва "Туркомиссия инструкцияси"ни тасдиқлади. Мана шу 4 та ҳужжатнинг ҳаммаси РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг "РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари ҳақида"ги қарорлари деган умумий ном билан тарихга кирди. Ривожланишнинг мазкур даврида РСФСР таркибидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик республикасини сақлаб

[1] История коммунистических организаций Средней Азии. 426-427-бетлар.

[2] Имеется в виду "Проект положения Туркестанской Автономной Советской Республики Социалистической Федерации", представленный в ЦК РКП(б) 23 мая, 1920 г. Туркестанский делегацией в составе Т.Рисқулова, Н.Ходжаева и Г.Бех-Иванова (См. В.И.Ленин, Полное собр. соч., Т. 41, с.545.).

қолиш ва мустаҳкамлашга қарор қилинди. РКП(б) Марказий Комитети ТКП нинг 4"Туркистон Коммунистик партияси" деган аввалги номини сақлаб қолгани ҳолда унинг бирлигини мустаҳкамлаш зарур деб топди. Шу билан тула ҳуқуқли миллий мухторият тўғрисида Т.Рискулов томонидан майдонга қўйилган фикр йўққа чиқарилди.

Ана шу қарорга мувофиқ подшо ҳукуматининг ярим асрли империалистик сиёсати туфайли улкадаги овруполик аҳоли билан туркий халқлар ўртасидаги миллатлараро бегоналик сарқитларини тугатишга эришиш зарур эди. Кучиб келган қулоқларнинг барча ерларини тортиб олиш, собиқ полиция, жандармерия, охранка амалдорларини, Туркистонда ишлаши уринсиз булган подшо амалдорлари, чайқовчилари, йирик рус корхоналарининг собиқ бошқарувчиларини, партияга, совет органларига, Қизил Армияга суқулиб кирган барча унсурларни Туркистондан Россия концентрация лагерларига сургун қилиш кузда тутилди. Шу билан бир вақтда РКП(б) Марказий Комитети партия кучларини қайта тақсимлаш тариқасида улуғ рус миллатчилиги ва мустамлакачилик дардига гирифтор булган ҳамма Туркистон коммунистларини Марказий Комитет ихтиёрига юбориш ва марказдан бир неча юз коммунистни Туркистонда ишлаш учун сафарбар этишни таклиф қилди.

Туркистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботда айтилганидек, У ва УІ Улка партия съездлари ўртасидаги давр мобайнида Туркистонни собиқ жандармлар, охранка ходимлари, полиция ва бу ерда подшо самодержавияси томонидан парваришлаб устирилган бошқа унсурлардан тозалашга эришилди. Нисбатан қисқа давр ичида энг ашаддий подшо малайларидан бўлмиш мингдан ортиқ киши сургун қилинди[1].

---

[1] Архив аппарата Президента Республики Узбекистан, ф.60, оп.I, д.42, л.4.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1920 йил мартда чиқарган "Туркистон мухторияти тўғрисида" низомида РСФСРнинг таркибий қисми сифатидаги мухториятнинг умумий асослари баён қилиб берилди. Бу низомда Туркистон Автоном Республикасининг ҳуқуқлари ҳам, федератив ҳокимият ҳуқуқлари ҳам аниқ таърифлаб берилган эди.

РКП(б) Марказий Комитети "Марказ билан Туркистоннинг узаро муносабатлари тўғрисида" махсус қарор ҳам қабул қилди. Бу қарорда Туркистоннинг тобелик мавқеи қонунлаштирилган эди. РКП(б) Марказий Комитети Туркистонда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Советининг доимий вакиллиги (Туркомиссияни) сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблади. Туркомиссияга Федератив ҳокимият вазифасига кирадиган соҳалар ва ишларни бевосита бошқариш, директива ва декретларни маҳаллий иқтисодий ва ҳарбий шароитларга мослаштирган ҳолда амалга ошириш юзасидан назорат олиб бориш, Туркистондаги айрим миллий гизимлар манфаатларини мувофиқлаштириш вазифалари топширилди. Марказ билан Туркистон муносабатларини курсатиб берган бу ҳужжатлар улкадаги туркий миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини жуда чеклаб қуяр эди.

РКП(б) Марказий Комитетининг қарори Федератив ва Туркистон Автоном Республикаси ҳуқуқлари доирасини аниқ белгилаб берди. Жумладан, ташқи алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий иш умумреспублика ҳокимияти ҳуқуқлари доирасига, яъни РСФСР ҳуқуқлари доирасига киради деб курсатилди.

Республика томонидан белгиланадиган ва РСФСР Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети вакиллари томонидан тасдиқланадиган бюджет умумфедератив бюджетга кириши керак эди. Ҳужалик соҳасида Туркистон Халқ Ҳужалиги Кенгаши ва озиқ-овқат органлари Бутун Россия Халқ Ҳужалиги кенгаши ҳамда РСФСР озиқ-овқат Халқ Комис-

сарлиги томонидан белгиланадиган режалар доирасида иш олиб боради деб кўзда тутилган эди.

Шундай қилиб, Турар Рисқулов бошчилигидаги улка жамоатчилигининг Туркистон республикаси сиёсий мустақиллиги учун олиб борган ҳаракати тинчлик воситалари билан бостирилди. Уларнинг Туркистон суверенитети ва озодлигини таъминлашга қаратилган таклифлари қаттиқ қораланди ва рад этилди. Уларни сиёсий жиҳатдан қаттиқ қаҳр-газабга олиш бошланди. Т.Рисқулов ва унинг тарафдорлари эгаллаб турган лавозимларидан четлатилди. Туркистон республикасининг сиёсий, иқтисодий, халқаро масалаларидаги ҳақ-ҳуқуқлари чекланиб, федератив ҳокимият ҳуқуқларининг доираси анча кенгайтирилди.

Туркқомиссия билан Мусбюро ўртасидаги ҳарбий масала юзасидан жиддий ихтилофлар юзага келди. Мусбюро ва унинг раҳбарлари Туркистонда туб халқлар вакилларидан иборат штаб ва қўмондонликка эга бўлган мустақил мусулмон армиясини тузишни талаб қилдилар. Буни амалга ошириш Туркистон АССРнинг нафақат ҳарбий жиҳатдан, балки сиёсий жиҳатдан ҳам мустақил бўлишига олиб келиши мумкин эди.

Маҳаллий миллатлар вакиллари, Мусбюро етакчилари маҳаллий аҳолини Қизил Армияга жалб этишга қаршилик кўрсатиб келаётган шовинистларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Фарғона вилоят II партия конференциясида айтиб ўтилганидек, Андижондаги ҳарбий бошлиқлардан бири Салаев деган кимса талончилар тўдасидан ўзўзини ҳимоя қилиш учун мусулмонларни қуроллантириш тўғрисидаги илтимосга жавобан "мусулмонларга қурол берилмайди, чунки уларга унча ишонч йўқ", деб айтган[I].

[I] Архив аппарата Президента Республики Узбекистан, ф.60, оп.I, д.205, л.4.

Октябрь ойининг урталарида Мусбюро Қизил Армия қумондонлик қисмларини тайёрлаш мақсадида миллий ҳарбий инструкторлик курсларини очиш зарурлиги тўғрисида фикр билдирди. 1919 йилнинг 22 октябрида Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг риёсати бу таклифни муҳокама қилиб, "зудлик билан курслар очишга" қарор қилди[1].

Туркқомиссия, Туркистон Компартияси Ўлка Комитети, Туркистон Марказий Ижроия Комитети риёсати, Ўлкамусбюроси ва Ажнабий коммунистлар Ўлка комитетининг 1919 йил 21 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳам миллий қумондон ва сиёсий кадрларни кенг суръатда тайёрлаш тўғрисида қарор қилинди[2]. Шу қарорларга асосланиб 1919 йил декабрда Туркистон фронти 2- армиясининг инструкторлар мактаблари қошида миллий ҳарбий инструкторлар ротаси тузилди. Кейинчалик Тошкентдаги пиёда командирлар курси қошида маҳаллий миллат кишилари учун "200 кишига мўлжалланган тайёрлов бўлими" очилди[3].

У партия конференциясининг резолюциялари ҳамда ТАССР партия ва совет органларининг қарорларига асосан Туркистон республикасининг партия, совет ва ҳарбий ташкилотлари Қизил Армия сафларига туб аҳоли кўнгиллиларини жалб қилиш ва ягона Қизил Армия таркибида миллий бўлинмалар тузишга доир ишни кучайтирдилар. Маҳаллий кўнгиллилардан Қизил Армиянинг бир қанча янги миллий қисмлари тузилди: Марвдаги Туркман полки, 3-Қизил отлиқлар Шарқий полки, Қирғиз отлиқлар полки, Миллий қаровул батальони, 4-Миллий отлиқлар полки, Янги Урганч ва Верныйдаги миллий қаровул роталари, Тошкентдаги Эски шаҳар отлиқлари эскадрони, Қўқондаги Эски шаҳар миллий ротаси, Татар бригадаси қошидаги узбек

---

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.122, оп.2, д.420, л.21.

[2] Архив аппарата Президента Республики Узбекистан, ф.60. оп.1, д.62, л.12.

[3] УзР МДА, 905-фонд, 2-рўйхат, 2-иш, 35-варақ.

эскадрони шулар жумласидандир[1]. 1920 йил бошларида маҳаллий кунгиллилардан бутун-бутун бригадалар, чунончи Чорҳўйда алоҳида туркман отлиқ бригадаси ва Фарғона фронтида қирғиз отлиқлар бригадаси тузила бошлади[2].

"Мусулмон армияси" тузиш рояси маҳаллий аҳоли ва етакчиларининг миллий озодлик ҳаракатларига мос тушар ва марказнинг мустамлакачилик мақсаллари ва вазифаларига зид келар эди. Шунга кура Туркистон фронти қумондони М.В.Фрунзе 1919 йил 25 декабрь куни Самарадан туриб Тошкентдаги Туркомиссия раиси Ш.З.Элиава билан телефон орқали сузлашар экан "ҳеч қандай алоҳида штаб ва ҳеч қандай мусулмон армияси булмаслиги керак, армия диний белгига қараб тузилмасдан, балки синфий байналминал принципига мувофиқ тузилади" деб айтди. Маҳаллий шароитлар, тил ва турмуш хусусиятларини ҳисобга олганда эса ҳарбий қисмлар таркибида диний белгига қараб эмас, балки миллий белгига қараб алоҳида булинмалар тузиш мумкин ва керак эди[3].

Миллий булинмалар тузиш тўғрисидаги масала Туркистон Компартиясининг У Улка конференциясида қизғин муҳокама қилинди (1920 йил январь). Туркомиссия ва Туркистон фронти Инқилобий ҳарбий кенгашнинг аъзоси В.В.Куйбишев маъруза билан сузга чиқди. Бу маъруза муҳокамасида Мусбюро раҳбарлари Бутун Россия Ҳарбий қумондонлигига буйсунадиган алоҳида "Турк Қизил Армияси" ни тузишни ёқлаб чиқдилар, бироқ Куйбышев ва марказнинг бошқа вакиллари уларнинг бу таклифларини кескин қораладилар. Шу билан бирга конференция мусулмонларни армияга жалб қилишга қарши чиққан

[1] Р.А.Нуруллин. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. Ташкент, 1965, 86-бет.

[2] ЎзР МДА, 1284-фонд, 1-руйхат, 72-иш, 1099-фонд, 1-руйхат, 13-иш, 30-31-варақлар, 47-фонд, 1-руйхат, 156-иш 233-варақ.

[3] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.122, оп.1, д.23, лл.92-106.

улуғ рус шовинистларини қоралади. Конференциянинг Қизил Армия сафларига маҳаллий аҳолини жалб этиш хусусидаги резолюциясида мана бундай дейилади:

I. "Янги турмуш қурилишига ва Шарқни озод этиш учун жаҳон империализмига қарши курашга мусулмонлар кенг оммасини ҳар томонлама иштирок эттириш мақсадларида меҳнаткаш мусулмонлар оммасини армия сафларига жалб этиш ва улардан ягона Қизил Армия таркибига кирадиган, умумий марказий қумондонлик томонидан бошқариладиган айрим қисмлар тузиш зарур вазифадир.

2. Мусулмон аҳолисини муваффақият билан сафарбар этиш учун шарт-шароитларни тайёрлаш (олдиндан ташвиқот олиб бориш, айрим миллатлар орасида сафарбарлик ўтказиш хусусиятларини белгилаш ва ҳоказо) Туркистондаги партия учун шу бугунги вазифа бўлиб ҳисобланади.

3. Биринчи галда мусулмонлардан қизил команда таркибини тузиш ва ҳарбий-сиёсий ходимлар етиштириш жуда ҳам зарур.

4. Сафарбарлик ўтказишдан олдин мусулмон меҳнаткаш оммаси орасидан кунгиллиларни жалб этиш хусусида кенг ташвиқот олиб бориш зарур"[I].

Ҳужжатлардан маълум бўлганидек, Турккомиссия ва республиканинг унга бўйсунувчи олий партия ҳамда совет органлари Мусбюро ва Туркистон туб халқлари вакилларининг таъйиқи билан маҳаллий миллат меҳнаткашларини Қизил Армия сафларига жалб этиш, умумий қўмондонликка бўйсунадиган алоҳида миллий қисмлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Ана шу чалакам-чатти қарор билан Турккомиссия ўзининг асосий мақсадига эришди - Мусбюронинг Турк Қизил Армиясини ташкил этиш тўғрисидаги такли-

[I] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях, съезда и конференций. Ташкент, 1988, 77-бет.

фини, шунингдек Туркистон АССРнинг чинакам мустақиллигига эришишга қаратилган "Турк республикаси", "Туркий халқлар Компартияси" тўғрисидаги фикрларни рад этишга муваффақ бўлди. ТКП У конференциясининг қарори билан Туркистон турк миллатларига мустақил миллий армия ташкил этиш таъқиқланди.

1920 йил 7 май куни Туркфронт Инқилобий Ҳарбий Кенгаши ва Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг маҳаллий миллат меҳнаткашларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. "Туркистон фронти Қизил Армиясининг уз зиммасидаги ҳарбий ва иқтисодий вазифаларини ҳал қилишни таъминловчи шарт-шароитларни яратиш учун, - дейилади буйруқда, - шунингдек социалистик ватанни ҳимоя қилиш ишида маҳаллий туб аҳолини кўчиб келган оврупалик аҳоли билан тенглаштириш мақсадида Инқилобий Ҳарбий Кенгаш ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети буюради:

1. Маҳаллий аҳолидан 19 яшардан 35 ёшгача бўлган 30 минг нафар киши Қизил Армия сафарларига чақирилсин..."[1].

Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши 1920 йил 10 май куни қарор қабул қилиб, бу қарорда "Сибирь, Туркистон ва бошқа чекка ўлкаларнинг рус бўлмаган миллий фуқаролари Қизил Армия сафларига Россия Федератив Совет Республикасининг бошқа фуқаролари билан бир хилдаги тартибда чақирилиши керак" деб белгиланди.

Инқилобий Ҳарбий Кенгаш ва Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 1920 йил 7 майдаги буйруғига мувофиқ маҳаллий миллат меҳнаткашларидан 30 минг нафардан ортиқ киши Қизил Армияга чақирилди. Туркистонда бўлган совет қўшинлари таркибида тез орада

[1] Союз рабочего класса и трудового дехканства Туркменистана в период Великой Октябрьской социалистической революции и гражданской войны (1917-1920 гг.). Сбор.документов, Ашхабад, 1957, 348-бет.

қушгина янги миллий қисмлар тузилди.

1920 йил октябрь ойининг бошларига келганда Туркистон фронти қушинлари таркибида энди 10 дан ортиқ йирик миллий қушин бирликлари бор эди[1].

Бу вақтга келиб миллий қисмлардаги қизил аскарларнинг умумий сони Туркистон республикаси барча қуролли кучлари шахсий таркибининг 33 фоизини ташкил этди[2].

Маҳаллий аҳолини Қизил Армия сафига чақириш, аралаш ҳарбий бўлинмалар, айрим миллий ҳарбий қисмлар тузиш асосан марказ манфаатларига, унинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий табиатидаги империалистик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилар эди.

1920 йилнинг охирларида Туркистон Коммунистик партияси ғоявий ва ташкилий жиҳатдан заиф эди. Айниқса маҳаллий миллат кадрлари етишмасди. Партия ташкилотларида гуруҳбозлик кураши ҳали барҳам топмаган эди. Айрим ходимлар шовинистик хатоларга йул қўйиб, республикадаги миллатлараро муносабатларга каттагина зарар етказарди. Миллий мустақиллик учун ҳаракатнинг фаоллашуви натижасида Туркистонда сиёсий вазият кескин бўлиб қолаверди. РКП(б) Москва ташкилоти активининг 1920 йил 9 октябридаги мажлисида қилинган маърузада В.И.Ленин: "Туркистон билан Кавказда аҳвол янада мураккаб"[3] деб қайд этди. Мана шуларнинг ҳаммаси миллий озодлик ҳаракатининг большевиклар даъво қилганидек, социалистик ҳаракат билан қушилиб кетмаганини курсатди.

---

[1] А.К.Афанасьев. Зарождение национальных частей Красной Армии в Туркестане и их роль в разгроме белогвардейцев, интервентов и басмачества (1918-1920 гг.). Автореф. Ташкент, 1953, 14-15-бет.

[2] История гражданской войны в Узбекистане, Т.П, Ташкент, 1970, 123-бет.

[3] В.И.Ленин. Тула асарлар тушлами, 41-жилд, 339-бет.

Туркистонда миллий озодлик харакатининг кучайиши, сиёсий аҳволнинг мураккаблашуви марказнинг раҳбар органларини ҳавотирга солди. Партия ва совет ҳукумати уэларининг Туркистондаги таъсирини кучайтириш йўлларини ахтара бошлашди. Партия Марказий Комитети Туркистондаги аҳволнинг мушкуллиги, партия ташкилотлари фаолиятининг фаоллашиб қолганлигини ҳисобга олиб, Туркистон Компартияси фаолияти устидан назоратни кучайтириш зарур деб топди. Шу мақсадда РКП(б) Марказий Комитети Туркбюросини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

РКП(б) Марказий Комитети Туркбюро тузишга катта аҳамият бериб, унинг раиси тўғрисидаги масалани Марказий Комитет Пленумига қўйди. РКП(б) Марказий Комитетининг 1920 йил 17 июль ва 5 августдаги Пленумларида мана шу масала кўриб чиқилди. Фактлардан маълум бўлганидек, 1920 йил 17 июнда Туркбюро ташкил этилди.

Туркбюро уз фаолиятида РКП(б) Марказий Комитети Вилоят бюролари низомига амал қилиб борди. Вилоят бюроларининг иш методларини В.И.Ленин мана бундай деб белгилади: "Марказий Комитет ва совет ҳокимиятининг Шарқ халқлари яшовчи вилоятларга Москвадан юбориладиган ҳамма вакиллар учун йўл-йўриқ ишлаб чиқилсин. Бу йўл-йўриқда -... маҳаллий аҳолининг буржуа ва сохта коммунистик гуруҳларига қарши кураш ... бош вазифа деб ҳисоблансин"[1].

Мана шу курсатмадан маълум бўлганидек, марказнинг ваколатли органлари олдида турган асосий вазифа "маҳаллий аҳолининг буржуа ва сохта коммунистик гуруҳларига қарши кураш", яъни туб миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиб чиқаётган миллий сиёсий кучларга қарши курашдан иборат эди. Айнан шу йўл-йўриқни амалга ошириш Туркбюронинг энг муҳим вазифаси бўлди.

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.17, оп.2, д.32, л.2; д.33, л.3.

1920 йилнинг августида Туркбюронинг кўпчилик аъзолари Тошкентга келди[1].

РКП(б) Марказий Комитети тажрибали кадрларни Туркбюрода ишлаш учун юборди. Сиёсий бюро коммунистик партиянинг атоқли арбоби Я.Э.Рудзитакни 1921 йил 21 мартда Туркбюро раиси этиб тасдиқлади[2]. Туркбюро аъзолари орасида Я.Х. Петерс, А.А.Иоффе, В.П.Ногин, Я.Я.Суриц ва бошқалар бор эди.

Туркистон Коммунистик партиясининг 1920 йил 12 сентябрдан 18 сентябргача иш олиб борган У съезди Туркбюронинг бевосита раҳбарлиги остида тайёрланди ва утказилди. Съезд уша вақтдаги мавжуд аҳволни, коммунистик партиянинг Туркистондаги вазифаларини, Туркистон Компартияси Муваққат Марказий Комитетининг ҳисоботини муҳокама қилди. Туркбюро аъзолари кун тартибидаги энг муҳим масалалар юзасидан маъруза қилдилар.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1922 йил 12 январдаги йўл-йўриқ курсатувчи хатида Туркистон коммунистларининг асосий вазифаси миллатчиликка, миллий озодлик ҳаракатига қарши курашдан иборат деб таъкидлаб утилди. Бу хатда мана бундай дейилган эди: "Туркистон Коммунистик партиясининг У съездида РКП(б) Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига тула мувофиқ равишда Туркистондаги миллий сиёсатнинг асосий йўлини сиз тўғри белгилаб олдингиз. Бу сиёсат йўли ... қирғиз, туркман, узбек меҳнаткаш оммаларининг "миллий ҳамжиҳатлик" ва "миллий манфаатлар" байроғи остида маҳаллий капитал диктатурасини урнатишга қаратилган буржуа уринишларига қарши курашни амалга оширишдан ташкил топади ва ташкил топмоғи керак"[3].

---

[1] В.И.Ленин. Тула асарлар тўплами, 41-жилд, 343-бет.

[2] Архив аппарата Президента Республики Узбекистан, ф.57, оп.1, д.28, л.8.

[3] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.61, оп.1, д.61, л.4.

Маҳаллий аҳоли ишончини қозониш ва оммаларга партия таъсирини кучайтириш мақсадларида Туркбюро Туркистонда миллий сиёсатни амалга оширишнинг шакллари ва усул-амалларига мавжуд шароит хусусиятларини ҳисобга олиб зарур ўзгаришлар киритди. Туркбюронинг тавсияларига мувофиқ, Туркистон Компартияси Марказий Комитети қошида 1920 йил 17 декабрда туртта секция: ўзбек, қирғиз, туркман ва майда миллатлар секциялари ташкил этилди. Туркистон Коммунистик партияси Марказий Ижроия Комитетида ҳам шунга ўхшаш бўлимлар очилди. Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия бюросининг қарорига мувофиқ 1921 йил 17 сентябрда ТАССР нинг миллий ишлар бўйича Халқ комиссарлиги тузилди. Бу комиссарликнинг тузилиши турли миллат меҳнаткашларини партия-совет ва хўжалик ишларига кенгроқ жалб қилиш имконини берди. 1920 йил 25 сентябрда Туркбюро ТАССР Халқ Комиссарлари Совети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети бошида маҳаллий миллат вакиллари бўлишини таклиф қилиб чиқди. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раислигига К.С.Отабоев, Туркистон Марказий Ижроия Комитети раислигига эса Н.Т.Тўрақулов тавсия қилинди[1].

Маҳаллий миллатлар орасидан чиққан ана шу ва бошқа раҳбар партия ва совет кадрлари, гарчи марказ сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлсалар-да, лекин шу билан бирга миллий манфаатларни имкони борича ҳимоя қилиб чиқдилар.

Туркистонда оврупалик аҳоли билан маҳаллий аҳоли ўртасида мавжуд бўлган миллий тенгсизлик тарихан подшо ҳукумати даврида вужудга келган иқтисодий тенгсизликдан юзага келган эди. Бу тенгсизлик аввало шу билан ифодаланар эдики, Туркистон подшо ҳукуматининг колонияси сифатида тунтаришдан олдинги бутун даврда хом

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.16, оп.16, д. 1151, л.49.

ашё, аввало метрополияда ишланиши керак булган пахта етказиб берувчи улка ҳолида тутиб келинди. Мана шу нарса бу улканинг қолоқлигига сабаб булди ва саноат ривожланишига, айниқса етиштириладиган қишлоқ хужалик хом ашёсидан охирги маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат соҳаларининг вужудга келиши ва ривожланиб боришига ҳалал берди.

1917 йилдаги октябрь тунтаришидан кейин иқтисодий ва миллий муаммоларни ҳал қилишда Туркистонда арзигулик узгаришлар булгани йуқ. Улка иқтисодий хом ашё етказиб берувчи мустамлака тарикасида ривожланиб борди. Марказ ва унинг Туркистондаги ваколатли органларининг сиёсати асосан пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган эди. Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлабоқ, аграр сектор, умуман бутун халқ хужалиги сингари марказ фойдасига ишлаб борди, минтақанинг иқтисодий манфаатлари инкор этилар эди.

Совет ҳукумати мамлакатда пахтачилик ишига рақбарлик қилишга жиддий эътибор берди. 1921 йил 22 сентябрда "Пахтачилик, пахта тозалаш саноати ва пахта тайёрлашни давлат йули билан ташкил этиш тугрисида низом" қабул қилинди. Бу низомда мана бундай дейилган эди: "Кооператив ва хусусий хужаликларда етиштириладиган пахта хом ашёси ва уни биринчи бор ишлаб тайёрланадиган маҳсулотларни сотиб олиш учун пахта тозалаш заводлари ва булар билан биргаликдаги мой-совунгарлик заводларини ишлатиб бориш учун, шунингдек РСФСР да пахтачиликни ва уни бирламчи ишлайдиган соҳаларни ривожлантириш учун Халқ Хужалиги Олий Кенгаши қошида Бош пахта комитети, тегишли иттифоқчи ва автоном республикаларда эса маҳаллий пахта комитетлари таъсис этилади"[1].

Пахта хом ашёсини тайёрлаш ва сотиб олишга совет давлати

[1] Уша жойда.

томонидан монополия урнатилганлиги пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга доир муҳим чора бўлди. РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши 1918 йил 12 январда совет пахтасига давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди[1]. Мана шу қарорга мувофиқ пахтачилик билан боғлиқ бўлган барча масалалар мажмуи совет давлати қўлига утди. Пахта хом ашёсининг олди-соттисини таъқиқлаб қўйиш билан хусусий секторнинг, чет эл капиталининг пахтачиликка кириш йўллари бекилди. Мана шу иқтисодий чоралар Туркистон республикаси суверенитетини кескин чеклаб қўйди.

Пахтага монополия белгиланиши пахта хом ашёсини бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Янги иқтисодий сиёсатга утилиши муносабати билан бу қаршилик янада кучайди. Пахта ишлаб чиқарувчилар монополия деган нарса янги иқтисодий сиёсат шароитларида пахтачиликни ривожлантириш учун туғаноқ бўлишига асосланиб туриб, монополияни бекор қилишни талаб этдилар.

Бу масала 1921 йил 10 декабрда РКП(б) Марказий Комитети Турк бюросининг мажлисида муҳокама қилинди. РКП(б) Марказий Комитети Туркбюросининг аъзоси В.П.Ногин монополияни ҳимоя қилиб чиқиб, "давлат монополияси сақлаб қолиниши керак" деди. Туркбюро монополияни бекор қилиш тарафдорларига узил-кесил қарши чиқди.

1920 йил 30 январда Туркомиссия ташаббуси билан пахтачилик юзасидан кенгаш чиқарилди. Я.Э.Рудзутак раҳбарлигида утган бу кенгаш "ҳарбий, темир йўл ва ёқилғи билан бир қаторда пахтачилик бўлимига ҳам маблағ ажратиш зарур" деб топди[2].

[1] Архив аппарата Президента Республики Узбекистан, ф.60, оп.1, д.1667, л.58.

[2] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.145, оп.1, д.14, л.3.

19 октябрда Туркомиссия пахтачиликни тиклаш тўғрисидаги масалани Туркбюро аъзолари иштирокида муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда пахтачилик "Туркистонда ишлаб чиқаришнинг энг кескин ва зарбдор соҳасидир, барча ҳокимият органларининг диққати унга жалб қилинсин ва бундай экинни етиштиришга жиддий аътибор берилсин" деб кўрсатилди[1].

1920 йилнинг бошларида Россиянинг тўқимачилик саноати пахта хом ашёсига жуда муҳтож эди. Туркистонда етиштириладиган пахта миқдори мамлакат тўқимачилик саноати эҳтиёжларини қондира олмас, ажнабий давлатлардан келтириладиган пахта эса жуда катта маблағларни талаб этарди. Империалистик уруш билан фуқаролар уруши йилларида пахта экиладиган майдонлар кескин камайиб кетди. Туркистонда 1916 йили 533,8 минг десятинага етиб қолган пахтазорлар қисқариб, 1920 йилда 87,7 минг десятинага тушиб қолди. Пахта ҳосилдорлиги 1919 йилда 1915 йилдагига нисбатан деярли турт баравар камайди. Шу йиллар мобайнида пахтачилик ялпи маҳсулотининг камайиши ҳалдан ташқари катта рақамларга етди[2].

РСФСРнинг иқтисодий органлари пахтачиликнинг инқирозга юз тутганини ва соҳа маҳсулотининг тўқимачилик саноати учун зарурлигини ҳисобга олиб, пахтачиликни рағбатлантиришга оид чора-тадбирларни ва пахтакор хўжаликларда меҳнат унумдорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқа бошлади. Бу чора-тадбирлар РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 2 ва 27 ноябрда Туркистон ва Озарбайжон-Совет Социалистик Республикаларида пахтачиликни тиклаш тўғрисидаги иккита қарорида ўз ифодасини топди. Мана шу қарорларда қуйидагилар кўзда тутилган эди:

1. Ер ва сувдан фойдаланишда пахта етиштирувчи жамоа хўжа-

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.122, оп.1, д.33, лл.8-9.
[2] Ўша ерда, д.24, лл.1-2.

ликларига ҳам, якка ҳужаликларга ҳам имтиёзлар бериш;

2. Пахтачилик туманларидаги барча колхозлар ва совхозларда пахтани устун қўйиб, алмашлаб экишни албатта жорий қилиш;

3. Аввалдан бор далалар ва селекция станцияларини тиклаш ва янгиларини ташкил этиш;

4. Пахтакорларни улуғлик билан уз вақтида таъминлаш;

5. Ирригация иншоотларини тартибга келтиришга доир навбатдаги ишларни 1921 йил баҳорига келиб тугатиш;

6. Пахтакор ҳужаликларни биринчи галда қишлоқ ҳужалик асбоб-ускуналари ва уғитлар билан албатта таъминлаш;

7. Пахтакорларни зарур буюмлар билан таъминлаш режаларини, шунингдек рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш ва тегишли товар фонди ажратиш;

8. Топширилган пахта хом ашёси учун маҳсулот алмашиниш тартибида тузилган шартномалар асосида аҳолини озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлашни ташкил этиш;

9. Пахтачилик буйича мутахассисларни, улар қандай муассасаларда ва идораларда булишидан қатъи назар, пахта хужалигини тиклашга сафарбар этиш[1].

Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг 1921 йил 29 апрелдаги қарорида қишлоқ хўжалигини тиклаш учун суғоришнинг аҳамияти таъкидлаб утилди ва Туркистон, Қирғизистон республикаси, Шимолий Кавказ ва Ўрта ҳамда Қуйи Волга районларидаги ирригация иншоотлари, суғориш тизимларини ва суғориладиган ерларни дарҳол тула тартибга келтириш таклиф этилди[2].

---

[1] Материалы по районированию Туркестана. Вып.П., Ташкент, 1924, 148-бет.

[2] В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1982, 550-553-бетлар.

РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси 1922 йил 20 январда Туркистондаги ирригация аҳволини таҳлил қилиб, бу мақсадлар учун ажратиладиган 2 млн. 100 минг сум пулни кифоя қилмайди деб топди ва ирригация учун яна маблағлар ажратишни зарур деб эътироф қилди. Туркбюро маҳаллий партия-совет органларидан ирригация ходимларини биринчи навбатда таъминлаб туришни талаб қилди.

1923 йили совет ҳукумати ирригация тизимларини тиклаш учун 6 млн. сум ажратди[1]. Ирригацияни тиклаш учун умуман 1921-1923 йиллар мобайнида Туркистон олтин пул ҳисобида 9 млн.сумга яқин маблағ олди.

Пахтачиликка доир зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети қошида алоҳида комиссарлик ҳуқуқларига эга бўлган Туркистон пахта комитети таъсис этилди. Республикадаги пахта экиладиган ерларнинг ҳаммаси, совхозлар, уруғлик чигит етиштирувчи пахтазорлар, тажриба далалари, селекция станциялари, сунъий суғориш иншоотлари, пахта тозалаш ва бошқа заводлар (мой заводлари, мой-совунгарлик заводлари, механик устахоналар ва бошқалар) ва буларга қарашли ҳамма машиналар, асбоб-ускуна, от-улов ҳамда чорва, эҳтиёт материаллар ва товарлар, шунингдек уларга хизмат кўрсатувчи муассасалар Туркистон пахта комитети ихтиёрига ўтказилди.

Давлат оборот маблағларига бунак қўринишида Туркистон пахта комитетига катта маблағлар ажратди. Чунончи, 1921 йили республика пахтакорларига олдиндан тўлаш учун 2888000 сум ажратилди[1]. 1921 йил апрель ойида пахта экиш кампанияси вақтида ҳукумат қоғоз пул ҳисобида 6712 млн. сум ажратди. Шу билан бир вақтда Тур-

[1] ЎзР МФА, 215-фонд, 2-руйхат, 696-иш, 16-17- варақлар.
[2] ЎзР МФА, 17-фонд, 1-руйхат, 521- иш, 41- варақ.

кистонга Москвадан 4500000 армин газмол, 6000000 га яқин ралтак ип, 4000000 қути гугурт ва 6 вагон идиш-товоқ, лампа ва бошқалар юборилди[I].

Ҳукуматнинг янги иқтисодий ва миллий сиёсати соҳасида курган тадбирлари туафйли республикамиз пахтакорлари пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришда 1923 йилдаёқ катта муваффақиятларга эришдилар. Туркистон республикаси ҳудудида 1923 йили 147022 десятина, яъни 1922 йилдагига қараганда 95594 десятига (ёки 186 фоиз) куп ер пахта билан банд булди. 1923 йилда Туркистон республикасида етиштирилган пахта хом ашёсидан 1920 минг пуд пахта толаси олиндики, бу 1922 йилдагидан 1417 минг пуд ёки деярли уч баравар куп эди.

Бухоро ва Хоразм коммунистик партияларининг мустақил республика компартияси сифатида РКП(б) таркибига кириши муносабати билан Туркбюро 1922 йил 1 февралда қайта ташкил этилиб, РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига (Средазбюрога) айлантирилди. Ўрта Осиё бюроси тузилиб, унинг ҳар томонлама фаол иш олиб бора бошлаши натижасида Туркомиссия булишига ҳожат қолмади ва бу комиссия 1923 йил мартда уз фаолиятига барҳам берди. Ўрта Осиё бюросининг Туркистондаги асосий вазифаси улкани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириб, халқ хўжалигининг бир томонлама хом ашё тузилмасини шакллантиришдан иборат эди. Марказ ва унинг ваколатли органи булмиш Ўрта Осиё бюросининг иқтисодий сиёсати ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилди.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1923 йил январида Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий имкониятларини бирлаштириш ва булар иқтисодий фаолиятини уйғунлаштириш хусусида таклифлар ишлаб чиқди. Ана шу таклифлар асосида 1923 йилнинг

[I] ЎзР МҲА, 44– фонд, 1–руйхат, 6– иш, 124–133–варақлар.

мартида ТАССР, БСХР ва ХСХРнинг иқтисодий конференцияси иш бошлади. Бу конференция учала республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу республикалар уша пайтдан бошлаб ўзларининг иқтисодий фаолиятини иқтисодий сиёсат ва хўжалик режаларининг бирлиги асосида мувофиқлаштириб бориши керак эди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ҳукуматлари томонидан сайланадиган ваколатли вакилларнинг вақт-вақтида чақириб туриладиган конференцияси олий раҳбар орган бўлиб қолди. Сессиялар ўртасидаги даврларда иш олиб борувчи ижрочи орган 20 кишидан иборат конференция риёсати бўлди; бу риёсатга РСФСРдан битта, Туркистондан - 4 та, Бухородан - 3 та, Хоразмдан - 2 та вакил сайланди. Иқтисодий масалаларни ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилди[1]. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг иқтисодий ва маданий қурилишини ташкил этишга доир ишни авж олдириб юборди. Кенгаш РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг бевосита раҳбарлиги остида ишлар эди. 1923 йилнинг ўрталарига келиб ягона солиқлар белгиланди, Бухоро ва Хоразмда пул муомаласи бир таҳлилга келтирилди. Ирригация иншоотлари ва суғориш тизимларини марказдан туриб бошқариш ташкилоти - Ўрта Осиё сув хўжалиги бошқармасининг тузилиши учала республика пахтачиликни янада ривожлантиришга муҳим таъсир кўрсатди.

Марказнинг Туркистонда ер ислоҳотини ўтказиш тўғрисидаги қарори миллий зиёлилар вакиллари сиёсий фаолияти кучайиши ва Мусбюро етакчиларининг республиканинг мустақил ҳамда маҳаллий ва европалик аҳолининг тенг ҳуқуқли бўлишини талаб қилиб чиқишининг оқибати бўлди. Бу ислоҳот кучиб келган рус қулоқларига ҳам

[1] Известия Туркестана, 1921 йил, 7- апрель.

қарши қаратилган булиб, мустамлакачилик қолдиқларини тугатишни кузда тутар эди.

Маълумки, подшо ҳукуматининг Туркистондаги аграр сиёсати Россия Туркистонни босиб олган кундан бошлаб ярим кучманчи ва кучманчи аҳолининг ерларига (Еттисув, Сирдарё ва қисман Фарғона ҳамда Каспийорти вилоятларига) жойлаштирилган русларнинг мустамлакачилик эксплуатацияси қилишлари учун мустаҳкам замин тайёрлаб берган эди. Подшо ҳукумати туб аҳоли ерларини босиб олиб эксплуататор рус қулоқларига ҳомийлик қилар, уларнинг бойишига ёрдам берар эди. Ана шундай сиёсат натижасида ярим кучманчи аҳоли ҳам, кучманчи аҳоли ҳам эзилар ва ерга урнашиб олиш имкониятидан маҳрум булибгина қолмай, балки қандай булмасин, бирор деҳқончилик ва чорвачилик хужалигини юритишнинг ҳам иложини қила олмас эди.

1916 йил қузғолонидан кейин подшо ҳукумати томонидан бошланган жазо экспедициялари шу аҳоли хужаликларини батамом хонавайрон қилиб, уларни уз мол-мулки, ер-суви ва чорвасини ташлаб, тоғли районларга яширинишга, баъзиларини эса Туркистон заминидан бутунлай кетишга мажбур этди.

1917 йил октябрда булиб утган тунтариш, умумен, Туркистонда қарор топган муносабатлар, жумладан, ер муносабатларининг табиатини ҳам узгартирди.

Қизил Армиянинг Туркистон қамалини ёриб утиши ва Совет Россияси билан қушилиши туб аҳолининг миллий уз-узини белгилашига биринчи бор туртки берди. Бироқ меҳнаткаш деҳқонлар узларининг синфий вазифаларини бирдан амалга ошира олмас эдилар, чунки совет ҳокимияти органларига мустамлакачи шовинист унсурлар суқулиб кириб олган эди.

Қишлоқ хужалигида вайронагарчиликнинг усиб бораётгани ва

оғир моддий аҳвол маҳаллий камбағалларнинг сабр косасини тўлдирди ва уларда совет ҳокимиятига қарши норозилик уйғотди. Бу норозилик ўлкадаги миллатлараро муносабатларнинг мушкуллашуви билан ифодаланди. Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг Туркистон Компартиясининг УІ съездига (І92І йил) мулжалланган "Ер сиёсатига доир" тезисларида курсатиб утилганидек, "Маҳаллий аҳоли билан кучиб келган аҳоли уртасидаги ер муносабатлари заминидаги иқтисодий зиддиятлар миллий низога сабаб булди"[I].

РКП(б) Марказий Комитетининг "І920 йил 29 июнда чиқарган "РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида"ги қарорида аграр муносабатлар соҳасидаги мустамлакачилик зулми қолдиқларини йўқотиш зарурлиги курсатиб утилган эди.

Ер ислоҳотини утказиш тўғрисидаги қарорлар І920 йил сентябрда булиб утган Туркистон Компартиясининг У съезди ва Туркистон АССР Советларининг ІХ съездида қабул қилинди.

Туркистон АССР Советларининг ІХ съезди ер масаласи хусусидаги уз резолюциясида мана бундай деб курсатди:

"... І2. Босқинчилик тенденцияларига барҳам бериш мақсадларида ... рус аҳолиси ер ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқларида туб аҳоли билан тенглаштирилиши керак.

І3. Кучиб келганларга меҳнат нормаси буйича бериладиган ерлардан ташқари ортиқча ерларнинг ҳаммаси тортиб олинади ва биринчи галда туб аҳоли учун ер тузиш ишларига берилади.

І4. Қузғолон учун подшо ҳукуматининг таъқибига учраган туб аҳоли узининг аввалги яшаш жойига қайтиб келади ва І9І6-І9І8 йиллардаги ҳодисалар вақтида кучиб келган руслар томонидан узбошимчалик билан эгаллаб олинган жойлар ва меҳнат нормасидан

[I] Постановления I экономической конференции среднеазиатских республик - Туркестана, Бухары и Хорезма, Ташкент, І923, І0- бет.

ортиқча деб кучиб келганлардан олиниши керак булган жойлар ҳисобидан чек ер билан таъминланади"[1].

Ер ислоҳотини жойларда амалга ошириш учун ер тузиш уезд комиссиялари ташкил этилди. Еттисув вилоятининг Пржевальск, Пишпек, Олмота уездлари, Сирдарё вилоятининг Авлиё ота, Чимкент уездлари ва Тошкент уездининг бир қисми, Фарғона вилоятининг Андижон уезди ва Ўш уездининг бир қисми ер тузиш буйича зарбдор районлар булиб ҳисобланди.

Ер ислоҳотини утказишга доир раҳбар курсатмаларга мувофиқ кучманчи аҳоли ҳудудидаги барча ер участкалари, узбошимчалик билан тортиб олинган ерлар ҳам, қузғолон учун жазо чораси тариқасида подшо ҳукумати томонидан мусодара қилинган ерлар ҳам совет ташкилотларининг мандатлари буйича бушатилиб, уларга утроқ ҳолга утган кучманчилар, шунингдек кучиб келганларнинг ҳужаликларида ишлаган батраклар жойлаштирилди. Бу жойлардаги меҳнаткаш деҳқон ҳужаликлари миллий принцип буйича жойлаштирилиши керак эди. Оврупаликлар қадимдан яшаб келган жойларига 1917 йилдан илгари бунёд этилган посёлкаларга, туб аҳоли эса меҳнат қилмайдиган бой ва қулоқларнинг олиб қуйилиши керак булган жойларга яқин атрофдаги қишлоқларга жойлаштирилди. Оврупаликлар қадимдан истиқомат қилган ва кучиб келган посёлкалар, тугатилиши керак булмаган қишлоқ ва овулларда белгиланган меҳнат нормаларидан ортиқча ерлар олиб қуйилди. Ўзлари меҳнат қилмайдиган бой ва қулоқ ҳужаликлари тугатилиши[2] ва улар ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши керак эди.

Ўзбошимчалик билан босиб олинган ерлар ва участкалардан кучириб чиқарилиши керак булган ҳужаликлар ўзлари билан тасдиқлан-

---

[1] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съезда и конференций. Ташкент., 1988, 148- бет.

[2] Съезд Советов в документах 1917-1936 гг., Т.I., М., 1959, 435- бет.

ган меҳнат нормаси меъёрида от-улов ва асбоб-ускуналар олиб кетишга ҳақли эдилар. Чорва ва асбоб-анжомларнинг барча ортиқча қисми Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан белгиланган қатъий баҳолар билан албатта сотиб олинар ва жойлаштирилаётган хужаликлар аҳолисининг фондига утар, ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиладиган қулоқлар ва меҳнатсиз кун кечирадиган хужаликларнинг бутун қишлоқ хужалик ускуналари эса мусодара қилинар эди.

РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси аъзолари ислоҳот утказилаётган вилоятлар уездларига бориб, ислоҳатнинг қай тарика утаётгани билан танишдилар, партия, совет ташкилотларига ёрдам бериб турдилар. Туркбюро қарорига мувофиқ 1921 йилнинг май ойида Я.Э.Рудзутак Еттисувга борди. У вилоятнинг кўпгина овул ва уездларида булиб ер ислоҳотининг қандай утаётгани билан танишди, маҳаллий партия-совет органларига амалий ёрдам курсатди.

Янги иқтисодий сиёсатга утилиши муносабати билан душман унсурлар ер-сув ислоҳотини барбод қилишга уриндилар. РКП(б) Марказий Комитети янги иқтисодий сиёсат баҳонаси билан ер ислоҳотини бекор қилишга булаётган уринишлардан хабар топиб, буларга зарба берди. РКП(б) Марказий Комитетининг 1922 йил 12 декабрда Туркистон Коммунистик партияси номига юборган йул-йурик хатида мана бундай деб курсатилган эди: "Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни утказиш совет ҳокимиятининг ер хусусидаги сиёсатини қайта куриб чиқишга, масалан, қирғиз халқига ундан тортиб олинган ерларни қайтариб берган Еттисув ер ислоҳотини қайта куриб чиқишга олиб келиши керак деб ҳисоблайдиган уртоқларнинг хулосалари жуда хато ва мутлақо саёздир"[1].

Утказилган катта ташкилотчилик ва тушунтириш ишлари туфайли

[1] Бывший ЦПА ИМЛ, ф.17, оп. 13, д.1151, л.74.

республика ҳукумати ва меҳнаткаш оммaнинг фаол иштироки билан Туркистонда ер-сув ислоҳоти 1922 йилнинг ёзида муваффақият билан тугалланди. Икки йил давомида амалга оширилган ер-сув ислоҳоти узбек қишлоғи билан қозоқ, қирғиз овулларининг ижтимоий-иқтисодий турмушида катта узгаришларга олиб келди. Ер тузиш ишларининг натижалари роят улкан булди. Утроқ ҳолда кечирувчи - узбеклар, туркманлар, утроқ яшашга утаётган қирғизлар, кам ерли қирғиз жамоалари, давлат муассасалари, колхозлар ва бошқаларга 659780 десятина ер берилди. Давлат план комиссияси, Туркистон иқтисодий кенгаши маълумотларига қараганда ҳаммаси булиб 15799 хужаликда ер тузиш ишлари утказилди[1].

Асосий ислоҳот райони Еттисув булди. Шу билан бирга Туркистоннинг узбеклар истиқомат қиладиган районларида ҳам бой-қулоқ хужаликларини тугатиш ва ерсиз ҳамда кам ерли деҳқонларга ер чеклари ва асбоб-анжомлар бериш юзасидан каттагина ишлар олиб борилди.

Туркистон иқтисодий кенгаши маълумотларига қараганда, 1921 йил октябрга келиб Фарғона вилоятида 2345 та ерсиз ва кам ерли хужаликларда ер тузиш чоралари курилиб, уларга 4302 десятина ер берилди, жамоа хужаликларига 8809 десятина, утроқ ясашга утаётган кучманчи аҳолига 2246 десятина, тугатилган посёлкалардан кучиб келувчи рус аҳолисига 4955 десятина ер ажратилди. Бундан ташқари 1101 десятина ер турли муассасаларга берилди. Ер фондига утган майдондан ҳаммаси булиб 23906 десятина ер тақсимланди[2]. 1922 йилда ер ислоҳоти давом эттирилди ва 1 январдан 1 августгача булган даврда ерсиз хужаликларга 1931 десятина, "Кушчи" уюшмасига 1540 десятина, бошқа муассасалар, артеллар ва

[1] "Известия ТуркЦИКа", 1922 йил, 7 февраль.

[2] Социалистическое перестройство сельского хозяйства в Узбекистане, 216- бет.

меҳнаткаш кишиларга 820 десятина ер берилди. Ҳаммаси бўлиб 4291 десятина ер тақсимланди[1].

Ер-сув ислоҳоти, қулоқ хўжаликларини тугатиш ва камбағалларга ер, қишлоқ хўжалик анжомларини бериш юзасидан Сирдарё вилоятининг Тошкент, Мирзачўл уездларида катта ишлар олиб борилди. 1921 йил 14 апрелгача бўлган маълумотларга қараганда, Тошкент уездида 957 десятина майдонга эгалик қилувчи Никольское, Алексеевское хўжалиги ва 100 десятина ерга эгалик қилувчи Ободбой Бадчоев хўжалиги тугатилди. Тугатилган хўжаликларга қарашли ерлардан Қорабоев қишлоғи аҳолисига 648 десятина, "Қушчи" уюшмасига 100 десятина, ерсиз қирғизларга 120 десятина ер берилди. Мирзачўл уездида 1921 йилнинг 15 майигача 15555 кўчманчи оилалар 12 минг десятина келадиган мадонда утроқ ҳолатга утказилди. Мулла Чартоқ, Оқтепа ва Кукчиғаноқ овулларининг хўжаликларига 1050 минг десятина ер ажратилди.

Ер-сув ислоҳоти рус қишлоқларидаги қулоқларга жиддий зарба берди. Энг ашаддий қулоқлар сургун қилинди ва уларнинг ер-сувлари мусодара этилди. Ярим меҳнат билан шуғулланувчи қулоқ хўжаликларида белгиланган меҳнат нормасидан ортиқча бўлган ерлар ва қишлоқ хўжалик анжомлари олиб қўйилди.

Ислоҳотдан маҳаллий деҳқонлар ҳаммадан кўп фойда кўрди. Камбағаллар ва батраклар 50 минг десятинадан ортиқроқ ҳайдаладиган ерга эга бўлди. Уларга уруғлик ва асбоб-анжомлар билан биргаликда давлат томонидан ёрдам ҳам кўрсатилди.

Шундай қилиб партия Марказий Комитети ва РСФСР совет ҳукумати ваколатли органларининг Туркистондаги фаолияти тажрибаси миллий сиёсатни амалга ошириш борасида уларнинг ишида ҳам ижобий, ҳам салбий томонлар бўлганлигидан дарак беради.

[1] Отчет о деятельности Туркестанского экономического Совета за февраль-октябрь месяць 1921 г. Ташкент, 1922, 164-165-бетлар.

Миллий сиёсатни амалга оширишда ваколатли органлар Туркистон халқлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг турмуши ва психологиясини етарлича ҳисобга олмадилар. Улар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий фаолиятида марказнинг манфаатлари, эҳтиёжларини ҳимоя қилиб, ўлка манфаатларини инкор этдилар.

Туркомиссия мустамлакачилик сарқитларга қарши кураш олиб бормади. Республикадаги барча оддий ва кўпчилик марказий партия ва совет органларининг раҳбарлари европаликлардан иборат бўлиб қолаверди. Шу билан бирга Туркомиссия Туркистондаги кўпчилик коммунистларнинг хоҳиш иродаси билан тузилган ягона миллий сиёсий ташкилот – Мусбюрони зудлик билан тугатди. Ана шу қабиҳ қарор ўлкада миллий масалани ҳал қилиш ва туб миллат вакилларини давлат бошқарувига жалб этишда салбий роль ўйнади.

Туркомиссиянинг зуравонлик тартиботига асосланган иши, унинг Туркистон АССР суверенитетини чеклаб қўйишга қаратилган, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети билан келишмасдан туриб қилган ҳатти-ҳаракатлари Ўлкадаги миллий сиёсий кучларнинг Туркомиссияга қарши Туркистон республикасининг мустақиллиги учун курашини кучайтирди. Т.Рисқулов ва унинг тарафдорлари Туркомиссияни тугатишни, Туркистон Компартиясини қайта ташкил этиб, туркий халқлар Компартиясига, Туркистон республикасини туркий халқлар республикасига айлантириш ва мустақил мусулмон армиясини тузишни талаб қилдилар. Туркистон турк халқлари вакилларининг ана шу адолатли талаблари Москвада асоссиз равишда ва адолатсизлик билан рад этилди.

Сиёсий чоралар республика ҳақ-ҳуқуқлари доирасини торайтиришга қаратилган бўлса, иқтисодий сиёсат иқтисодий мустақилликни

чеклаб қуйган эди. РСФСР, кейинчалик эса иттифоқ Халқ Комиссарлари Совети Туркистон халқ хужалигини тиклаш жараёнида асосий диққатни пахтачиликни ва унга алоқадор соҳаларни(сув хужалиги, пахта тозалаш саноати) ривожлантиришга қаратди.

Иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланиши ва хом ашё етиштиришга қаратилганлиги натижасида Туркистон ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида кейинчалик жиддий муаммолар, биринчи галда озиқ-овқат муаммоси юзага келиб қолди.

Шу билан бирга партия марказий комитети ва совет ҳукумати ваколатли органларининг Туркистондаги фаолиятида табиатан ижобий омиллар ҳам бўлди. РКП(б) Марказий Комитети Туркбюросининг ҳамкорлиги билан Туркистон АССРда ер-сув ислоҳоти ўтказилди, бу ислоҳот ўлкадаги улуғ рус шовинистларининг таянчи бўлмиш рус кулоқларининг куч-қувватини қақшатди. Ваколатли органлар раҳбарлиги остида Туркистонда янги иқтисодий сиёсат амалга оширилди, ирригация ва пахтачилик тикланиб, ривожлантирилди, Ўлкани иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш дастурини таъминлашда Туркомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси муайян ролни ўйнади.

II БОБ. МИЛЛИЙ-КОНФЕССИОНАЛ МУАММОГА ОИД СИЁСАТНИ БОЛЬШЕВИСТИК ЕЧИМ УСЛУБЛАРИНИНГ НОСИЁСИЙЛИГИ.

2.I. Вақф масаласи Туркистонда вужудга келган иқтисодий-сиёсий инқирознинг манбаларидан бири сифатида.

Тоталитар тартибот ҳамда коммунистик мафкура емирилиб, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган шароитда жамият ҳаётида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Ана шу воқеалар давлатлар ҳамда диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда каттагина ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди.

Ҳозирги шароитда барча ижтимоий кучлар, жумладан диний ташкилотлар, диндорларни Ўзбекистон республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашда жипслаштириш биринчи ўринда туради.

Республика Олий Совети томонидан I99Ў йил I4 июнда қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги таъкидлаб ўтилади.

Сунгги йилларда республикада диний ташкилотлар ва диндорларнинг ҳаёти ва фаолиятида каттагина ўзгаришлар рўй берди. Диний ташкилотлар ҳозир чинакам озодлик шароитида ишламоқдалар, тоат-ибодат, диний маросимлар ва одатлар бемалол ўтказилмоқда, диндорлар ўз фикрлари, нуқтаи-назарлари, эътиқодларини эркинлик билан ифода қиладилар, диний адабиётни нашр этиш кенгайиб, масжидлар ва табиатан динга алоқадор бошқа иморатлар диндорларга қайтариб берилмоқда, дин пешволари барча фуқаролар билан биргаликда жамоат ҳаётида фаол қатнашмоқдалар, диний ташкилотлар ҳайр-эҳсон қилиш ва меҳр-шафқат кўрсатиш ишларини олиб бормоқдалар. Хуллас, диний ташкилотлар ва диндорлар жамият

турмушининг барча соҳаларида, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш ва меҳнаткашларни маънавий жиҳатдан тарбиялашдек мураккаб ва масъулиятли ишда фаол иштирок этмоқдалар.

Давлат билан диний ташкилотлар сингари ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатлар, жаҳон тажрибасидан маълум бўлганидек, ҳамиша ҳам силлиқлик билан таркиб топаверган эмас. Совет ҳокимиятининг динга қарши олиб борган сиёсати бу муносабатларни кескинлаштириб қўйди. Республикамизда атеистик ишни олиб боришда яқин ўтмишда ҳам жиддий хатоликларга йўл қўйилди.

Жумладан тарбиявий ишда маъмурий-буйруқбозлик усул-амалларининг устун туриши, ёппасига атеистлаштириш кутилган натижаларни бериш у ёқда турсин, балки диндорларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлади ва шу билан виждон эркинлиги тўғрисидаги қонуннинг бузилишига олиб келди. Совет ҳокимияти йилларида республикада маъмурий чоралар билан динни тезгина йўқ қилишга ҳаракат қилиб келинди. Таъқиқловчи бу чоралар билан дин ва конфессионал тузилмалар йўқ бўлиб кетгани йўқ, лекин назоратдан қочиб пинҳоний бўлиб олди. Динга нисбатан сиёсий уруш очишга уринишлар динга қизиқиш кучайишига олиб келишини тарих тажрибаси курсатиб турибди.

1917 йил октябрь тунтаришига қадар Туркистон мусулмон руҳонийлари меҳнаткаш оммага кучли таъсир курсатар эди. Диннинг моддий-молиявий, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам базага эгалиги шунинг сабабларидан бири бўлди. Дин ихтиёрида жуда кўп миқдорда вақф мулки – ер сув, савдо-саноат мулклари ва бошқа мулклар бор эди. Мусулмон руҳонийлари энг йирик феодал деҳқонлардан бири эди. Бундан ташқари, мусулмон руҳонийлари бошқа диндаги руҳонийлар, жумладан христиан руҳонийларидан фарқ қилиб, диний маросимлар ташкилотчилари бўлибгина қолмасдан, балки суд, маориф ишларини ҳам олиб борар, яъни давлат вазифаларини ҳам бажарар эди. Мана

шуларнинг ҳаммаси руҳонийларнинг меҳнаткаш аҳолига ғоявий таъсирини кучайтириб борди.

Мусулмон руҳонийлари энг бошиданоқ йирик ер эгалари бўлишган. Қадим замонларда ҳам халифалар ва йирик феодаллар вақф ер ва бошқа мол-мулкларини диний муассасалар тасарруфига беришган. XII асрда яшаб ўтган марғилонлик фиқҳ олими Бурхониддин Али ўзининг кўп жилдлик "Ҳидоя" номли китобида мана бундай деб ёзади: "Ерни вақфга бериш қонунийдир, чунки пайғамбарнинг саҳобаларидан баъзилари ўз ерларини вақфга беришган"[1].

Бурҳониддин Али вақфнинг моҳиятини қуйидагича таърифлайди: "Вақфга берилган мулк унинг эгаси томонидан қайтариб олиниши мумкин эмас, шунингдек туҳфа қилиб берилиши ёки сотилиши-сотиб олиниши, васият қилиб берилиши ҳам мумкин эмас"[2]. Вақф хусусидаги бу қоида Ўрта Осиёда вақф бўлган замондан бери ўзгармай қолиб келди.

Вақф қилиб қўчар ва қўчмас мулклар ер майдонлари, тегирмонлар, обжувозлар, ҳаммомлар, бозор майдонлари, каппонлар, карвонсаройлар, дуконлар, омборлар, турар жойлар ва бошқалар васият қилинган.

Вақф ерлари, бошқа мулклар ва улардан келадиган даромадлар турли диний, маданий-маърифий ташкилотлар таъминоти, ҳар хил жамоат ишларини бажариш учун мўлжалланган. Вақф ерлари 30 дан ортиқроқ турларга бўлинган. Диний вақфларнинг энг кўп расм бўлган турлари масжид ерлари (улардан тушган даромад масжиднинг имом-суфилари ва хизматчиларининг таъминоти учун, полослар ва бошқа ашёлар сотиб олиш, диний маросимларни ўтказиш учун сарфланган), хонақо ерлари, чиллахона ерлари, мозорларга тегишли

[1] ЎзР МҚА, 29- фонд, 3-рўйхат, 2421- иш, 414- варақ.

[2] Бурханитдин Али, "Хидоя". Комментарии мусулманского права. Пер. с В 4-х томах. Т.II.Ташкент, 1983, 145-бет.

ерлар эди. Мадрасалар, мактаблар, қорихоналар, касалхоналар, ногиронлар уйлари, кутубхоналар, сайёҳлар қароргоҳлари, етимхоналар таъминоти учун, ҳаттотлар ва шоирларнинг меҳнатига ҳақ тулаш учун, йуллар, куприклар, ҳовуз ва булоқларни таъмирлаш, янги ерлар очиш учун, ариқлар қазиш, эпидемияларга, усимлик зараркунандаларига қарши кураш, тутзорлар барпо этиш учун ҳам вақфлар васият қилиб қолдирилар эди ва ҳоказо. Авлодлардан-авлодларга утиб келган авлод вақфлари булганки, улардан тушадиган даромадлар битта хонадон ёки авлодга тегишли булган. Тунтаришдан олдин барча турдаги вақфларни мусулмон руҳонийлари бошқарган.

Октябрь тунтаришидан кейин диний ташкилотларнинг вақф мулкидан фойдаланиши тартибини белгилаш мураккаб ва қийин масала булди.

Ўлкада совет ҳокимияти урнатилгандан кейин вақф масаласи Туркистон республикасининг Миллий ишлар буйича Халқ комиссарлиги томонидан 1918 йилнинг урталарида биринчи марта батафсил ва асосли равишда уртага қуйилган эди. Миллий ишлар буйича Халқ комиссарлигининг Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советига берган маълумотномасида миллий масалани ҳал қилиш соҳасидаги вазифалар баён этилар экан, вақф масаласини ҳал қилиш йуллари қайд қилиб утилди. Туркистон улкаси мусулмонларининг ҳаёти, - деб ҳақли суратда таъкидлади Миллий ишлар буйича Халқ комиссарлиги, - "ҳамон ислом, шариат ва одатга асосланади ва маиший тартибларнинг ниҳоятда узига хослиги билан ажралиб туради. Мана шу маҳаллий шароитлар, хусусиятларнинг ҳаммаси билан ҳисоблашмоқ керак. Аҳоли совет ҳокимиятига ҳар қанча ҳайрихоҳ булган билан, ерни жамоатлаштириш унинг манфаатларига ҳар қанча мос келгани билан, масалан, йирик ер эгалари ерларини жамоатлаштиришнинг ҳозир

татбиқ этилаётган усуллари вақф ерларига ҳам кучириладиган бўлса, аҳоли ҳайрихоҳлигининг йўқолиб кетиш эҳтимоли у ёқда турсин, балки кучли қарама-қаршиликка бориб етадиган жиддий норозилик туғилиши ҳавфи ҳам вужудга келиши мумкин"[1]. Равшанки, ана шундай шароитларда диний ташкилотлар вақф мулкларини умумий тартибда дарҳол мусодара қилишга уриниш совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам бера олмас эди. Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йилларнинг объектив шарт-шароитлари вақфларнинг даҳлсизлигини қонунлаштириш ва диний ташкилотларни сақлаб қолишни талаб этди.

Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга эришиш учун мусулмонларнинг вақфлар хусусидаги қадимдан қарор топиб келган одатларини сақлаб қолиш таъсирчан восита эди. Шароитга кўра вақф мулкидан тушадиган даромадлар вақфномада белгилаб қўйилган тартибга мувофиқ ишлатилган. Мана шу ҳужжатда вақфга берилган мулк ва ундан тушадиган даромаддан фойдаланиш тартиби кўрсатилган. Масалан, Тошкент шаҳри Шайҳонтоҳур даҳасининг Киот маҳалласидаги масжид вақфномасида вақф муассиси бўлмиш Муҳаммад Солиҳбой Каврузҳолиқовнинг Киот маҳалласида масжид қуриб, 8 та дуконни шу масжид фойдасига бергани ва булардан тушадиган даромадни тақсимлаш тартиби кўрсатилади. Бу ҳужжатга мувофиқ бутун даромаднинг ундан бир қисми мутавалли фойдасига ва иморатларни таъмирлашга ажратилиши, қолгани тўққиз қисмга бўлиниб, унинг турт қисми масжид имомига, икки қисми масжид суфисига, бир қисми масжиддаги мактаб домласига ажратилиши ва қолган икки қисми масжиднинг полоси ва чироғи учун ишлатилиши лозим бўлган[2]. Шундай қилиб масжидлар, шунингдек мадраса-мактаблар ва бошқа

[1] Ўша жойда, 138- бет.

[2] ЎзР МФА, 36-фонд, 1- рўйхат, 21- иш, 32- варақ.

диний, маданий-маърифий муассасалар вақфлардан тушадиган маблағлар ҳисобига яшар эди. Вақфларни национализация қилиш масжидлар, мадрасалар, мактабларнинг бекилиб қолишига олиб келар ва бу нарса, табиийки, рухонийлар ўртасидагина эмас, балки масжидларнинг қавмлари, мадраса ва мактабларнинг талабалари, яъни аслида меҳнаткаш аҳоли ўртасида ҳам норозилик уйғотиши мумкин эди.

Объектив шарт-шароитлар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида умуман миллий масалани, хусусан вақф масаласини ҳал қилишга, эҳтиётлик билан ёндошишни талаб қилганига қарамай, вақфларга нисбатан қаттиқ синфий сиёсат юргизилди. ТАССР миллий ишлар бўйича Халқ комиссарлиги Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советига вақф масаласини ҳал қилишнинг мана бундай йўлини таклиф этди: "Аҳволдан чиқишнинг йўли миллий ишлар бўйича комиссарлик томонидан мавжуд вақфларни яқиндан кузатиб боришни тайинлашдан иборат бўлмоғи керак. Бунда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилиши лозим: вақф ишлари юзасидан доимо бўлиб турадиган кўпдан-кўп шикоят ва тушунмовчиликларни кўриб чиқиб ажрим қилиш ва шу муносабат билан вақфларни текшириш ҳамда суистеъмоллар ҳолларини белгилаш, ана шундан кейин вақфларни мусодара этиш зарурлигини манфаатдор бўлган аҳолига тушунтириш энди осонроқ булади. Шунда бундай вақфлар дарҳол тегишли комиссарликка утказилиши керак, мол-мулк мусодараси ана шу комиссарлик фармойишига мувофиқ утказилиши лозим, Ана шундай қилганда бу чора (яъни мусодара қилиш ҳеч қандай низо ва можароларсиз утади деб ишонса булади"[I]. Партиянинг ана шу сиёсий йўли комиссарлик томонидан ишлаб чиқилган қонун актларида уз ифодасини топди.

[I] ЎзР МФА, 34- фонд, I- рўйхат, I63- иш, 75- варақлар.

Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги "Туркистон автоном республикасидаги миллий ишлар буйича вилоят ва уезд комиссарлари тўғрисида муваққат низом" ишлаб чиқди. Бу низомнинг асл нусхасига Туркистон АССР Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарининг 1918 йил 24 июлдаги қуйидаги резолюцияси қуйилган: "Марказий Комитет томонидан тасдиқлангунча раҳбарлик ва ижрога қабул қилинсин"[1].

Бу муваққат низомда комиссарларнинг жойларда миллий масала, жумладан, вақф масаласини ҳал қилишдаги вазифалари ва мажбуриятлари белгилаб қуйилган эди. Унда мана бундай деб кўрсатилади: "... 10. Мусулмон уқув юртларига тегишли вақфлар, жумладан, бошқа ҳар қандай хусусида миллий ишлар буйича вилоят комиссари табиатан моддий булган турли даъволарга алоқадор ҳамма шикоятларни ҳал қилади. Миллий ишлар буйича республика комиссарлигига мурожаат этади.

11. Вақф бошқармаларининг барча шикоят ва даъволарини кўриб чиқишда миллий ишлар буйича вилоят комиссари вақфларни (айниқса йирик вақфларни) мусодара қилиш мақсадини кўзда тутади, шикоятлар пайдо булганида шуни назарга олиб, вақфни тегишли равишда текшириш тўғрисида фармойиш беради; миллий ишлар буйича вилоят комиссари вақфларни мусодара қилиш тўғрисидаги уз таклифларини республиканинг Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлигига тақдим этади"[2].

Муваққат низомнинг вақф мулкларини мусодара қилиш хусусида берган йул-йуриғи уша вақтлардаги шароитларга тўғри келмас ва шунинг учун ҳам хато ва нотўғри эди.

Туркистон АССР Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги тўғри-

---

[1] Уша жойда, 36- фонд, 1- рўйхат, 21-иш, 36- варақ;
[2] Уша жойда, 21- иш, 60- варақ.

сидаги низом I9I9 йил 8 февралда республика ҳукумати томонидан тасдиқланди ва "Наша газета" ҳамда "Иштирокчи" газеталарида босилиб чиқди. Миллий ишлар буйича комиссарлик тузилганидан кейин тез орада бу комиссарлик томонидан ишлаб чиқилган низом лойиҳасида учта булим, яъни статистика, ташвиқот-тарғибот ва маданий-маърифий булимларни очиш кузда тутилганлигини айтиб утиш керак. Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлигининг вақф масаласи соҳасидаги вазифалари тўғрисида низом лойиҳасида бирон та ҳам сўз йўқ эди.

Тасдиқланган низомда, унинг лойиҳасидагидан фарқ қилиб, гарчи жуда нотайин булса-да, лекин Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлигининг вазифалари жумласига бошқа ишлар билан бир қаторда республикадаги вақф мулкларини бошқариш" киради дейилган эди.

Низомда Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги қошида вақф булимини таъсис этиш кузда тутилган. Аммо бу низомда вақф мулкларини бошқариш масалалари аниқ-қилиб курсатиб берилмади. Шу сабабдан Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги ва унинг Вақф булимига вақфларни бошқариш ва уларга раҳбарлик қилиш қийин булди.

Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги тўғрисидаги низомнинг татбиқ этилиши унга аниқлик киритиш зарурлигини курсатиб берди. Шунга кура, I9I9 йил апрель ойида Туркистон АССР Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги тўғрисидаги низомни қайта куриб чиқиш буйича комиссия тузилди. Бу комиссия бошқа масалалар билан бир қаторда вақфлар тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиб чиқди (I9 апрель; 9,I0,I4 майдаги мажлисларида). Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги Вақф булимининг мудири А.Фрейнинг батафсил маърузаси тингланиб, шу булим томонидан ишлаб

чиқилган "Туркистон республикасидаги вақф мулкларини бошқариш ва идора этиш тартиби тўғрисида қоидалар" муҳокама қилинди. Лойиҳа тузишда А.Фрей вақфларнинг "турмушда расм бўлган барча қадимги хусусиятларини" сақлаб қолиш зарур деган тўғри фикрга амал қилди.

Бироқ, вақф масаласини муҳокама қилишда комиссия аъзолари нотўғри нуқтаи назарлардан туриб иш кўрдилар. Бу масала юзасидан сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш воситасига хусусий мулкчилик совет ҳокимияти қонунлари билан тугатилган, шунинг учун вақф ерлари ва бошқа мулклар мусодара қилиниши керак деб ҳисобладилар. Масалан, комиссиянинг 1919 йил 9 майдаги баён-номасида мана бундай деб кўрсатилди: "Алферов кўрсатилган мод-данинг матнида вақф мулкларини тугатиш тўғрисида ҳам айтиш жуда зарур, чунки вақф мулкларини йўқотиш тўғрисидаги масала, социал принципга мувофиқ, совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифасидир... деган фикрни билдирди. Ўртоқ Алферовнинг фикрини ўртоқ Сушинский қуллаб-қувватлайди"[1].

Комиссия аъзоси С.Велунц вақфларни бошқариш ва идора этиш масаласи юзасидан мана бундай деди: "Вақф масаласини, уни тар-тибга солиш маъносида айтганда, совет ҳокимияти дастурига мувофиқ амалга ошириб бориш керак, модомики, совет ҳокимияти аввалги усул-тартибларга қарши кураш олиб борар ва уларни тан олмас экан, тамомила табиийки, у ёки бу вақф мулкини бошқаришни фақат коллегия қулига топшириб қўйиш ва бу ишлардан мутаваллиларни озод этиш керак".

С.Велунц фикрига Алферов билан Соббарейлар қушилишди, шу билан бирга Соббарей мутаваллиларни обрусини йўқотиб қўйган кишилар деб таърифлади.

[1] ЎзР МФА, 34- фонд, I- рўйхат, 394- иш, 75- варақ.

Комиссиянинг 1919 йил 9 майдаги мажлиси баённомасида мана бундай дейилади: "Ўртоқ Собберей фақат сиёсий нуқтаи назарни кўзда тутиб, вақфларни даҳлсиз сақлаб қолиш керак, деган фикрни билдирди. Вақфларни даҳлсиз қолдириш хусусида ўртоқ Велунц олдин чиқиб сўзлаган нотиқларнинг мулоҳазаларига кўра, вақфларни даҳлсиз қолдириш масаласи тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмаслигини тушунтириб берди". Музокаралар тугаганидан кейин комиссия модданинг таҳririни унга қўшилган иловалар, ўзгартиришлар билан қабул қилди.

Комиссиянинг 1919 йил 14 майдаги мажлиси баённомасида мана бундай деб ёзилган: "Ўртоқ Караульников ижтимоийлаштириш, национализация, муниципализация қилиш ва бошқалар тўғрисида янги қонун бўлганида, ўз-ўзидан, равшанки, вақфлар шу қонунга бўйсуниши керак эди, демак, қонунни бошқа маънода талқин этиш совет ҳокимиятининг умумий дастурига зид келган бўлур эди, деган фикрни билдирди".

Комиссия аъзоси Норбутабеков мана бундай фикрни билдирди: "Вақф тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ерни ижтимоийлаштириш тўғрисидаги қонунни албатта назарда тутиш ва вақф мулкларини давлат мулки деб эълон қилиш ва бутун ер фондини деҳқончилик комиссарлигига бериш зарур"[1].

Юқорида келтириб ўтилган ҳужжатлардан кўриниб турибдики, Миллий ишлар Халқ Комиссарлигининг масъул ҳодимлари, бўлим бошлиқлари ва коллегия аъзолари вақф мол-мулкини мусодара қилиш зарур деб ҳисоблаганлар. Вақф масаласини ҳал қилишга бундай муносабат бўлишининг сабаби шунда эдики, Миллий ишлар бўйича Халқ Комиссарлигининг овруполик кўпгина ходимлари совет ҳокимиятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, миллий сиёсатини, миллий

[1] ЎзР МҲА, 34- фонд, 1- руйхат, 394- иш, 71- варақ.

масалани ҳал қилишда коммунистик партия ва совет ҳукуматининг тутган сиёсий йўлини яхши билар эдилар. Шу муносабат билан улар вақф масаласини ҳал қилишда, Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлигининг вақф хусусидаги сиёсатини белгилашда вақф мол-мулкларини мусодара қилиш йўлини тутдилар.

Туркистон республикаси Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлигининг янги низомини ишлаб чиқиш, шунингдек вақфлар тўғрисидаги низомни тайёрлаш чўзилиб кетганлигини айтиб утиш керак. Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги тўғрисидаги янги низом партия ва республика ҳукумати томонидан тасдиқланмади. Туркистон республикаси ҳукуматининг вақф хусусидаги сиёсатининг ишлаб чиқилмаганлиги ва аниқ эмаслиги вақф ишларини бошқариш органларининг ишини оғирлаштириб қўйди. Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлиги маҳаллий органларининг иш тажрибаси ва республикадаги вақф мулкларининг аҳволи бу масалани тезлик билан ҳал этишни талаб қилар эди, чунки вақфларни бошқаришга доир аниқ йўл-йўриқлар бўлмаганлигидан, Миллий ишлар Халқ Комиссарлигининг маҳаллий органлари вақф масаласини ҳал қилишда совет ҳокимиятининг ер ва бошқалар тўғрисидаги декретларига амал қилар эдилар. Масалан, Андижон уезди ижроия комитетининг I9I8 йил 29 ноябрдаги қарорига мувофиқ уездаги вақф мол-мулклари мусодара қилинди, бир қисми эса ижарага берилди.

Миллий ишлар буйича булимларнинг фаолиятида мутаваллиларни бошқаришни уюштиришда қупол хатоларга йўл қўйилди. Чунончи, ишчи деҳқонлар ва мусулмонлар депутатлари Қуқон Совети миллий ишлар буйича булимининг Миллий ишлар буйича Халқ Комиссарлигига I9I9 йил 5 декабрда йуллаган хатида мана бундай дейилади: "Вақф муассасасига мудирлик қилиш учун мутаваллиларни қай тарика сайлаш кераклигини бизга тушунтириб беришингизни сураймиз. Мутавал-

лиларни сайлаш учун шу вақтга қадар бизда икки хил тартиб бор эди:

I. Илгари, инқилобдан олдин мутаваллини аҳли заифи (масалан, қорилар, мударрислар, суфилар, кўзи ожизлар сингари вақф қавмлари) ўзларининг ораларидан сайлар ва бу тўғрида шартнома тузилиб, кейин шу шартнома вилоят идораси томонидан тасдиқланар эди. Аҳли заифи сайловларни пристав ҳозирлигида ўтказар, у эса сайловларнинг тўғрилигини тасдиқлаб берар эди. 2. Борди-ю, аҳли заифи озчилик, масалан I тадан 2-3 кишигача булса, у вақтда мутаваллини вақф муассасасининг маҳалладош аҳллари сайлашар эдилар.

Инқилоб булганидан кейин шу йилнинг январь ойидан бошлаб олдинги ҳамма мутаваллилар четлатилди ва уларнинг уринларига аҳли вақфнинг розилигисиз эски шаҳар жамоасидан коммунистик мусулмонлар тайинланди. Сунгра мутаваллилик вазифасига уринлар берилганидан кейин бу уринларга яна уша жамоа кишилари тайинланаверди"[I].

Шундай қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда илмий асосланган, тўғри миллий сиёсат ишлаб чиқилмаганлиги юқорида келтириб утилган фактлардан куриниб турибди.

Туркистон большевиклари, уларнинг етакчилари динга нисбатан синфий мавқеини эгалладилар, динни эксплуататор кучларнинг қуроли деб қарадилар. Улар улканинг ўзига хос шароитлари билан ҳисоблашмасдан, ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, мусулмон руҳонийларига қарашли булган вақф ер-сувларини, савдо-саноат корхоналари ва бошқа мулкларни мусодара қилишни зур бериб жадаллаштирдилар, социалистик тадбирларни амалга оширишни тезлаштириб, инқилобий-демократик узгаришлар, жумладан миллий

[I] ЎзР МФА, 34- фонд, I- руйхат, 344- иш, 74- варақ.

масалани ҳал қилиш йўлини сунъий равишда қисқартирдилар.

Миллий сиёсатнинг бузилган, хато томонлари, Туркистон партия давлат раҳбарларининг мусулмонл руҳонийлари, ислом дини, вақф масаласига нисбатан ҳамиша ҳам аниқ, тўғри булмаган сиёсати меҳнаткаш деҳқонларнинг совет ҳокимиятидан ихлосини қайтариб, улкадаги деҳқонлар ва бошқа аҳоли табақаларини норозилигининг кучайишига олиб келди.

Дин масаласини, жумладан, вақф масаласини ҳал қилишдаги жиддий хатолар I922 йилнинг баҳорида Туркистон республикаси, Бухоро ва Хоразмдаги сиёсий вазиятнинг мушкуллашувига катта таъсир кўрсатди.

Ана шундай мушкул аҳволда партия-ҳукумат тузилмалари Ўрта Осиё республикаларидаги миллий озодлик ҳаракати булмиш "босмачилик"нинг кучайиш сабабларини ургапиб чиқишга ва Ўрта Осиёда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, деҳқонлар оммасини, жумладан, мусулмон аҳолисининг руҳонийлар таъсири остида булган энг қолоқ қисмини ўз томонига жалб этиш мақсадида маҳаллий партия ва совет органлари мусулмон руҳонийларига нисбатан йул қўйган хатоларни тузатишга мажбур булди.

РКП(б) Марказий Комитетининг I922 йил I8 майда чиқарган, "Туркистон-Бухоро ишлари тўғрисида" деган қарорида "... тинч меҳнатга қайтишни истаган ҳамма босмачиларга авф умумий эълон қилиш, вақф ерларини уларнинг собиқ эгаларига қайтариб бериш ва маҳаллий судларни тиклаш" кузда тутилди[I]. Мана шу сиёсий тадбирлар руҳонийларни қонуний равишда ўрнига қайтариб, уларнинг вақф мулкига булган ҳуқуқларини тиклади.

Туркистон республикаси Советлари Марказий Ижроия Комитетининг I922 йил 26 майдаги Пленумида Туркистон, Бухоро ва Хоразм

[I] ЎзР МФА, 34- фонд, I- руйхат, 404- иш, 44- варақ.

меҳнаткашларининг одатларига мувофиқ қозихоналар ва вақфларни тиклаш масаласи муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда: Совет ҳокимияти Шарқда ислом, шариатга ва маҳаллий одатларга қарши курашни ўзига вазифа қилиб қўймайди" деб қайд қилинади. Марказий Ижроия Комитет бутун Туркистон меҳнаткаш оммаси олдида ўзининг исломга, шариат ва маҳаллий одатларга бўлган муайян муносабатини курсатиб, совет ҳокимияти душманлари тарқатган миш-мишларга барҳам беришни истаги учун Туркистон республикаси Адлия Халқ комиссари Дўстмуҳамедовга бир ойлик муддат ичида халқ судлари ва бийлар тўғрисида ҳамда вақфларни бошқариш тўғрисида низом ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш учун Марказий Ижроия Комитетига тақдим қилишни топширди. Бу низом совет қонунларини шариат ва одат қоидаларига татбиқ этиш ҳамда барча вақфларни маҳаллий аҳоли тасарруфига бериш принципига мувофиқ тузилиши керак эди.

Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети Пленуми курсатмаларини амалга ошириб, 1922 йил 20 июнда "Мадраса ва масжид вақф ерларини қайтариш тўғрисида" декрет ва вақф масаласига доир бошқа қонун ҳужжатларини қабул қилди. Мана шу ҳужжатлар асосида эски усул мадраса ва мактаблари ислоҳоти ўтказилди.

Шундай қилиб, мусулмон руҳонийлари вақф мулки қуринишидаги мустаҳкам иқтисодий базага қадимдан эга бўлиб келган. Ана шу нарса уларнинг мусулмонларга ғоявий жиҳатдан кучли таъсир ўтказишини олдиндан белгилаб берди. Октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар аслида диний мафкура, диний ахлоқни коммунистик мафкура ва ахлоқ билан алмаштириш дастурини амалга ошириб, бордилар. Диний масала, жумладан, вақф масаласини ҳал қилишда улар тор синфий нуқтаи назарга асосланган сиёсатни юргиза бошла-

дилар. I922 йилнинг урталарига қадар вақфлар тўғрисида қонун чиқарилмади. Туркистон республикасининг партия ва совет органлари марказнинг йул-йуриқларига амал қилиб, диний муассасалар вақфларини мусодара қилиш йулини тутдилар. Вақф масаласини ҳал қилишда партия ва совет ҳокимиятининг олиб борган қаттиқ синфи йули мусулмонларнинг норозилигини уйғотиб, меҳнаткашларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашини кучайтирди ва улкадаги сиёсий вазиятни оғирлаштириб қуйди. Ана шундай шароитларда марказ ва республика партия-совет органлари маҳаллий аҳолига сиёсий жиҳатдан ён босишга ва вақфларни масжид ҳамда мадрасаларга қайтариб беришга мажбур булди.

2.2. Большевистик маърифий сиёсатнинг миллий маданиятга зидлиги.

Октябрь тунтариши асрлар буйи қарор топиб келган дин ва давлат муносабатларида туб узгаришлар ясади. Совет ҳокимияти билан дин уртасидаги узаро муносабатларнинг принциплари Халқ Комиссарлари Советининг I9I8 йил 23 январдаги "Динни давлатдан ва мактабни диндан ажратиш тўғрисида" деган декретида белгиланган эди[I]. Бу декрет давлат ташкилотлари ва муассасаларини дин ва руҳонийлар таъсиридан ҳоли қилди, диний ташкилотларга эса ўзўзини бошқаришга тула эркинликни, диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондиришда бевосита фаолият кўрсатиш учун барча шароитларни кафолатлади.

Мактаб диндан ажратилди. Бирон-та ҳам давлат ўқув юртларида, шунингдек умумий маълумот берувчи фанлар ўқитиладиган хусусий ўқув юртларида диний таълимотларни ўқитишга йул қуйилмади. Бу ёш авлодни диндан, миллий анъаналардан, одатлардан ажратиб

[I] ЎзР МФА, I7- фонд, I- руйхат, 55- иш, 952- варақ.

қуйишга қаратилган большевиклар сиёсатининг таркибий қисми эди. Большевиклар манқуртларни тарбиялаб етиштиришни истар эдилар. Мактабларда динни ўқитиш учун ҳамма кредитлар ёпиб қуйилди, диндан таълим берадиган ўқитувчилар эса ҳар қандай таъминотдан ҳам маҳрум бўлди. Барча мазҳаблардаги диний ўқув юртлари халқ мулки тариқасида маҳаллий Советлар ёки Маориф Халқ Комиссарлиги тасаввуфига утказилди.

РСФСР Адлия Халқ Комиссарлигининг 1918 йил 24 августдаги қарори билан "Динни давлатдан ва мактабдан ажратиш тўғрисидаги декретни амалга ошириш ... тартиби ҳақида йўл-йўриқ" тасдиқланди. Бу йўл-йўриқда декрет барча дин ва мазҳаблардаги ташкилот ва муассасалар ҳусусида амал қилади деб изоҳлаб берилган[I].

Декретнинг Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан шу тариқа кенг қамровли деб изоҳланиши хато бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Жумладан, мусулмон динига эътиқод қилинадиган Туркистон шароитларида бу декретни тулалигича ва бутунлай амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитнинг ўзига хос томонлари миллий масаланинг Россия марказида ҳал қилиниши тажрибасидан механик равишда нусха кўчирмасдан, балки уни ижодий суратда татбиқ этишни, унга тузатишлар ва қўшимчалар киритишни талаб қилар эди.

Мадраса, мактаблар ва бошқа диний, маданий-маърифий муассасалар вақфлардан тушадиган маблағлар ҳисобига яшар эдилар.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети томонидан 1920 йил 17 ноябрда тасдиқланган "Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикасида ердан фойдаланиш ва ер тузиш тўғрисида"ги низомда Туркистон республикаси ҳудудидаги ҳамма ер ва сувлар, кимнинг

---

[2] Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства, 1918, № 18, 384- бет.

тасарруфида бўлишидан қатъий назар, ягона давлат халқ мулки бўлиб ҳисобланади деб қайд қилинган ва мана бундай дейилган эди: "Вақф ерларининг ҳаммаси болалар боқчалари, етимхоналар, коммуна-мактаблари ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ташкил этиш учун Маориф Халқ Комиссарлигига утади, бу мақсадлар учун фойдаланилмаганлари эса умумий тартибда ер тузиш ишларига берилади"[1].

Низомдан куриниб турибдики, барча ерлар, жумладан масжид, мадраса ва мактабларнинг вақф ерлари ҳам мусодара қилиниб, Туркистон республикаси Халқ Маорифи Комиссарлигига берилган. Бундай қарор руҳонийлар ва диндорларнинг қаршилигини уйғотди.

Ҳукуматни вақфлар хусусидаги сиёсатга узгартиришлар киритишга мажбур қилган нарса ҳам худди шунинг узи бўлди. Туркистон республикаси Советларининг 1921 йил август ойида бўлиб утган X съезди ер сиёсати тўғрисидаги резолюциясида вақфларни икки тоифага бўлишни таклиф этди: масжидлар, мозорларга тегишли бўлган табиатан диний вақфлар ва мадраса, мактаблар ҳамда бошқаларга тегишли бўлган табиатан маданий-маърифий вақфлар. Съезд масжид ва мозорларга алоқаси бўлган табиатан диний вақф ер-сувларини умумдавлат фондига утказишдан воз кечишга қарор қилди. Табиатан маданий-маърифий вақфлар эса, агар меҳнаткаш аҳоли талаб қилса, ана шундагина социалистик ер тузиш тадбирлари учун беришга қарор қилинди[2].

Мадраса ва мактаблар совет ҳокимияти урнатилгандан кейин расман тақиқланиб, бекитиб қуйилмаган эди. Улар яшаб, фаолият кўрсатиб бориш ҳуқуқига эга эдилар. Бироқ эски усул мактаблари ва вақфлар тўғрисида махсус йўл-йўриқлар, қонуний қоидалар

[1] Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства, 1918, № 62, 385- бет.

[2] ЎзР МҲА, 17- фонд, 1- руйхат, 43- иш, 38- варақ.

бўлмаганлиги учун маҳаллий совет органлари, одатда, марказнинг қонуний ҳужжатларига амал қилиб бордиларки, булар Туркистондаги шарт-шароитларга тўғри келмас эди. "Динни давлатдан ва мактабни диндан ажратиш тўғриси"даги декретга асосан мактабларда диний таълимотларни ўқитиб-ўргатишга барҳам берилди. Маълумки, Ер тўғрисидаги декрет (1917 йил, 26 октябрь) барча ерларни, жумладан диний ташкилот ва муассасаларга қарашли ерларни умумхалқ мулки деб эълон қилди ва ерга хусусий мулкчиликни бекор қилди.

Марказнинг юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари бўлгани ва шу масалалар юзасидан фармойиш берувчи ҳужжатлар бўлмагани учун маҳаллий партия ва совет органлари эски мактабларини қўллаб-қувватламадилар ва уларнинг фаолият кўрсатиб боришлари учун шароит яратиб бермадилар.

Тошкент уезд халқ таълими бўлими мудирининг Ишчи-деҳқон депутатлари Совети Ижроия Комитетига 1918 йил 13 ноябрда юборган маълумотномасида мана бундай деб кўрсатилди: "...маҳаллий қишлоқларда ислоҳотдан олдинги давр мактаблари: масжидлар қошидаги мадрасалар, эски усул мактаблари ҳам янги усул мактаблари ҳам бор, шу билан бирга уларнинг униси ҳам, буниси ҳам, на ҳозирги талабларга бўлсин, на ислоҳ қилинган янги мактаб дастурларига бўлсин жавоб бермайди, шунинг учун аҳолининг ҳамма маҳаллий жойларида янги мактаблар очиш зарур"[1].

Республика халқ таълими тузилмалари эски усул мактабларини ислоҳ қилиб, уларни совет мактаблари дастурига ўтказишга ҳаракат қилинди. Туркистон республикаси Халқ Маорифи Комиссарлигининг халқ таълими органларига 1918 йил 14 декабрдаги фармойишида мана бундай деб кўрсатилди: ҳаётий манфаатларга ёт бўлиб, Туркистон республикасида ҳамон сақланиб қолган эски

[1] ЎзР МҲА, 34- фонд, 1- рўйхат, 2172- иш, 12- варақ.

усул мактаблари, шунингдек инқилобдан олдинги даврдаги янги усул мактаблари ҳукумат ва маҳаллий манбалар маблағларидан фойдаланар эди. Ҳозирги вақтда уларни маблағ билан таъминлашга йул қуйиб булмайди[I].

Совет органларининг эски усул мактабларига нисбатан энг бошданоқ нотуғри тутган муносабати мадраса, мактаблар сонини ҳам, уларда таҳсил қурадиган талабалар сонини ҳам кескин камайтириб юборди. Тошкент эски шаҳар халқ таълими булимининг мудири Тиллахонов Туркистон республикаси халқ таълими булимлари мудирларининг I920 йил 23 майдаги I съездида мана бундай деб таъкидлади: "Эски усул мактабларидан 20 тачаси бор. Уларда 5 тадан, 7 тадан, купи билан ҳар қайсисида I5 тадан талаба уқийди. Уларнинг умри аста-секин тугаб бормоқда. Бу мактабларга биз текканимиз йуқ, уларни бекитмадик, қуллаб-қувватламадик ҳам... Мадрасаларнинг ҳаммасида бор-йуғи 75 нафар талаба бор, бундан ортиқ эмас"[2].

Туркистондаги мадраса, мактаб, қорихоналар тўғрисидаги масала биринчи марта I920 йил июнь ойида булиб утган Туркистон республикаси халқ таълими булимлари мудирларининг II съездида расман уртага қуйилди ва муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги турк секциясининг аъзоси Мунавварқори Абдурашидхонов маъруза билан чиқди. У мадраса ва мактабларнинг келиб чиқиш тарихи ва фаолиятини, уларнинг мақсадлари ва вазифаларини, подшо ҳукуматининг халқ таълимотига нисбатан тутган сиёсатини батафсил ёритиб берди. "Урта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин, - деб қайд қилиб утди у уз маърузасида, - мадраса ва мактабларда фақатгина табиатан

I Уша жойда, 34- фонд, I- руйхат, 92- иш, 26- варақ.
2 ЎзР МҲА, I7- фонд, I- руйхат, I062- иш, I9- варақ.

диний бўлган фанларгина қолди, география, математика, физика ва бошқа шулар сингари халқ учун зарур бўлган амалий фанларни ўқитиш бутунлай тақиқланди... Худди шунингдек янги мадраса ва мактаблар қуриш, эскиларини таъмирлаш қаттиқ тақиқланди, маданий-маърифий ишлар учун янги вақфлар таъсис қилиш ҳам тақиқ қилиб қўйилди. Умумий маълумот берадиган фанларни урганишни истаганлар эса, улар рус тилини биладиган бўлса ҳам, билмайдиган бўлса ҳам, бу фанларни рус тилида урганишга мажбур эдилар"[I].

Мунавварқорининг бу фикри кундан-кун фактлар билан тасдиқланди. Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати Туркистондаги мадраса, мактаблар фаолиятини чеклаб қўйган эди. ЎзССР Фанлар академияси академиги Т.Н.Қориниёзовнинг далолат беришига кура, Фарғонадаги машҳур педагог А.В.Яхонтов бир куни Марғилондаги мадрасалар ишларининг ҳоли билан танишиб чиқиб, бу мадрасаларнинг чидаб бўлмас даражадаги аҳволи тўғрисида Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига хат ёзган. Губернатор А.В.Яхонтовни чақириб, унга панд насиҳат қилган ва унинг диққатини "шундай бўлиши кераклигига чунки бу император зоти олийларининг сиёсатига тўғри келишига"[2] қаратган.

Подшо ҳукуматининг мадраса ва мактабларга зулм утказишга қаратилган сиёсати шунга олиб келдики, Туркистон аҳолиси ва руҳонийлари маданият ва маърифат қолдиқларини йўқотмаслик учун уз мадраса ва мактабларини фақатгина диний таълимотларни ўқитиш учун очилган муассасалар деб, вақфларини эса диний ташкилот ва идораларни таъминлаш учун таъсис этилган мулклар деб курсатишга мажбур бўлдилар.

Мунавварқори Абдурашидхонов маърузасининг охирида меҳнаткаш-

I Ўша ерда, 34- фонд, I- рўйхат, 46I- иш, I7- варақ.

2 ЎзР МФА, 94- фонд, I- рўйхат, 320- иш, I2I- варақ.

ларни маърифатли қилиш мақсадида мадраса ва мактабларни қайта ташкил этишни таклиф этади. У мана бундай дейди: "1. Вақфлар диний эҳтиёжларни қондириш ва ҳайр эҳсон ишлари учун эмас, балки, аксинча, маданият тараққиёти ва халқ маърифати учун таъсис этилган. 2. Туркистон халқларининг миллий мактаб ва мадрасалари – умумий маълумот берадиган фанлар ва санъатлар манбаидир. 3. Миллий мадраса, мактаблар ва вақфларга диний тус бериш халқни руслаштириш мақсадини кўзда тутган ва туркий авлодларнинг маърифатли бўлишига йўл қўймаган эски подшо ҳукумати-нинг сиёсатига асосланган... 4. Вақфлардан тушадиган даромадлар ёрдамида ва ҳукуматнинг бинокорлик ускуналари ва бошқа турдаги материаллар билан берадиган ёрдамида мавжуд бўлган мингларча мактаб ва мадрасаларни чиндан ҳам аянчли аҳволдан қутқариш ва диний муассасалардан маданий-маърифий манбага айлантириш зарур..."[1].

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, фуқаролар уруши шароитларида партия ва совет органлари умуман вақф масаласи би-лан, жумладан мадраса ва мактабларнинг вақф мулклари масаласи билан бевосита шуғулланаолмади. Бу масалани тартибга соладиган қонун акти ҳам қабул қилинмайди.

Октябрь тунтаришидан кейин Туркистондаги айрим мадраса ва мактаблар вақфларнинг маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатишда давом этиб келди. Лекин фуқаролар урушининг оғир шароитларида кўпчилик мадраса ва мактаблар маблағи йўқлигидан уз фаолиятини тухтатиб қўйди. Бозорлар бекилиб қолганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг олди-соттиси тақиқлаб қўйилганлиги туфайли бозор майдонлари, дуконлар, карвонсаройлар сингари вақф мулк-

[1] Т.Н.Кары-Ниязов. Очерки истории культуры. Советского Узбекистана. М., 1955, 64- бет.

ларининг ишламай ва даромад бермай қуйганлиги ҳам шунга сабаб бўлди. Кўпчилик ҳолларда ижарачилар ҳам вақф ерларини ижарага олмадилар ва ишламадилар.

Маълумки, "босмачилик" фаоллашиб, советларга қарши кучларга раҳбарлик қилиш учун Шарқий Бухорога Анварпошшонинг етиб келиши натижасида Бухоро ва Туркистонда сиёсий вазият оғирлашди. Фарғона ва Самарқанддаги йирик "босмачи" гуруҳлари Анварнинг иттифоқчилари бўлдилар. Анвар "инқилобга" қарши бутун Ўрта Осиёдаги кучларнинг ҳаммасини бирлаштириш чораларини кўрди. "Босмачилар" ва Анвар отрядлари амир ҳокимиятини урнатишни мақсад қилиб, маҳаллий аҳолининг дини ва турмушини ҳимоя қилиш шиори остида майдонга чиқдилар. Мусулмон руҳонийларининг муқаддас урушга даъват этувчи диний ваъзлари Ўрта Осиё республикаларида миллий озодлик ҳаракатининг кучайишига олиб келди.

Воқеаларни ва Бухоро билан Туркистондан келиб турган материалларни таҳлил қилиш РКП(б) Марказий Комитетини Бухоро ва Туркистондаги вазият қалтис деган хулосага олиб келди. "Босмачилик" ни тугатиш ва совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадларида РКП(б) Марказий Комитети 1922 йил 18 майда "Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида" қарор қабул қилди. Бу қарорда "Англия агенти ва Шарқ халқлари душмани Анварга кенг сиёсий кампания ташкил этиш, Туркистон, Бухорони советларга қарши унсурлардан тозалаш, тинч меҳнатга қайтишни истаган ҳамма босмачиларга авф умумий эълон қилиш, вақф ерларини уларнинг собиқ эгаларига қайтариб бериш ва маҳаллий судларни тиклаш" кузда тутилган эди[1].

1922 йил 26 май куни Туркистон республикаси Советлари Марказий Ижроия Комитетининг Тошкент эски шаҳар Советлари ижроия комитети билан биргаликда мажлиси бўлди. Бу Пленум кундалик

[1] ЎзР МҲА, 94- фонд, 1- рўйхат, 320- иш, 121- варақ.

сиёсий вазият ва меҳнаткашларнинг одатига мувофиқ, қозихоналар ва вақфларни тиклаш масаласини муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда совет ҳокимияти Шарқда исломга, шариат ва маҳаллий одатларга қарши кураш олиб боришни узига мақсад қилиб қумаслиги қайд этиб утилди[1]. Туркистон республикаси Советлари ислом, шариат ва маҳаллий одатларга уз муносабатини курсатиш учун республика Адлия халқ комиссари Дустмуҳамедовга халқ судлари ва бийлар тўғрисида ва вақфларни бошқариш тўғрисида бир ойлик муддат ичида низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун уни Марказий Ижроия Комитетга тақдим қилишни топширди.

Мана шу йўл-йўриқлар асосида Туркистон республикаси Советлари Марказий Ижроия Комитети вақфларни мадраса ва мактабларга қайтариб бериш тўғрисида 1922 йил 20 июнда декрет ишлаб чиқди ва қабул қилди[2].

Туркистон шароитида вақф масаласини ҳал қилиш сиёсий жиҳатдан жиддий аҳамиятга эга эди. Тунтаришдан кейинги йилларда феодал муносабатлари ҳали ҳукмронлик қилиб турган Совет Туркистони туб аҳолисининг асосий қисми диндор булиб, уз дини ва одатларига даҳлдор булган ҳар бир киши ҳар қадамига эҳтиётлик билан қарар ва бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас эди. Ўлка халқларининг совет ҳокимиятига ихлос қўйиш-қўймаслиги Туркистонда вақф масаласи билан руҳонийлар ва диндорлар манфаатларига тегишли бошқа масалаларни тўғри ҳал қилишга куп жиҳатдан боғлиқ эди. Вақф масаласидек муҳим бир масаланинг совет ҳокимияти урнатилганидан кейин 5 йил мобайнида ҳам ҳал қилинмаганлиги, бу ҳокимиятнинг ўлкадаги узига хос шароитлар, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олмаганлиги руҳонийларга нисбатан нотўғри сиёсат олиб борилган-

[1] История коммунистических организаций Средней Азии. Ташкент, 1967, 687- бет.

[2] ЎзР МФА, 17- фонд, 1- рўйхат, 455[а] -иш, 952- варақ.

лиги ўлкадаги сиёсий вазиятнинг мушкуллашувига олиб келган сабабларнинг бири бўлди. Мана шу нарса Туркистон Марказий Ижроия Комитетини қози ва бийлар судларини тиклаш ва вақфларни аввалги эгаларига қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур этди.

Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг вақфларини мадраса ва масжидларга қайтариб бериш тўғрисидаги декретига асосан вақф ерлари улардаги бинолар, жумладан, дўконлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, омборлар ва бошқалар билан биргаликда, шунингдек мадрасаларга қарашли бўлган боғ-роғлар, ҳайдаладиган ерлар мадрасаларга қайтариб берилди. Вақф мол-мулкдорларидан ташадиган маблағлар мадраса ҳамда масжидлар ва уларнинг қошидаги мактабларни таъминлаш, биноларни таъмир қилиш, мадраса, масжид ва мактаблар аҳли таъминотига ишлатилар эди.

Маҳаллий аҳолининг вақф маблағлари ҳисобидан таъминланадиган барча мактаблар аввалги ҳолича – вақфлар қарамоғида қолаверди.

Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг декрети мадраса ва вақфларни бошқариш тартибини ҳам белгилаб берди. Ҳар бир уездда мадраса ва вақфларни бошқариш учун сайлаб қўйиладиган 5 киши ва тайинланадиган бир инструктордан иборат риёсат ташкил этилди. Бу риёсат икки мударрис, бир қози ва халқ таълими мудири ёки халқ ўқитувчисидан иборат эди. Риёсат аъзолари мударрислар, қозилар, мусулмон мактаблари ўқитувчиларининг умумий мажлисида сайланган ва уезд ижроия комитети томонидан тасдиқланган.

Уезд мадрасалар риёсати зиммасига: барча мадрасаларни рўйхатга олиш, улардаги вақф мулкларини аниқ кўрсатиш, ҳар бир мадрасага мударрислар тайинлаш ва уларни ишдан озод этиш, мадра-

саларла таҳсил дастурларини ишлаб чиқиш, вақф маблағларини аҳолининг маданий-маънавий эҳтиёжлари учун мақсадга мувофиқ равишда сарфлаш устидан кузатув ва назорат олиб бориш вазифалари юклатилди.

Декретда уезд ижроия комитети қошида мадрасалар ва уларнинг вақфлари устидан назорат олиб борувчи инструктор лавозимини таъсис этиш ҳам кўзда тутилган эди. Уезд инструкторларининг вазифаси уезд риёсати мажлисларида иштирок этишдан ташқари шаҳарлар ва уездлардаги мадрасаларга ойида камида бир марта йўл-йўриқлар бериб туриш, мадрасалардаги ҳар қандай тушунмовчиликларни кўриб чиқиб, бартараф этиш, йиллик молия ҳисоботини кўриб чиқиб, кирим-чиқимлар сметасини тасдиқлаш учун уезд ижроия комитети орқали вилоят ижроия комитетига тақдим қилиш, уезд мадрасаларидаги ўқув-таълимий ишнинг аҳволи юзасидан ҳисобот тузишдан ҳам иборат эди.

Мадраса раҳбарлик қилиш уезд мадрасалар риёсати томонидан тайинланадиган ва уезд ижроия комитети тақдими билан вилоят ижроия комитети томонидан тасдиқланадиган катта мударрис зиммасига юклатилган. Катта мударрис мадрасадаги ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишлари қандай йўлга қўйилганлиги юзасидан ҳам жавобгар ҳисобланган.

Мадрасада ўқув-тарбиявий ишларга тегишли масалаларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул этиш учун мадраса кенгаши тузилган. Кенгашда синов асосида талабалар қабул қилиш, уларни курслар бўйича тақсимлаш, ўқув дастурлари ва таълим методларини, дарс жадвалларини тасдиқлаш, муллаваччаларнинг узлаштириши (ярим йиллик зачетлар ёки синовлар асосида), уларни иккинчи йилга қолдириш, уларнинг юриш-туриши, узлаштирмаган ва ахлоқи ёмон бўлган муллаваччаларни мадрасадан ҳайдаш ёки стипендиядан

маҳрум қилиш, битирув синовларини утказиш масалалари кўриб чиқилган. Кенгаш дарсхоналар учун бинолар, истиқомат қилиш учун ҳужралар ажратиш масалалари билан ҳам шуғулланган.

Мадраса кенгаши ҳайъатига барча муддарислар, мутаваллилар, мадраса қошидаги бошланғич мактаб мудири ва юқори курс талабалари орасидан сайлаб қўйилган икки талаба кирган.

Бундан ташқари, катта муддарис, мутавалли ва талабалар орасидан сайланадиган битта муллаваччадан иборат ҳужалик комиссияси ҳам бўлган. Бу комиссия вақф мулкларининг ишлатилиши, вақф маблағларининг кирими ва чиқими, бинолар таъмири масалаларини ҳам кўриб чиқар эди. Ҳужалик комиссиясининг қарорлари мадраса кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланиши лозим бўлган. Мадрасадаги ҳужалик ишларини бажариш учун мутавалли тайинланган. У мадраса кенгаши жамоаси ишончини қозонган ва одатда 30 ёшдан ошган кишилардан сайланиб уезд мадраса риёсатининг тақдимига мувофиқ, уезд ижроия комитети томонидан тасдиқланган. Мутаваллининг вазифалари қаторига кирим-чиқимлар дафтарини юритиш, молия ҳисоботини тузиш, вақф маблағларини йиғиш ва сақлаш, уларни мадраса кенгашининг рухсати билан, тасдиқланган сметалар бўйича сарфлаш кирар эди. Бундан ташқари мутавалли мадраса ва бошқа биноларнинг таъмирини, ер ва боғлардан олинган маҳсулотларнинг сақланиши уларнинг мадраса эҳтиёжлари учун ишлатилиши, вақф мулкларини ижарага бериш тўғрисида шартномалар тузилишини кузатиб борган.

Вақфларни мадрасаларга қайтариб бериш тартиби Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг "Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 20 июндаги декретини амалга ошириш тартиби ва усули тўғрисида" деган йўл-йўриғида белгилаб берилди[1]. Мадрасалар узларига қарашли бўлган вақф мулк-

[1] ЎзР МФА, 17- фонд, 1- руйхат, 302- иш, 145-149- варақлар.

ларини қайтариб бериш тўғрисида уезд мадраса риёсатига ариза ва бу аризага қўшиб вақф мулкининг плани ҳамда вақф ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этар эди. Уезд риёсати ҳар бир аризада кўрсатилган маълумотларни текшириб чиқиб, барча материални ўз хулосаси билан биргаликда уезд ижроия комитетига қараб чиқиш учун топширарди. Уезд ижроия комитети ҳар бир мадраса бўйича тақдим этилган материални алоҳида-алоҳида кўриб чиқиб, вақф мулкларини қайтариб бериш ёки буни рад этиш тўғрисида қарор чиқарарди.

Декретда мадраса ва мактабларни қайта ташкил этиш, ислоҳ қилиш масалалари кўзда тутилмади. Ўша замондаги сиёсий шароитлар бунга сабаб бўлди.

Диний муассасалар кўп миқдордаги вақф мулкларига эгалик қилар эди. Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги Бош вақф бошқармасининг маълумотларига (1924 йилги) қарағанда мадраса, мактаблар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ихтиёрида 183 397 таноб ер, 4790 та савдо дўкони, 54 та карвонсарой, 47 та каттон, 7 та очиқ бозор майдони, 28 та ҳаммом, 42 та сув тегирмон, 15 та обжувоз бор эди[1].

РКП(б) Марказий Комитетининг "Туркистон-Бухоро ишлари тўғрисида" қарорини амалга ошириш, Ўрта Осиё республикаларига РСФСР томонидан иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатилиши, аҳоли орасида кенг миқёсда ташвиқот-тушунтириш ишларининг олиб борилиши, Анвар отрядларига қарши курашиш учун Ўрта Осиё Республикалари барча кучларининг сафарбар этилиши уз натижаларини берди. 1922 йил 4 августда Ҳаволинг ёнидаги Обдор қишлоғида бўлган шиддатли жанглардан кейин Анварнинг асосий кучлари тор-мор этилди, унинг узи эса ўлдирилди.

[1] Ўша жойда, 150-151- бетлар.

"Босмачилар" ва Анвар асосий кучларининг тугатилиши ва бошқа омиллар ўлкада кейинги ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга таъсир утказди.

1922 йил 20 июнда қабул қилинган вақфларни қайтариб бериш тўғрисидаги декретнинг асосий қоидаларини қайта кўриб чиқиш учун Туркистон Компартияси Марказий Комитети Эшонхужаев раҳбарлиги остида вақф комиссиясини тузди. Туркистон Компартияси Марказий Комитети 1922 йил 11 ноябрь куни вақф комиссияси маърузасини тинглаб, вақфларни қайтариб бериш тўғрисидаги декретга қуйидаги қушимчаларни киритишни Туркистон Марказий Ижроия Комитетига таклиф қилди: "а) Масжидлар, қорихоналар, мозорларга қарашли бўлган вақф ерлари шу муассасаларнинг узларига қайтариб берилсин... б) Даромадларни бир текис ва мақсадга мувофиқ тақсимлаш мақсадида вақф маблағларини бошқариш ҳуқуқи ташкил этиладиган уезд вақф бўлимларига берилади. Бу бўлимларга ислоҳот қилинган ва янгиланган мадрасаларни, булар қошидаги мактаблар билан совет типидаги мактабларни биринчи навбатда таъминлаш топширилади"[1].

Бу қарордан куриниб турибдики, Туркистон, Компартияси Марказий Комитети Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитетига, биринчидан, вақф мулкларидан тушадиган даромаддан фойдаланиш тартибини узгартиришни, иккинчидан, вақфларни бошқариш тартибини қайта ташкил этиш ва аввалги риёсатлар ўрнига уезд вақф бўлимлари тузишни, учинчидан, эски усул мактабларини ислоҳ қилишни таклиф этган. Маданий-маърифий муассасаларга тегишли вақфлардан тушадиган маблағларнинг ҳаммаси ва диний вақфлар маблағларининг ортиқчалари ислоҳ қилинган мадраса, мактаблар ва совет мактабларининг ривожланишига сарфланиши лозим эди.

Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети 1922 йил

---

[1] ПА УзССР, ФМЛ, ф.60, оп.1, д.3885, л. 5-6.

28 декабрда вақфлар тўғрисида янги декрет қабул қилди[I]. Бу декретга мувофиқ вақф ерлари ва тунтаришдан олдин диний муассасаларга – масжидлар, ҳожихоналар, қорихоналар, мозорларга ва маданий-маърифий муассасалар, ҳайрия муассасалари, мадрасалар, етимхоналар, мактаблар, ва бошқаларга қарашли булган бошқа вақф мулклари уларнинг тасарруфида қолди.

Вақфларни бошқаришнинг эски тартиби узгартирилди. Янги декретга, мувофиқ, вақфларни Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги қошидаги Вақфлар бош бошқармаси ва жойлардаги уезд ижроия комитетларининг вақф булимлари бошқарадиган булди. Вақфлар бош бошқармаси зиммасига бошқа мажбуриятлар билан бир қаторда "мадраса ва янги усул мактабларидаги бутун уқув-тарбиявий ишга раҳбарлик қилиш" юклатилди. Вақф булимлари зиммасига эса бошқа мажбуриятлар билан бир қаторда "туб аҳолининг барча мактаблари вақфлар қарамоғида қолиши устидан кузатиб бориш" вазифаси юклатиб қуйилди[2].

Вақф мулкларини бевосита бошқариб бориш вазифаси мутаваллиларга топширилди. Мадрасалар, мактаблар, етимхоналар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ҳамда хайрия муассасаларининг мутаваллилари ижроия комитетларининг вақф булимлари томонидан тайинланар, масжид ва бошқа диний муассасаларнинг мутаваллилари эса мазкур маҳалла фуқароларининг умумий мажлисида сайланар ва вақф булимлари томонидан тасдиқланар эди.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети Марказий Ижроия Комитетининг I922 йил 28 декабрдаги декретини амалга ошириш тартиби ва усули тўғрисидаги низомини I923 йил 4 мартда тасдиқлади[3].

I ЎзР МФА, I7- фонд, I- руйхат, 3I3- иш, I90- варақ.
2 Уша жойда, 302- иш, 349-35I- варақлар.
3 ЎзР МФА, I7- фонд, I- руйхат, 302- иш, 35I- варақ.

Мана шу низомга мувофиқ, Вақфлар бош бошқармаси учта бўлимга - ташкилий ахборот бўлими, академик бўлим ва молия-хўжалик бўлимларига бўлинди. Академик бўлим зиммасига мадрасалар, мактаблар, қорихоналарга раҳбарлик қилиш ва эски усул мактаблари ислоҳотини амалга ошириш вазифаси юклатилди. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг низомида бу вазифалар мана бундай деб ифодаланган эди: "а) мактаб ва мадрасалардаги эски усул тизимларини ислоҳ қилиш ва уларга замонавий талабларга мос келадиган ғояларни сингдириш чоралари топилсин; б) қайта ташкил этилган муассасалар учун дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилсин ва улар учун дарсликлар нашр этилсин; в) Халқ Маорифи Комиссарлиги ижтимоий тарбия бош бошқармаси билан биргаликда янги дастур талабларига жавоб берадиган муаллимлар тайёрлансин; г) инқилобий ҳуқуқларни англаш асосида вақфлар маблағидан муллалар, хатиблар, қози ва муфтийлар тайинлансин; д) маданиятли омманинг мутаассиблиги ва бошқа хурофотларига қарши курашиш учун журнал нашр этилсин; е) ўқув-таълимга оид барча чора тадбирлар Халқ Маорифи Комиссарлигига тегишли бўлимлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади"[I].

Уезд-шаҳар вақф бўлимлари учта кенжа бўлимга: диний вақфлар бўлими, ташкилий-ахборот бўлими ва молия-хўжалик бўлимларига бўлинган. Диний вақфлар кенжа бўлими диний вақфлар маблағларининг кирим-чиқимларини назорат қилар ва диний муассасалар - масжидлар мозорлар, қорихоналарнинг ортиқча бинолари ҳамда маблағларини, ислоҳ қилинган мадраса ва мактабларни ривожлантириш, янги мактаблар қуриш ва эскиларини таъмирлашга ишлатишни ташкил этар эди. Низомда "Вақфлар бош бошқармасининг дас-

[I] Ўша жойда, 34- фонд, I- руйхат, 2272- иш, 2-4-варақлар. Яна қаранг. Правда Востока, I923 йил, 30- май.

тури ва топшириқларига амал қилмайдиган мадрасалар вақф мабларларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади" деб кўрсатилган эди[1].

Ташкилий-ахборот кенжа бўлими зиммасига бошқа вазифалар билан бир қаторда "эски мактаблар, мадрасалар ва бошқаларни Вақфлар бош бошқармаси йўл-йўриғидаги кўрсатмаларга мувофиқ ислоҳ қилиш, ж) қайта ташкил этилган мадраса ва мактабларга мударрислар ва муаллимлар тайинлаш, з) халқ маорифи бўлими билан биргаликда замонавий мударрислар ва муаллимлар етиштириб чиқариш учун курслар очишни ташкил этиш; и) янги усул мактабларини очиш, Халқ Маорифи Комиссарлигининг бевосита раҳбарлигида туб аҳоли мактабларини тиклаш"[2] вазифалари юклатилди.

Шундай қилиб, Вақфлар бош бошқармаси ва унинг маҳаллий органлари зиммасига вақф масаласини ҳал қилиш вазифалари билан бир қаторда ҳам эски усул, ҳам янги усул мактаб ва мадрасаларига раҳбарлик қилиш, эски усул мактаблари ислоҳотини утказиш, совет мактаблари қуриш ва ислоҳ қилинган мактабларни маблағ билан таъминлаш, маҳаллий аҳоли орасида бошқа маданий-маърифий ишларни олиб бориш вазифалари юклатилди. Вақф органлари республика Маориф Халқ Комиссарлиги органлари билан биргаликда меҳнаткаш оммани маърифатли қилиш ишига ўз ҳиссаларини қўшиши керак эди.

Вақфлар тўғрисида декрет қабул қилингандан кейин кун утмай Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги қошида Вақфлар бош бошқармаси тузилди. Унинг раиси этиб М.Охунов, академик бўлимининг мудири этиб Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлиги туркий бўлимининг собиқ мудири, хизмат юзасидан вақф ва эски

[1] ЎзР М А, 34- фонд, I- рўйхат, 2272- иш, 3-4- варақлар.
[2] Ўша жойда.

усул мактаблари масалалари билан шуғулланадиган, диний масалани яхши биладиган киши Мунаввархори Абдурашидхонов тайинланди. Жойларда вақф бўлимлари тузилди.

Вақф органларининг маориф соҳасидаги биринчи навбатдаги вазифаси мадраса ва мактаблар ислоҳотини амалга оширишдан иборат бўлди. Бу вазифани бажариш учун академик бўлимга эски усул мактабларини ислоҳ қилиш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мадраса ва мактабларни ислоҳ қилиш фикрини вақфлар тўғрисида декрет қабул қилинишидан анча илгари - I920 йилнинг июнь ойидаёқ биринчи бўлиб Мунаввархори Абдурашидхонов Туркистон АССР Халқ таълими бўлими мудирларининг съездида айтиб ўтган эди. Мана шу фикрни Туркистон ҳукумати қўллаб-қувватлади.

Хўш, нима учун мадраса ва мактаблар ислоҳотини ўтказиш керак эди, деган савол туғилади. Мунаввархори ислоҳоти сабабларини қуйидагича тушунтириб беради: Ўрта Осиё мадраса ва мактабларида ўрта асрларда араб тили, мантиқ, география, илми-нужум (астрономия), математика, табиёт ўқитилар, шариат ва исломдан дарс берилар эди. Ана шундай мактаб ва мадрасаларда "буюк олимлар, профессорлар ва файласуфлар етишиб чиқар эди". "Улкан мадрасалар ва уларнинг қолдиқлари ҳамда Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган обсерватория биноси, - деди у, - ўша замонларда маданият ва маърифат нечоғлик юқори даражада турганлигидан далолат беради"[I]. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати маданий-маърифий вақфларни ҳар қандай йўллар билан тугатишга ҳаракат қилди-ю, лекин уз манфаатларини ўйлаб, диний вақфларни таъқиб қилгани йўқ. Янги мадраса ва мактаблар бунёд этиш, эски-

[I] ЎзР Ф МДА, 34- фонд, I- рўйхат, 2272- иш, 3-4- варақлар.

ларини таъмирлаш қаттиқ таъқиқлаб қўйилди, маданий-маърифий мақсадларда янги вақфлар таъсис этиш таъқиқланди. Ана шу сиёсат мадраса ва мактаблардаги таълим ишларининг мазмуни бошқача бўлиб қолишига олиб келди, мадраса ва мактабларда уларни сақлаб қолиш учун фақат дин ўргатиладиган бўлди. Мунавварқори фақат диний тусга кириб қолган мана шу муассасалар - мадраса ва мактабларни ислоҳ қилиш, ўқув дастурига умуман маълумот берадиган фанларни киритиш зарур деб ҳисоблади. У қайтадан ташкил этилган мадраса ва мактаблар Туркистон халқлари манфаатларига хизмат қилади деб ишонар эди.

Вақфлар бош бошқармасининг 1923 йил январида фақатгина бир мудири - Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ўзидан иборат бўлган академик бўлими конфессионал мадрасалар ва мактабларни қайта ташкил этишга киришди. Вақф бўлимларининг мадраса ва мактаблардаги таълим-тарбия ишларини ҳисобга олиш ва ташкил этишга доир амалий иши ислоҳотнинг асосий йўналишларини зудлик билан ишлаб чиқишни талаб қилар эди. Архив ҳужжатлари конфессионал мактаблар - мадраса ва мактабларни қайта ташкил этиш дастури 1923 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқилганидан далолат беради.

Вақфлар бош бошқармасининг 1923 йил 19 июлида Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети котибиатига мадраса ва мактабларни ислоҳ қилиш тўғрисида йўллаган номасида мана бундай деб хабар қилинади: "Вақфлар бош бошқармаси томонидан бу соҳада эски усул мактабларини қайта ташкил этиб, янги усул мактабларига айлантириш ва уларда ижтимоий тарбияни жорий этиш учун дастур ишлаб чиқилган. Ана шу дастур аста-секин амалга оширилмоқда. Масалан шаҳар бўлимида 5 та мадраса, 6 та мактаб ҳозирнинг ўзида янги дастур бўйича иш олиб бормоқда. Самарқанд вақф бўлими бўйича ўқувчиларнинг умумий сони тахминан 440 тага борадиган

14 та ўрта мактаб, Хўканд бўйича 1280 ўқувчи ўқийдиган 32 та ўрта мактаб, Каттақўрғон бўйича 110 ўқувчили 3 та мактаб, Ҳаммаси бўлиб ҳозирча ўқувчиларнинг умумий сони 2580 нафарга яқин бўлган янги усул мактаблари рўйхатга олинди"[1].

Андижон вақф бўлимининг Вақфлар бош бошқармасига 1923 йил 16 октябридаги маълумотномасида вақф бўлими март ойида ташкил этилди ва 19 майдан бошлаб Қорибадал унга раис этиб тайинланди, 1923 йил 4 сентябридан бошлаб 4 та мактаб қайта ташкил этилиб, вақф қарамоғига ўтказилди, деб хабар қилинди[2].

Туркистон АССР Халқ Маорифи Комиссарлигининг архив фондидан вақф органлари томонидан амалга оширилган мадраса ва мактаблар ислоҳоти дастури топилди. Бу ҳужжат "мактаб ва мадрасаларни қайта ташкил этиш тўғрисида қисқача лойиҳа ва шу мактаб ва мадрасаларни 1923-1924 ўқув йили учун ўқув дастури" деб аталади. Дастурнинг мактаблар ислоҳоти хусусиятидаги қисмида эски усул мактабларини рўйхатга олиш ва ҳар томонлама текшириш, ўқитувчилар малакасини ҳисобга олиш ва аниқлаш, эски мактаб бинолари-ни янги мактабга мослаштириш имкониятлари кўзда тутилган.

Таълим ишининг ўзини ислоҳ қилишга эҳтиётлик ва аста-секинлик билан ўтиб бориш керак эди. Дастлабки вақтда янги усулда таълим бериш: хат-саводга ўргатиш, оддий она тили ва арифметика курсини ўтиш учун ҳар куни уч ўқув соати ажратиш тавсия этилди.

Янги усул мактаблари муаллимларини тайёрлаш, учун Тошкент, Самарқанд, Андижон, Хўжандда вақф маблағлари ҳисобига беш ойлик педагогика курслари очилди. Бу курсларнинг ўқув дастури қуйидагиларни ўз ичига олар эди: "хат-саводга ўргатишнинг овозлик усули билан талабаларни таништириш, она тили ўқитиш усули,

---

[1] ЎзР МДА, 34- фонд, 1- рўйхат, 461- иш, 216- варақ.
[2] Ўша жойда, 1758- иш, 77- варақлар.

арифметика курсини мустаҳкам узлаштириб олиш ва дарс бериш усуллари билан таништириш, табииёт, сиёсий саводга доир маърузалар мажмуи, экскурсиялар, мактаб машғулотлари амалиёти ва совет мактабларини бориб куриш.

Мадрасалар бош бошқармаси мадрасалар ислоҳотига, айниқса аҳоли орасида ислом динининг таъсири кучли булган Самарқанд ва Фарғона вилоятларида катта эътибор ва эҳтиётлик билан ёндошди.

Дастурда мадрасаларни ҳисобга олиш ва текшириб чиқиш, талабаларнинг ижтимоий аҳволини, ёшини ва ўқишга муносабатини, муаллимлар малакасини аниқлаш кузда тутилган эди.

Мадрасаларни тўққиз йиллик мактаб тарзига келтириб ислоҳ қилиш кузда тутилди, бунинг учун ўқиш муддати учта уч йиллик босқичга – циклга ажратилди, шу билан бирга биринчи босқичи совет мактабидаги ўқишнинг беш йилига, иккинчи босқичи – етти йилига ва учинчи босқичи – тўққиз йилига мос келар эди.

Мадрасалар совет мактабидаги тегишли ўқув курсини узлаштиришдан ташқари араб ва форс тилларини янги ўқитиш усуллари бўйича мустаҳкам узлаштириб олишга имкон берар эди.

Ҳар бир босқичда ўқув жараёнининг бирмунча узоқроқ (икки йил урнига уч йил) давом этишига сабаб шу булдики, ўқув вақтининг учдан бир қисми ҳозир айтиб утилган тиллар ва илоҳиёт фанларини урганишга ажратилар эди. Мусулмончиликдан тафсир ва ҳадис утиларди. Бу фанларни ўқитиш усули уларни замонавий талабларга мумкин қадар кўпроқ мослаштиришга қаратилган эди.

Вақф булимлари ташкил топган сайин мадраса ва мактаблар ислоҳотини амалга ошириш юзасидан амалий чоралар қуриб борилди. 1923 йил январь ойида Тошкент эски шаҳар вақф булими, уша йилнинг февралида эса Тошкент уезди вақф булими ташкил этилди. 1923 йил 4 мартдан 10 мартгача Фарғона вилоятида – Қуқон, Марғи-

лон, Андижон ва Наманган шаҳарларида уезд-шаҳар ва вақф бўлимлари очилди. Март ойи ичида Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ҳам худди шундай бўлимлар ташкил этилди.

Вақф бўлимлари ислоҳот ўтказишга доир амалий ишни эски усул мактабларини ҳисобга олиш, улар биноларининг машғулотлар ўтказишга яроқлигини, шунингдек мадраса ва мактаблардаги талабалар ва муаллимлар сонини аниқлашдан бошладилар. Ҳисобга олинган мадраса ва мактаблар ёпилди деб ҳисобланар ва қайта ташкил этилган сари яна очилар эди.

Мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш жараёни мураккаб ва қийин бўлди. Эски усул мактабларини янги усул мактабларига айлантириб, қайта ташкил этишдаги асосий қийинчилик пул маблағлари етишмаслиги, педагогик кадрлар йўқлиги, эски биноларнинг ислоҳ қилинган мактаблар талабларига жавоб бермаслигидан иборат бўлди. Мактабларнинг бинолари қуруқ, ёруғ ва ҳамма болалар учун ҳавоси етадиган кенг бўлиши лозим эди.

Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 1923-1924 ўқув йилида барча мадраса ва мактабларнинг 40 фоизини ислоҳ қилиш кўзда тутилди. Бироқ мадраса ва мактаблар биносини замонавий мактаблар биноси ҳолига келтириб, қайтадан қуриш тугалланмаганлиги учун қайта ташкил этиш режаси бажарилмай қолди.

Эски усул мактабларидаги ўқув жараёнини янгича йўлга қўйиш ишига нисбатан маҳаллий аҳоли ўртасида ишончсизлик уйғотмаслик учун мадраса ва мактабларни қайта ташкил этишга жуда ҳам эҳтиёт бўлиб киришиш талаб этилар эди. Мадраса ва мактабларни қайта ташкил этишда ҳамма жойда ҳам маҳаллий шароитлар ҳисобга олинавермаганлигини айтиб ўтиш керак. Эски шаҳар вақф бўлими эски усул мактабларини ислоҳ қилишга дастлабки ларнинг биринчилари бўлиб киришди. Вақфлар бош бошқармасининг маълумотларига қараганда,

1923 йилнинг 1 апрелида келганда Тошкентда 15 та биринчи босқич мактаби ва 4 та қайта ташкил этилган мадраса ва вақф булими қарамоғига утказилган эди. Вақфлар бош бошқармаси қайд қилганидек Тошкент эски шаҳар вақф булимига қарашли барча укув юртларида совет мактаблари дастури жорий этилди, яъни қайта ташкил қилинган мактабларда диний фанларни укитиш тақиқлаб қуйилди[1]. Бундай ортиқча хатти-харакат маҳаллий аҳоли уртасида норозилик уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Лекин вақф булими муддаррислар, талабалар ва буларнинг диндор ота-оналарининг фикри билан ҳисоблашиб утирмади. Вақфлар бош бошқармасининг суллик кайфиятидаги ходимлари Тошкент эски шаҳар вақф булимининг ана шу нотуғри, хато йулини қуллаб-қувватладилар. Мана бундай бир факт Вақфлар бош бошқармаси раҳбариятининг сулларча мавқеи тутганлигидан далолат беради. Вақфлар бош бошқармасининг раиси М.Охунов Туркистон республикаси Халқ Маорифи Комиссарлигига 1924 йил 12 апрелдаги маълумотномасида бундай деб курсатади: "Қайтадан ташкил этилган мактаб ва мадрасалар учун умумий фанларни янги усулда укитиш билан бир қаторда диний фанлар ҳам укитиб бориладиган, келишиб тузилган дастур қабул қилинган эди. Бу дастур вақтинчалик булиб, ҳозир Тошкент эски шаҳаридаги барча мактабларда совет дастури билан алмаштирилди. Келишиб тузилган дастурнинг совет дастурига алмаштирилганлиги туғрисида бошқа вақф булимларидан ҳозиргача маълумот келгани йуқ"[2]. Фактлардан куриниб турибдики, Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг вақфлар туғрисидаги декретини амалга оширишнинг биринчи кунларидан бошлабоқ вақфлар бош бошқармасининг раиси М.Охунов шу декретга қарши уларок, андигина пайдо булиб келаётган

[1] ЎзР МФА, 34- фонд, 1- руйхат, 2277- иш, 156-158- бетлар.
[2] ЎзР МФА, 34- фонд, 1- руйхат, 1318- иш, 5- варақ.

янги усул мактабларини йўқотишга қаратилган сул йўлни тутди. Бундай хато йўл тутишга қисман ана шу нарса ҳам сабаб бўлдики, мадраса ва мактабларни қайта ташкил этиш ислоҳотини ўтказиш дастури ишлаб чиқилмасдан илгари бошланган эди.

Республиканинг бошқа шаҳар ва вилоятларида эски усул мактабларининг ислоҳоти Вақфлар бош бошқармасининг академик бўлими томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида ўтказилди. Маҳаллий вақф органлари мадраса ва мактаблар ислоҳотини амалга ошириш ва уларни 1923-1924 янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан катта иш қилдилар. Мадраса ва мактабларни ҳисобга олиш, текшириш ва қайта ташкил этиш юзасидан улар бажарган улкан ишнинг натижалари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

1- жадвал

ТАССР да 1923 йил 1 сентябргача қайта ташкил этилган мадраса ва мактаблар сони[1]

Номи	Ҳаммаси бўлиб ҳисобга олингани	Шулардан қайта ташкил этилгани	Мулжалдаги талабалар сони	Ҳақиқатда ўқиётган талабалар сони
Сирдарё вилояти:				
мадрасалар	22	6	375	193
мактаблар	112	6	550	550
Самарқанд вилояти				
мадрасалар	58	7	410	360
мактаблар	45	13	810	665
Фарғона вилояти:				
мадрасалар	118	8	520	370
мактаблар	57	10	570	460
Жами мадрасалар	198	21	1305	873
мактаблар	224	29	1930	1675

[1] Ўша жойда, 34- фонд, 1- рўйхат, 2656-иш, 22-варақ.

Руйхатга олинган ва ислоҳ қилинган мадраса ва мактаблар сони тўғрисида бу жадвалда келтирилган сонлар тахминий рақамлардир. Шу сабабдан республикада ислоҳ қилинган мадраса ва мактаблар сони ҳақиқатда анча кўп бўлган. Қайта ташкил этилган 21 та мадраса ва 29 та мактаб тўғрисидаги маълумотларга келганда шуни айтиш керакки, булар, чамаси, ислоҳотга тайёрлаб қўйилган. 1923-1924 ўқув йили ва ундан кейинги йилларда фаолият кўрсатган янги усул мадрасалари ҳақиқатда анча кам бўлган.

Янги усул мактабларини ташкил этиш ишларининг сусайиб қолганига сабаб нима эди? Вақфлар бош бошқармасининг ТАССР 1924 йил 4 июнда Маориф Халқ Комиссарлигига берган маълумотномасида вақф органлари маблағлари билан республикада "738 нафар талаба ўқийдиган ва 73 нафар хизматчи ходим бўлган 10 ва 11 босқич мадраса, мактаблар, Маориф Халқ Комиссарлигининг 1 босқич мактаблари тарзида қайта ташкил этилган, 3080 нафар талаба таълим олиб, 123 нафар хизматчи ходим ишлайдиган 41 та мактаб таъминланади" деб кўрсатилди[1]. Туркистон республикасида атиги 10 та мадраса ва бир неча ун мактаб ислоҳ қилингани бошқа ҳужжатлар бўйича ҳам тасдиқланган.

Туркистон республикасидаги эски мадраса ва мактабларни ислоҳ қилишга тайёрлаш ва бу ислоҳотни ўтказиш таҳлил қилиб кўрилганда ислоҳотга тайёрланиш ва уни ўтказишнинг дастлабки даврида мадраса ва мактабларни ҳисобга олиш ва қайта ташкил этиш юзасидан Вақфлар бош бошқармаси академик бўлими мудири Мунавварқори Абдурашидхоновнинг раҳбарлигида фаол иш олиб борилганлиги маълум бўлди. 1923-1924 ўқув йилида эски усул мактабларининг 40 фоизини, кейинчалик эса қолган ҳаммасини ислоҳ қилиш режалаштирилган эди. Вақфлар бош бошқармаси академик бу-

[1] ЎзР МФА, 34- фонд, 1- руйхат, 1758- иш, 158- варақ.

лимининг маълумотларига қараганда, инқилобдан олдин Туркистонда 70 000 нафарча талаба ўқийдиган 6 630 та яқин мактаб ва 9 000 талаба таҳсил оладиган 311 та мадраса бор эди. Буларнинг ловақал асосий қисмини тиклаш ва ислоҳ қилиш Туркистон АССР туб аҳолиси маданияти билан маърифатини тезроқ ривожлантириш учун имкон берган бўлур эди.

Вақфлар бош бошқармасининг мадраса ва мактаблар ислоҳотининг бориши тўғрисида 1923 йил 10 ноябрда Туркистон республикаси Маориф Халқ Комиссарлигига юборган маълумотномасида мана бундай деб курсатилди: "Қисқа қилиб баён этилган ислоҳот лойиҳалари, агар улар танқидий нуқтаи назардан туриб, муваффақият билан амалга оширилади деган бўлса, маърифий қурилишимизда жуда катта узгаришларга олиб келади. Маърифат соҳаси чағир тиканаклардан узил-кесил тозаланади. Мактабимиз тармоғи табиий равишда анча усади. Мўлжалланган ислоҳотни амалга ошириш йирик тарихий воқеа, бутун Шарқдаги мактабларнинг ривожланиш йўлида буюк бурилиш нуқтаси бўлади. Янгиланган мактаб ва мадрасалар - бизга чегарадош Шарқ мамлакатларидаги мактаблар инқилоби учун йўл курсатувчи машъалдир, мактаблар, инқилобидан ижтимоий-сиёсий инқилобгача бўлган йўл эса, чорак қадам"[1]. Педагогик кадрларни янгилаш мақсадларида янги усул мадраса ва мактаблари учун Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Хужандда вақф бўлимлари томонидан муаллимларни қайта тайёрлайдиган беш ойлик курслар очилди. 1923 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрида ўқишни битирган биринчи муаллимларни чиқариш маросими бўлди ва 28 киши ўқитувчи гувоҳномасини олди[2].

Куп афсуслар бўлсинки, мадраса ва мактабларни ислоҳ қилиш-

---

[1] ЎзР МФА, 34- фонд, 1- руйхат, 2732- иш, 35- варақ.
[2] ЎзР МФА, 34- фонд, 1- руйхат, 175- иш, 142- варақ.

дек олижаноб иш 1923–1924 ўқув йилининг охирларига келиб тухтаб қолди. Туркистон республикасининг ислоҳ қилинган ва янги усулга ўтказилган мактабларининг ҳаммасини совет мактаби дастурига ўтказишга қарор қилинди. Вақфлар бош бошқармасининг 1924 йил 20 августдаги маълумотномасида мана бундай дейилади: "1924 йилнинг 1 апрелидан бошлаб янги усул мактаблари 1– босқич ягона меҳнат мактаблари дастурига, мадрасалар эса 2– босқич мактаблари дастурига ўтказилди. Шундай қилиб, вақфлар бош бошқармасининг ихтиёрида ҳозир конфессионал ва янги усул мактаблари мутлақо йўқ"[1].

Туркистон республикаси Маориф Халқ Комиссарлиги ва унга қарашли Вақфлар бош бошқармасининг ҳатти-ҳаракатлари республика партия-давлат аппаратининг кўрсатмаларига асосланган эди. Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети 1923 йил 17 мартда вақф маблағлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, мана бундай қарор қабул қилди: "Маданий-маърифий аҳамиятга эга булган вақф маблағларидан: а) биринчи галда совет мактабларини таъминлаш; б) янги усул мактабларини қуллаб-қувватлаш ва кейинчалик маҳаллий ижроия комитетлари қарори билан уларни ўқув юртлари тармоғига қўшиш учун советлаштиришга ҳаракат қилиш; в) конфессионал ўқув юртларига диний аҳамиятга эга булган маблағларнинг фақат бир қисмини ажратиш зарур деб топилсин[2].

Ҳукуматнинг бу қарори зўрлик юзасидан қабул қилинган қарор булиб, улканинг ўзига хос шароитларига, маҳаллий аҳолининг руҳиятига тўғри келмас эди.

Маҳаллий ижроия комитетлари ва халқ таълими органлари янги усул мактабларини совет мактаблари дастурига утказиш тўғрисида

---

[1] Ўша жойда, 1758– иш, 156–варақ.
[2] Ўша жойда, 3732– иш, 53–варақ.

қарор қабул қилдилар. Бироқ Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг вақфлар тўғрисидаги декрети бекор қилинмаган эди. Мадраса ва мактаблар яшаб қолаверди ва маҳаллий ҳокимият органларининг тақиқларига қарамай, машғулотларни эски дастур бўйича утказиб турди.

Шундай қилиб, Туркистон республикасида миллий-ҳудудий чегаралаш ишлари утказилаётган бир вақтда (1924 йил сентябрь) диний мактаб ва мадрасалар ишлаб турди, лекин уларнинг фаолияти чеклаб қўйилган эди. Вақфлар тўғрисидаги 1922 йил 28 декабрь декретига мувофиқ, янги усул мактаблари вақф бўлимлари томонидан маблағ билан таъминланган бўлса, уларнинг маблағ билан таъминланиши 1924 йилнинг ўрталарига келиб маҳаллий органлар қарори билан тухтатиб қўйилди.

Эски усул мактаблари ислоҳотини утказишни тухтатиб қўйиш ва янги усул мадраса ва мактабларини совет мактаблари дастурига ўтказишни жадаллаштириш фурсати ҳали етмаган эди.

Маориф Халқ Комиссарлигининг янги усул мадраса ва мактабларини совет мактаблари дастурига утказиш ва диний фанлар ўқитишни тақиқлаб қўйиши мусулмон аҳолининг норозилигини уйғотди. 1925 йилда мадрасалар, мактаблар, қорихоналар зурлик билан ёпиб қўйилди. Талабалар, уларнинг ота-оналари ва руҳонийлар мадраса ва мактабларнинг ёпиб қўйилишига қарши уз норозиликларини билдириб, янги усул мактабларини очиш тўғрисида ҳокимият органларига аризалар бердилар. Масалан, Ўзбекистон диний ишлар маҳкамасига Тошкент эски шаҳари фуқароларидан 22 та ариза тушди[1]. Бу аризалар кўриб чиқиш учун Тошкент вилояти ижроия комитетига юборилди. Ушбу норозилик аризаларига жавобан 1925 йил 16 декабрда "Қизил Ўзбекистон" газетасида эски шаҳар ижроия комитетининг

[1] ЎзР МҲА, 34- фонд, 1- рўйхат, 2283- иш, 8- варақ.

мажбурий фармойиши босилиб чиқди. Бу фармойишни бузган шахслар 300 сум миқдорида жарима тулашга ёки бир йил мажбурий хизматга ҳукм қилинар эди. Мадраса, мактаб ва корхоналардан талабалар зўрлик билан тарқатиб юборилди.

Халқ таълими органларининг ана шу қупол хатти-харакатлари Тошкент эски шаҳаридаги аҳолини ҳайрон қилиб қуйди. 3 январь куни жоме масжиди ёнида асосан талабалар ва уларнинг ота-оналаридан иборат булган 2 мингга яқин шаҳарликлар утпланди. Улар ижроия комитетга ариза бериб, бу аризани вакиллар орқали жунатдилар. Ижроия комитет ходимлари бу вакилларни жиноят қидирув булимига топшириб, қаматиб қуйдилар.

Жоме масжиди атрофига тупланган одамлар ҳайратга тушиб: "Бу уч кишини нима сабабдан олиб кетишди, бизнинг айбимиз нима? ҳукуматга қарши биз хеч нарса қилганимиз йўқ-ку", деб шов-шув кутаришди. Сунгра митингнинг ҳамма қатнашчилари эски шаҳар ижроия комитети томонга қараб юрдилар. Йулда уларга яна бир неча минг киши қушилиб, уларнинг умумий сони 4-5 минг нафарга бориб қолди. Улар ижроия комитет биносига, яқинлашган пайтларида қамоққа олиш бошланди. Миршаблар митинг қатнашчиларидан 100 нафаргача кишини қамоққа олдилар.

Ўша куннинг узида Кесакқурғон мадрасасига миршаблар келиб, ундан талабаларни зурлаб ҳайдаб чиқардилар-да, ҳужраларни муҳрлаб қуйдилар. Бир неча кундан кейин мадраса мударриси Шомухондомлани олиб кетиб, қамаб қуйдилар.

Тошкент эски шаҳар ижроия комитетининг қарори аҳолини ҳаяжонга солди ва бунга норозилик сифатида ҳар бир маҳалла, мадраса мактаб, қорихонадан диний бошқарма ва бошқа органларга бир неча юз ва ҳатто минглаб кишилар имзо чеккан 200 тага яқин ариза тушди. Ариза берганларнинг вакиллари эски шаҳар ижроия коми-

тети ва халқ таълими органларига мурожаат этдилар, лекин булар фуқароларнинг аризаларига ижобий жавоб бермадилар.

Эски шаҳар аҳолиси уз талабларини қондиришни халқ таълими органлари рад этганлигини билганидан кейин тўғридан-тўғри ҳокимият органларига мурожаат этишга қарор қилди ва I925 йилнинг 3I декабрида эски шаҳар ижроия комитетининг биноси ёнига тўпланиб, аризалар натижаларини суриштирди. Тўпланганлар билан гаплашиш учун ижроия комитетдан вакиллар чиқиб келиб: "Болаларни илгари қандай ўқитган бўлсангиз, ҳозир ҳам шундай ўқитишингиз мумкин" деди.

Янги йилдан кейин Тошкент эски шаҳарининг янги усул мактабларида машғулотлар яна бошланди.

Қамоққа олинганларнинг ҳаммаси бир ойлик азоб ўқубатлардан кейин озодликка чиқарилди. Лекин бекитиб қўйилган мадрасалар, мактаблар ва қорихоналар очилмади. Туркистон республикаси Халқ Маорифи Комиссарлиги ва Вақфлар бош бошқармасининг хатти-ҳаракатлари республика ҳукуматининг янги усул мактабларини совет-лаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларига асосланган эди.

Янги усул мактабларини бекитиб қўйиш ва совет мактаблари дастурига утказиш маҳаллий аҳолининг норозилиги ва нафратини уйғотди. Маъмурий-зуравонлик усули билан амалга оширилган бу чоралар маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истаги ва иродасига мос келмас эди.

Шунингдек, мадраса ва мактаблар фаолиятини ислоҳот йули билан тиклаш мактаб таълимини ва умуман Узбекистон халқлари маданиятини ривожлантириш учун катта ёрдам берган булур эди. I9I7 йилга қадар Туркистонда 3II мадраса ва 6600 дан ортиқроқ мактаблар булганлиги ҳисобга олинадиган булса, уларни тиклаш республикада мактаблар тармоғини кенгайтиришга йул очган буларди.

Бунинг устига улар вақф маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатар эди. Янги усул мактаблари саводсизликни тугатиш ва Ўзбекистон меҳнаткашларини маърифатли қилишда каттагина роль ўйнаган бўлур эди.

Маҳаллий органларнинг янги усул мактабларини советлаштириш тўғрисидаги қарори совет ҳокимиятининг динга қарши бўлган сиёсатининг натижаси бўлди. Вақфлар тўғрисидаги декрет расман бекор қилингунча айрим шаҳар ва уездлардаги мадраса ва мактаблар ошкора бошқалардаги мадраса ва мактаблар эса яширин тарзда фаолият кўрсатиб борди. Вақфлар ва уларга асосланган диний маданий-маърифий муассасалар - мадраса ва мактаблар 20- йилларнинг охирларида тугатилди.

ХУЛОСА

Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши подшо Россияси томонидан ўлка босиб олинган дастлабки кунларидан бошланди. Бу кураш феврал инқилоби, октябр тунтаришидан кейин ҳам то Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингунга қадар турли шаклларда давом этди.

Феврал буржуа-демократик инқилобининг ғалабаси, Туркистондаги ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви миллий сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари пайдо булиб, уларнинг фаолият курсатиб бориши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Жадидчилик ҳаракатининг М.Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқалар сингари етакчилари янги сиёсий ҳаракатлар - шурои исломчилар, шурои уламочилар оммавий мусулмон ташкилотлари, партияларининг ташкилотчилари ва раҳбарлари булдилар. Улар узларининг амалий фаолиятларида ҳам Шарқ, ҳам Оврупо меҳнаткашлаари сиёсий курашининг тажрибасидан фойдаландилар.

Туркистон миллий сиёсий партияларининг дастурларида миллий масалани ҳал қилиш йуллари улканинг узига хос шароитларини ғоят даражада аниқ ҳисобга олган ҳолда, назарий жиҳатдан тўғри белгилаб берилди. Туркистондаги миллий партияларнинг барчаси улкадаги туб миллатлар манфаатларини ифодалаб, Туркистонга мухторият берилишини талаб қилиб чиқдилар.

Октябрь тунтариши арафасида улкада туб миллатларнинг қудратли ва кўп миллатли миллий-озодлик ҳаракати мавжуд эди. Улкадаги пролетар ҳаракатида асосан рус темир йул ишчилари иштирок этди. Миллий озодлик ҳаракатини улканинг миллий масала юзасидан аниқ платформага эга булган сиёсий миллий партиялари бошқариб борди. Амалда улкадаги ҳокимиятни босиб олган Туркистон больше-

виклари маҳаллий аҳолининг манфаатлари билан ҳисоблашмадилар, ва миллий партияларнигина эмас, балки ўлка мусулмонлари съездлари, мусулмон ташкилотлари ваколатли органларининг талабларини ҳам рад этдилар. Биринчи совет ҳукуматининг ҳайъатида маҳаллий туб миллатлардан бирорта ҳам вакил йўқ эди. Бу большевикларнинг Туркистондаги янги совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатининг натижаси бўлди.

Ўлкадаги миллий сиёсий партиялар социалистик партияларнинг миллатга қарши сиёсат юргизаётганлигига ишонч ҳосил қилдилар ва Туркистоннинг сиёсий тузуми масаласини ўз қўлларига олишга қарор қилдилар. Улар халқларнинг ўз-ўзини белгилаши тўғрисидаги ўз дастурларини амалга ошириб, Туркистон ўлкасида мухторият эълон қилдилар. Туркистон мухторияти ўлка халқларининг биринчи миллий давлати бўлди.

Туркистон мухториятининг барпо этилиши ўлкадаги туб миллатлар, кўпчилик аҳолининг асл муддаоси бўлди. Шунга қарамай, Туркистон мухториятининг Муваққат ҳукумати совет ҳокимиятининг ҳарбий кучлари, жазо органлари томонидан зўрлик билан тугатилди. Миллий масалани ҳал қилишда зўрлик ишлатиш совет ҳокимияти билан туб аҳоли ўртасидаги муносабатни кескин ва мураккаб ҳолга тушириб қўйди. "Босмачилик ҳаракати" деб аталиб келинган, лекин Туркистон мустақиллиги учун халқ оммасининг совет ҳокимиятига қарши курашининг қуролли шакли бўлган "истиқлолчилик ҳаракати" бошланди. Шу билан бир вақтда миллий сиёсий кучлар тинчлик воситалари билан ҳам Туркистон АССР мустақиллиги учун кураш олиб бордилар.

Туркистон АССР, мавжуд бўлиб турган даврда бу Ўлкада ваколатли органлар – РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси ва РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси, РСФСР Марказий Ижроия Коми-

тети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркомиссияси иш олиб борди. Бу органларнинг асосий вазифаси Туркистон АССРни Россия таркибида сақлаб туриш ва Туркистоннинг миллий мустақиллиги учун кураш олиб бораётган қуролли кучлар – "босмачиликка" ҳам, миллий ижтимоий-сиёсий кучларга ҳам ҳал қилувчи зарба беришдан иборат эди.

Фронт ҳалқасида қолган Туркистонга Туркомиссия етиб келиши арафасида миллий сиёсат Ўлка ҳокимиятининг олий органлари томонидан марказнинг таъсирисиз амалга оширилар эди. Туб миллатлар орасида тарбиявий ишни ташкил этиш ва буларни ҳокимият ва давлат органларига жалб этиш учун Ўлкада ТКП Ўлка Комитети қошида Мусбюро ташкил этилди. Ўлка Мусбюроси ва унинг маҳаллий органлари халқ оммаси орасида самарали оммавий-сиёсий иш олиб бордилар ва омманинг миллий ўз-ўзини англаши усиб боришига ёрдам бердилар. Мусбюро ва унинг етакчилари маҳаллий аҳолининг ташкилотчилари, етакчилари бўлиб майдонга чиқдилар.

Мусбюро ва унинг етакчилари мавқеларининг маҳаллий аҳоли орасида мустаҳкамланиб бориш марказ ва унинг Туркистондаги ваколатли органига маъқул келмас эди. Шу сабабдан Туркомиссия Туркистонга етиб келиши биланоқ Мусбюрони тугатишга ва ўлкадаги миллий ижтимоий-сиёсий кучлар мавқеларини заифлаштиришга қарор қилди.

Туркомиссиянинг тузилиши ва унинг Туркистонда олиб борган фаолияти марказнинг республика органлари устидан зўрлигини кучайтирди ва республика суверинитетини чеклаб қўйди. Бу ҳол миллий зиёлилар, маҳаллий аҳоли етакчиларининг норозилигини уйғотди. Миллат етакчилари Туркомиссиянинг туб миллатлар ва республика манфаатларини инкор этишига ошкора равишда қарши чиқдилар. Турар Рисқулов ва унинг тарафдорлари Туркистон АССР ни қайта ташкил

этиб, Турк республикасига ва Туркистон компартиясини Туркий халқлар компаниясига айлантиришни таклиф қилиб чиқдилар. Маҳаллий етакчиларнинг бу талаби большевикларнинг "миллатлар ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқига эга" деган шиорига тула-тукис мос келар эди. Бироқ, большевикларнинг сузи билан ишлари, одатда, бир-бирига тўғри келмас эди. Мазкур ҳолда ҳам худди шундай булди. Турккомиссия, РКП(б), Марказий Комитети ва унинг етакчиси В.И.Ленин.Т.Рисқуловнинг Туркистон республикаси суверенитетини таъминлашга ва туб миллатлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таклифларини рад этдилар. Совет ҳокимияти, РКП(б) Марказий Комитети ваколатли органларининг Туркистондаги сиёсий фаолиятигина эмас, балки иқтисодий фаолияти ҳам республиканинг иқтисодий мустақиллигини чеклаб қуйишга қаратилган эди. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети, Турккомиссия, Туркбюро ва Ўрта Осиё бюроси Туркистон халқларининг иқтисодиёти ва маданиятини, гарчи бир томонлама булсада, кўтаришда маълум роль ўйнаганини холисоналик юзасидан айтиб утиш керак. Ўлканинг қиёфасини ўзгартиришда республика меҳнаткашлари, унинг туб аҳолиси ҳал қилувчи ролни ўйнади.

Ўлканинг иқтисодий ривожланишида эришилган ютуқлар билан бир қаторда федерал ва иттифоқ ҳукуматининг иқтисодий сиёсатида жиддий нуқсонлар ҳам бор эди. Совет ҳукумати аслида подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди. Тинч қурилиш даврига янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га утилганидан кейин совет ҳукумати Туркистонда пахтачиликни ва унга боғлиқ бўлган саноат соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. Ўлка иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб борди. Туркистон нетрополиянинг хом ашё етказиб берадиган чекка ўлкаси булиб қолаверди.

Ваколатли органлар миллий сиёсатни амалга оширишда ўлканинг

ўзига хос хусусиятларини, ундаги халқларнинг турмуши ва психологиясини етарлича ҳисобга олмадилар. Улар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий фаолиятида марказнинг ниятлари, талаб-аҳтиёжларини ҳимоя қилиб, ўлка ва унинг халқлари манфаатларини инкор этдилар. Ваколатли органлар раҳбариятининг зуравонлик усул-амаллари Турккомиссия, Туркбюрога қарши ва Туркистон АССРнинг мустақиллиги учун миллий ижтимоий-сиёсий ҳаракатни янада кучайтирди.

Туркистондаги миллий масалани ҳал қилишга доир сиёсий кураш кўздан кечирилаётган даврда икки босқич кўзга ташланади. Унинг биринчи босқичи феврал буржуа-демократик инқилоби ғалабасидан бошланиб Т.Рисқулов бошлиқ Туркистон делегациясининг Туркистон Коммунистик партиясини қайта ташкил этиб, Турк коммунистик партиясига айлантириш тўғрисидаги таклифи 1920 йил июнида РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросида кўриб чиқилган пайтгача давом этди. Бу босқич мусулмон сиёсий ва жамоат ташкилотларининг оммавий равишда ташкил топганлиги ва уларнинг миллий масалани адолатли ҳал қилиш учун, Туркистоннинг мустақиллиги учун фаол кураш олиб борганлиги билан таърифланади. Шўрои исломия, Шўрои уламо мусулмон сиёсий ташкилотлари, Турон, Туркистон федералистлари (Турк одами марказияти) партиялари; оммавий ташкилотлар - мусулмон депутатлари советлари, меҳнаткаш мусулмонлар иттифоқи ва бошқалар шу босқичда пайдо бўлди. Мусулмон ташкилотларининг вилоят съездлари ва Мусулмон советларининг ўлка съездлари бўлиб ўтди, булар мухтор Туркистон республикаси ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин миллий масалани ҳал қилишда жиддий ўзгаришлар рўй бергани йўқ, олий ҳокимият ва бошқарув органларига туб аҳоли вакиллари жалб

қилинмайди. Мусулмон сиёсий ташкилотлари мусулмон омманинг қуллаб-қувватлашлари билан большевикларнинг совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар. Туркистон мухторияти ва мухтор Туркистоннинг Муваққат ҳукумати тузилди.

Мусбюро, унинг маҳаллий органлари тузилиб, Туркомиссия ташкил этилди. Миллий масалани ҳал қилишда ўлканинг миллий сиёсий, ижтимоий кучлари билан Туркомиссия ўртасида сиёсий кураш кучайди ва Т.Рисқулов, Н.Хужаев ҳамда туб миллатларнинг бошқа етакчилари эгаллаб турган лавозимларидан четлатилди. Т.Рисқулов гуруҳининг мағлуб бўлиши Туркистон мустақиллиги учун ижтимоий-сиёсий ҳаракатни сусайтирди.

Иккинчи босқич (1920 йилнинг июнидан 1924 йилнинг охиригача бўлган давр) марказнинг Туркистонда миллий масалани ҳал қилишдаги сиёсий курашни тугатишга қаратилган бир қанча чора-тадбирларни амалга оширишга уриниши билан таърифланади. РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси тузилиб, миллий масалани ҳал қилишда Туркомиссиянинг зўрлиги қисман юмшатилди. Ўлкада мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш юзасидан чоралар кўрилди, ер-сув ислоҳоти ўтказилди (1921-1922 йиллар). Вақфлар мадраса ва масжидларга қайтариб берилди. Совет ҳокимиятининг бу чоралари Туркистон туб халқларининг республика суверенитети учун ҳам қуролли, ҳам тинч шаклдаги курашини сусайтирди.

Федератив совет ҳокимиятининг Туркистонда олиб борган шовинистик сиёсати республиканинг суверенитети, иқтисодий мустақиллигини чеклаб қўйишдан ташқари, диний эътиқод ва шариатга асосланган миллий одатларни ҳам сиқиб чиқарди. Совет органларининг вақф масаласига доир чора-тадбирлари вақфларни тугатишга қаратилган эди. Бундай сиёсат Туркистондаги ўзига хос шароитларга тўғри келмас эди. Вақф ҳуқуқи жуда қадим замонлардан бери

мавжуд бўлиб келган. Вақф мулкига алоқадор ҳуқуқ нормалари мусулмонларнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Мусулмонлар назарида вақфлар муқаддас деб ҳисобланар эди. Ҳокимият ва бошқарув органларига сайланган маҳаллий аҳоли вакиллари вақфларни мусодара қилиш мусулмон аҳолисининг жиддий норозилигини уйғотиши, ҳаттоки фаол қаршиликка ҳам сабаб бўлиши мумкин деган тўғри фикрни билдирдилар. Республиканинг директив органлари марказ ваколатли органларининг тазйиқи остида маҳаллий шароитлар билан, туб миллатларнинг одатлари билан ҳисоблашмадилар. Туркистон компартиясининг УІ съезди (1921 йил август) ва ТАССР Советларининг Х съезди (1921 йил август) вақфларни икки тоифага: табиатан диний ва маданий-маърифий тоифаларга ажратишга қарор қилди. Съезд иккинчи тоифадаги вақф мулкларини ТАССР Маориф Халқ Комиссарлиги ихтиёрига утказишга қарор қилди ва айрим ҳолларда уларни мусодара қилиш мумкин деб ҳисоблади. Бу қарор шу мулкларнинг асл эгалари - мадрасалар, мактаблар ва бошқа маданият ҳамда маърифат муассасаларини вақфлардан тушадиган даромадларни ўз хоҳишлари билан эҳтиёжларига яраша ишлатиш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Вақфлар, мадраса ва мактабларнинг аҳволи амалда мушкул ва оғир бўлиб қолди. Жойлардаги вақф мулклари, одатда, совет хўжалик муассасалари томонидан уларнинг эгаларидан тортиб олиниб, ўзларининг эҳтиёжлари учун ишлатилди. Вақфлар аслида мусодара қилинди.

Маблағларсиз қолган мадраса ва мактаблар Туркистон халқларини маърифатли қилиш ва уларнинг маданий даражасини оширишда катта роль ўйнашлари мумкин эди. ТАСС Маориф Халқ Комиссарлиги туркий бўлимининг мудири Мунавварқори Абдурашидхонов мадраса ва мактабларни ислоҳ қилиб, янги усул мактабларига айлантириш,

яъни уларда ҳам диний фанларни, ҳам дунёвий фанларни ўқитиш ғоясини олға сурди ва амалга ошириш учун курашди. Мана шу тараққийпарвар ғоя ТАССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг вақфларни мадраса, масжидларга қайтариб бериш тўғрисидаги декрети ва вақфлар тўғрисидаги бошқа директив ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

ТАССР олий ҳокимият ва бошқарув органларининг вақфлар тўғрисидаги қонун актлари мусулмонлар одатига кура белгиланган вақф ҳуқуқига зид бўлиб чиқди. Одатга кура, вақфлар даҳлсиз бўлиб ҳисобланар эди. Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори, партия органларининг зўрлиги билан табиатан маданий-маърифий бўлган вақфлар ва мадраса, мактаблар ТАССР Маорифи Халқ Комиссарлиги ихтиёрига утказилди ва вақфларнинг мулкларини уларнинг эгалари - мадраса ва мактаблар эмас, балки ТАСС Маориф Халқ Комиссарлигининг Вақфлар бош бошқармаси ҳамда уездлар ижроия комитетларининг вақф бўлимлари тасарруф этадиган бўлди. Бу маблағлар ислоҳ қилинган мадраса ва мактаблар эҳтиёжларигина эмас, балки совет мактаблари эҳтиёжлари учун ҳам ишлатилди.

Мадраса ва мактаблар ислоҳоти Вақфлар бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган конфессионал мактабларни қайта ташкил этиш дастурига мувофиқ утказилди. Эски усул мактабларини қайта ташкил этиб, янги усул мактабларига айлантириш жараёни оғир кечди, пул маблағлари, ўқитувчи кадрлар, мосланган биноанлар, дарсликлар етишмас эди.

Ислоҳ қилинган мадраса ва мактаблар узоқ ишлагани йўқ. Тадқиқ этилаётган даврнинг охирларига келиб, Туркистон республикасидаги янги усул мактаблари совет ҳокимияти органлари томонидан мусулмон аҳолининг хоҳиш-иродасига қарши уларок, ягона меҳнат мактаби, яъни совет мактаблари дастурига утказилди. Ислоҳ

қилинган мадраса ва мактабларнинг бекилиши миллий зиёлилар ва маҳаллий аҳолининг норозилигини уйғотди.

Туркистонда миллий масалани ҳал қилишда маълум бир ютуқлар билан бирга ёмон оқибатлар ҳам бўлди. Ўлкадаги миллий жамоатчилик тазъйиқи билан ТАССР тузилиши ва ҳокимият ҳамда бошқарув органларига туб миллат вакилларининг жалб этилиши ижобий ҳодиса бўлди. Бироқ, республика суверенитети, иқтисодий мустақиллиги чеклаб қўйилган эди. Марказнинг ваколатли органлари ўзининг гегемонистик сиёсатини ўтказиб, ўлканинг ўзига хос миллий хусусиятларига ва халқнинг менталитетига эътибор бермадилар ва диний муассасалар вақфларини тугатиш ҳамда мадраса ва мактаблар фаолиятини чеклаб қўйишга қаратилган шафқатсиз фаолиятни амалга ошириб бордилар. Марказнинг мустамлакачилик сиёсати ва Туркистон республикаси суверенитетининг чеклаб қўйилиши ўлкадаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг Туркистон миллий мустақиллиги учун фаоллик билан сиёсий кураш олиб боришига сабаб бўлди. Миллий мустақиллик учун сиёсий кураш миллий масалани ҳал қилишдаги муваффақиятсизликларга қарамай, Туркистон туб халқларининг миллий ўз-ўзини англаш ва маънавий уйғониш жараёнининг шаклланиб боришига муҳим замин бўлди.

Етмиш йилдан сал кўпроқ давом этган совет воқелигининг баъзан яширин, баъзан эса ошкора бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий зиддиятлари шундан аниқ далолат беради ки, зўрлик билан, сиёсий фитналар ва уйинлар орқали жамиятга киритилган ва халқнинг руҳиятига, менталитетига бегона бўлган ҳар қандай сиёсий тузум ва тизим охир оқибатда қатъий равишда рад этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Манбалар

I.I. Братское содружество народов СССР, 1922-1936 гг. /Сборник документов и материалов. - М.: Мысль, 1964.

I.2. 8 съезд КПТ (май 1924 г.). Стенографический отчет /Бюллетень, I-II/. - Ташкент, 1924.

I.3. II Пленум Самаркандского областного комитета КПТ (от 15-16 июля 4 заседаний). - Самарканд, 1924.

I.4. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане / Сборник документов и материалов. Т. I-2. - Алма-Ата: Наука, 1964.

I.5. Коммунистическая партия Туркестана и Узбекистана в цифрах (1918-1967 гг.). - Ташкент: Узбекистан, 1968.

I.6. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК (1898-1971 гг.). В 10-ти т. Т. 2. - 1917-1924 гг. - М.: Политиздат, 1970.

I.7. Материалы к I-му съезду Коммунистической партии Узбекистана. - Ташкент, 1925.

I.8. Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. - Ташкент, Правда Востока, 1929.

I.9. Образование и деятельность Коммунистической партии Туркестана: Летопись событий, 1917-1924 гг. - Ташкент: Узбекистан, 1966.

I.10. Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.

I.11. Отчет о деятельности Ферганского областного городского комитета КПТ, уездно-городских комитетов и райкомов КПТ за январь 1922 г. - Фергана, 1922.

I.I2. Отчет Ферганской областной контрольной комиссии КПТ за время с I марта I923 г. по I5 апреля I924 г. - Коканд, I924.

I.I3. Отчет Ферганского областного комитета КП(б) Узбекистана с мая по декабрь I924 г. - Коканд, I924.

I.I4. Отчет Центрального Комитета Коммунистической партии Туркестана с 7-го съезда по 8-ой съезд. - Ташкент, I924.

I.I5. I(I0) Самаркандская областная партийная конференция (8-I0 января I925 г.). Стенографический отчет. - Самарканд, I925.

I.I6. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. I-2. Установление Советской власти в Узбекистане. Сборник документов. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, I963-I972.

I.I7. Постановления I-ой экономической конференции среднеазиатских республик Туркестана, Бухары и Хорезма. - Ташкент, I923.

I.I8. Резолюция и постановления съездов Коммунистической партии Туркестана (I9I8-I924 гг.). - Ташкент: Изд-во Узбекистан, I963.

I.I9. Резолюции I-ой конференции секретарей коммунистических ячеек и партийных организаторов Ферганской области 3I декабря I922 г. - 2 января I923 г. - Коканд, I923.

I.20. Сборник резолюций 2-ой Самаркандской областной конференции секретарей ячеек КПТ и районных парторганизаторов, 2I-23 июня I924 г. - Самарканд, I924.

I.2I. 7-я краевая конференция КПТ (I6-20 октября I922 г.). Стенографический отчет. Бюллетень № I-5. - Ташкент, I922.

I.22. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (I9I7-I926 гг.). Сборник документов. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, I962.

I.23. Среднеазиатские партийные организации в цифрах (1925 - 1930 гг.). - Ташкент, 1930.

I.24. Съезды Советов Союза ССР, союзных и автономных советских социалистических республик. Сборник документов. В семи томах 1917-1937 гг. Т. 2. Съезды Советов советских социалистических республик, 1917-1922 гг. - М.: Госиздат, 1960.

I.25. Съезды Советов Союза ССР, союзных и автономных республик. Сборник документов. В Семи томах. 1917-1937 гг. Т. 7. - М., 1965.

I.26. Файзулла Ходжаев. Избранные труды в Ш томах. Т. I. - Ташкент: Фан, 1970.

I.27. Фанъян к истории Советского строительства в Таджикистане. 1920-1929 гг. Сборник документов. Ч. I. - Сталинабад, 1940.

I.28. Фрунзе М.В. Избранные произведения. В 2-х томах. - М.: Воениздат, 1967. Т. I.

I.29. Четвертое совещание ЦК РКП(б) с ответственными работниками национальных республик и областей 9-12 июня, 1923 (стенографический отчет). - М., 1923.

2. Адабиётлар

2.I. Абдуллаев Ш. Узбекистонда коммунистик партия ленинча миллий сиёсатнинг галабаси учун кураш. - Тошкент, 1957.

2.2. Абдусаттаров Г.С. Создание и деятельность местных организаций компартии Туркестана (По материалам Самаркандской и Сырдарьинской областей). - Ташкент: Фан, 1977.

2.3. Агзамходжаев А., Уразаев Ш.З. Развитие Советской государственности в Узбекистане. - Ташкент, 1960.

2.4. Азиз Ниалла. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и Средней Азии. - Фрунзе, 1941.

2.5. Азизханов А. Туркбюро - как полномочный орган ЦК РКП(б). - Ташкент, I974.

2.6. Атамурадов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. - Т.: Узбекистан, I99I.

2.7. Акилов К.А., Гулямова М.А. Советская интеллигенция Узбекистана. - Ташкент, I978.

2.8. Акимов И. Переход узбекского народа к социализму, минуя капиталистическую стадию развития. - М.: Госполитиздат, I965.

2.9. Алексеенков П. Кокандская автономия. - Ташкент, I930.

2.I0. Алимов И.А. Узбекское дехканство на пути к социализму (социально-экономические преобразования в узбекском кишлаке в I92I-I925 гг.). - Ташкент: Узбекистан, I974.

2.II. Алламурадов Д. Деятельность Советов Узбекистана по восстановлению народного хозяйства республики (I92I-I924 гг.). - Ташкент; Наука, I965.

2.I2. Аминов Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (I9I7-I920 гг.). - Ташкент: Изд-во АН УзССР, I963.

2.I3. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. - Ташкент: Фан, I965.

2.I4. Андерсон М.П. Из истории партийного строительства в Средней Азии. - Душанбе, I966.

2.I5. Андреев С.С. Политическое управление и политическое руководство. - Социально-политические науки, I922. - № 5.

2.I6. Андреев Ю.Н. Социальные институты: содержание, функции, структура. - Свердловск, I994.

2.I7. Ахмедова М. Некапиталистический путь: некоторые проблемы теории и практики. - Ташкент: Узбекистан, I976.

2.I8. Ахмедова М. Опыт перехода республик Советского Востока на

пути социализма и его особенности. - Ташкент: Узбекистан, I967.

2.I9. Ахмеджанов Г.А. Советская историография завоевания Туркестана. - Ташкент: ТашГИВ, I99I.

2.20. Ахунова М.А., Лунин Б.В. История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк. - Ташкент: Фан, I970.

2.2I. Белов Г.А. О системе политических наук и политологии // Вестник ЛГУ. Серия I2. Соц. полит. исслед. I993.

2.22. Воскобойников Э.А., Зевелев А.И. Турккомиссия ВЦИК и СНК РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. - Ташкент, I95I.

2.23. Вахабов М.Г. Формирование Узбекской социалистической нации. - Ташкент: Госиздат УзССР, I96I.

2.24. Гафуров В., Прохоров Н. Таджикский народ в борьбе за свободу и независимость своей родины. - Сталинабад, I944.

2.25. Гафурова К.А. Борьба за интернациональное сплочение трудящихся Средней Азии и Казахстана в первые годы Советской власти (I9I7-I924 гг.). - М.: Наука, I972.

2.26. Генкина Э.Б. Переход Советского государства к новой экономической политике (I92I-I922 гг.). - М.: Госполитиздат, I954.

2.27. Гордиенко А.А. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. - М., I959.

2.28. Гулямов С.Г. Экономическая роль советского государства в создании предпосылок социализма в сельском хозяйстве Узбекистана. - Ташкент: Фан, I972.

2.29. Давыдов А.Н. Аграрные преобразования и формирование социалистического землепользования в Узбекской ССР. - Ташкент: Фан, I965.

2.30. Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания. - Ташкент: Узбекистан, 1980.

2.31. Ёитов К.Е. Победа Октябрьской Социалистической революции в Узбекистане. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957.

2.32. Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. - Ташкент, 1959.

2.33. Зелькина Е. Земельно-водная реформа в Узбекистане. - Ташкент, 1925.

2.34. Зуев В.И. Власть в системе политических категорий. - Государство и право, 1993. - № 5.

2.35. Иноятов Х.Ш. Ленинская национальная политика в действии /Ответ идеологам антикоммунизма, извращающим исторический опыт строительства социализма в республиках Средней Азии и Казахстана/. - Ташкент: Узбекистан, 1973.

2.36. Ильхамов А. Перспектива Узбекистана: опыт концептуального моделирования // Народ и демократия. - № 3-4. - 1992.

2.37. Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. - Душанбе, 1957.

2.38. Исторический опыт строительства социализма в Республиках Средней Азии. - М.: Мысль, 1968.

2.39. История гражданской войны в Узбекистане. В 2-х томах. Т. I. - Ташкент, 1964.

2.40. История гражданской войны в Узбекистане. В 2-х томах. Т. 2. - Ташкент: Фан, 1970.

2.41. История коммунистических организаций Средней Азии. - Ташкент, 1967.

2.42. История Коммунистической партии Советского Союза. В 6-ти томах. Т. 3. Коммунистическая партия - организатор победы Великой Октябрьской социалистической революции и обороны

Советской Республики. Март 1917-1920 гг. Книга вторая (март 1918-1920 гг.). - М.: Политиздат, 1968.

2.43. История Коммунистической партии Советского Союза, в 6-ти томах. Т. 4. Коммунистическая партия в борьбе за построение социализма в СССР. 1921-1937 гг. Книга первая (1921 - 1929 гг.). - М.: Политиздат, 1970.

2.44. История Советского государства и права в Узбекистане. В 3-х томах. Т. I. 1917-1924 гг. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960.

2.45. История Таджикского народа. В 3-х томах. Т.3. Кн. I. Переход к социализму (1917-1937 гг.). - М.: Наука, 1964.

2.46. История Советского Туркменистана. Ч. I. Победа Великой Октябрьской социалистической революции и построение социализма. - Ашхабад, Ылым, 1970.

2.47. История Узбекской ССР. В 4-х томах. Т. 3. Победа Великой Октябрьской социалистической революции и построение социализма в Узбекистане (1917-1937 гг.). - Ташкент: Фан, 1967.

2.48. История Казахской АССР. Т. 2. - Алма-Ата, 1957.

2.49. История Казахской ССР. Т. 2. - Алма-Ата, 1963.

2.50. История Киргизской ССР. Т. I. - Фрунзе, 1964.

2.51. Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. - Ташкент, 1992.

2.52. Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. - Ташкент: Узбекистан, 1993.

2.53. Каримов И.А. Узбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида. - Тошкент: Узбекистон, 1995.

2.54. Каримов Г.Р. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Северном Таджикистане. - Сталинабад, 1957.

2.55. Каримов Р.Х. Узбекистан в период восстановления народного

хозяйства в СССР (I92I-I925 гг.). - Ташкент: Узбекистан, I974.

2.56. Касымов Ф.Х. Переход народов Средней Азии к социализму минуя капитализм. Историографический очерк. - Ташкент: Фан, I979.

2.57. Керимов Д.А. История политической мысли и современность. - М.: Наука, I993.

2.58. Китаев М.А. Областные бюро полномочные органы Центрального комитета партии. - М.: Политиздат, I982.

2.59. Коканбаев К.К. Большевики Туркестана во главе трудящихся масс в период борьбы за установление и укрепление Советской власти в республике: Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М., I980.

2.60. Котанджанян Г.С. Грани согласия - конфликта: цивилизационные проблемы теоретической и прикладной политологии. - М.: Луч, I992.

2.6I. К социализму, минуя капитализм. Исторический опыт КПСС по социалистическому строительству в Средней Азии и Казахстане, в I9I7-I937 гг. - М.: Политиздат, I974.

2.62. Кулиев К.М. Борьба Коммунистической партии за упрочение Советской власти и осуществление национальной политики в Средней Азии (I9I7-I925 гг.). - Ашхабад, Туркменгосиздат, I956.

2.63. Куличенко М.И. Национальные отношения в СССР и тенденции их развития. - М.: Мысль, I972.

2.54. Ланда Л.М. Создание народного Комиссариата по национальным делам Туркестанской АССР и его деятельность в I9I8-I9I9 гг. В кн.: Из истории Советского Узбекистана. - Ташкент, I956.

2.65. Меженина Е.А. Агитпоезд Красный Восток. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1962.

2.66. Муравейский С.Д. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. - Ташкент, 1922.

2.67. Назаров М.Х. Коммунистическая партия Туркестана во главе защиты завоеваний Октябрьской революции. - Ташкент: Узбекистан, 1969.

2.68. Назаров С. Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП(б). - Ташкент, 1965.

2.69. Национальная политика КПСС в действии. - Ташкент: Узбекистан, 1979.

2.70. Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937 гг.). - Ташкент: Госиздат УзССР, 1960.

2.71. Никишов Я.П. Из истории краха левых эсеров в Туркестане. - Фрунзе: Кыргызстан, 1965.

2.72. Новиков М.П., Турсунов Х.Т. Идейно организационное укрепление Компартии Туркестана. - Ташкент: Узбекистан, 1972.

2.73. Нуруллин Р.А. Борьба Компартии Туркестана за осуществление политики "военного коммунизма". - Ташкент: Узбекистан, 1975.

2.74. От средневековья к вершинам современного прогресса. Об историческом опыте развития народов Средней Азии и Казахстана от докапиталистических отношений к социализму. - М.: Наука, 1965.

2.75. Основы политологии. - М.: МГУ, 1992.

2.76. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана советского периода (1917-1932 гг.). - Ташкент: Фан, 1968.

2.77. Октябрьская революция. Народ: ее творец или заложник? - М.: Наука, I992.

2.78. Раджабов С. Роль великого русского народа в исторических судьбах народа Средней Азии. - Ташкент, I965.

2.79. Раззаков А. Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР. - Ташкент: Фан, I968.

2.80. Резцов А. Октябрь в Туркестане. - Ташкент: Средазкнига, I927.

2.8I. Ризаев Г. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (I9I7-I965 гг.). - Ташкент: Узбекистан, I967.

2.82. Росляков А.А. Средазбюро ЦК ВКП(б). Вопросы стратегии и тактики. - Ашхабад: Туркменистан, I975.

2.83. Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. - Ташкент, I926.

2.84. Саидов П.С. Образование Коммунистической партии Туркестана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М., I96I.

2.85. Саидов Х.С. Борьба за осуществление ленинских идей в развитии советского хлопководства. - Ташкент: Фан, I966.

2.86. Салахутдинов Х. История образования и первые годы деятельности Коммунистической партии Туркестана. - Ташкент: Фан, I966.

2.87. Саидов А. Узловая идея - концепция правового государства. // Народ и демократия. - № 78. - I992.

2.88. Салямов М.Ю. Победа Ленинской платформы в Коммунистической партии Туркестана в период профсоюзной дискуссии. - Ташкент; Фан, I969.

2.89. Сафаров Г.И. Национальная политика Советской власти / Сборник "Три года Советской власти". - Ташкент, I920.

2.90. Сологубов И.С. Иностранные коммунисты в Туркестане. -

Ташкент: Госиздат УзССР, 1961.

2.91. Солыц И.К. Истории КПТ. Сборник "Три года Советской власти". - Ташкент, 1920.

2.92. Торжество Ленинского кооперативного плана в Узбекистане. - Ташкент: Узбекистан, 1970.

2.93. Тулепбаев Б.А. Осуществление ленинской аграрной политики партии в республиках Средней Азии. - М.: Мысль, 1967.

2.94. Турсунов Х.Т. Компартия Туркестана, Бухары и Хорезма в период национально-государственного размежевания в Средней Азии. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.

2.95. Турсунов Х.М. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане (1917-1924 гг.). - Ташкент: Узбекистан, 1971.

2.96. Уразаев Ш.З. Роль РСФСР в создании советской государственности в Узбекистане. - Ташкент: Узбекистан, 1965.

2.97. Устинов В.М. Ленинская политика партии на Востоке (О руководстве ЦК РКП(б) Компартией Туркестана 1919-1924 гг.). - Фрунзе, 1963.

2.98. Хакимов М.Х., Серый Я.М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. - Ташкент, 1964.

2.99. Хасанов К. ЦК ВКП(б) в борьбе за построение социализма в Средней Азии (1924-1937 гг.). - Ташкент: Фан, 1968.

2.100. Ходжаев Ф. Избранные труды. В трех частях. Т. I. 1920 - 1925 гг. - Ташкент: Фан, 1970.

2.101. Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Ташкент, 1961.

2.102. Шарапов Я.Ш. Национальные секции ЦК РКП(б). - Казань, Казанск. ун-т, 1967.

2.I03. Шесть лет национальной политики Советского правительства и наркомнац. - М., I924.

3. Мақолалар

3.I. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в 20-х годах // Общественные науки в Узбекистане. - I989. - № 9.

3.2. Дахшлейгер Г.Ф. К истории подготовки постановления ЦК РКП(б) "Об основных задачах ЦК РКП(б) в Туркестане (июнь I920 г.) // История СССР. - М. - I960. - № 2.

3.3. Голубева Р. Великая Октябрьская социалистическая революция в Узбекистане // Исторический журнал. - I939. - № I2.

3.4. Елкина С.И. К истории совещания ЦК РКП(б) с ответственными работниками национальных республик и областей (I9I8-I923). // История СССР. - I966. - № 3.

3.5. Кандинов В.М. Использование народных обычаев и традиций в идеологической работе 20-х годов // Общественные науки в Узбекистане. - I988. - № 6.

3.6. Кунгиров И. Из истории подготовки кадров для культурно-просветительных учреждений Узбекистана (I92I-I928 гг.) // Общественные науки в Узбекистане, I968.

3.7. Мукаррамова С. Осуществление ленинских принципов культурно-просветительной работы в Туркестанской АССР (I92I-I924 гг.) // Труды III юбилейной научно-теоретической конференции молодых ученых УзССР. Вып. 2. - Ташкент, I970.

3.8. Николаева В.П. Туркомиссия, как полномочный орган ЦК ВКП(б) // Вопросы истории КПСС. - I958.

3.9. Новиков М.П. Подготовка национальных партийных и советских кадров в Туркестанской АССР в I92I-I924 гг. // Общественные науки в Узбекистане. - I96I.

3.10. Рахимбабаева Т.Р., Тулямова М.А. НЭП и некоторые вопросы развития культуры в Узбекистане // Новая экономическая политика в Средней Азии и Казахстане: теория, история, суждения. - Ташкент, 1989.

3.11. Скалов Т., Дервиш. Современное басмачество // Коммунист. - 1992. - № 1.

3.12. Скалов Т.Б. Экономическое объединение среднеазиатских республик как фактор национальной политики // Жизнь национальностей. - 1923. - № 5.

3.13. Темирходжаев П.О. О культурно-просветительской работе и ее роли в укреплении союза рабочих и дехкан Туркестана // Общественные науки в Узбекистане. - 1966. - № 3.

3.13. Устинов В.М. К вопросу о создании Средазбюро ЦК РКП(б) и его роли в организации экономического сотрудничества Туркестана, Бухары и Хорезма (1922-1923 гг.) // Вопросы истории КПСС. - 1964. - № 74.

3.15. Шамсутдинов Р.Т. Из истории революционных Комитетов Туркестана в 1918-1923 гг. // История СССР. - 1970. - № 6.

4. Архив хужжатлари

4.1. Узбекистон Республикаси Марказий давлат архиви /УзР МДА/.

4.2.1. 17-фонд - Туркистон АССР Марказий Ижроия Кумитаси Советлари.

4.1.2. 29-фонд - Туркистон АССРнинг Зироат Халк Комиссарлиги.

4.1.3. 34-фонд - Туркистон АССРнинг Маориф Халк Комиссарлиги.

4.1.4. 36-фонд - Туркистон АССРнинг Миллий ишлар буйича Халк комиссарлиги.

4.1.5. 44-фонд - Туркистон АССРнинг Куччи иттифоки Марказий Кумитаси.

4.I.6. 94-фонд - Узбекистон ССР Маориф Халк Комиссарлиги.

4.I.7. 2I5-фонд - Туркистон АССРнинг Зироат Халк Комиссарлиги хузуридаги сув хужалиги бошкармаси.

4.I.8. 904-фонди - Узбекистон ССР Адлия Халк Комиссарлиги.

4.I.9. 22-фонд (тарихи) - Самарканд уезди бошлигининг бошкармаси.

4.2. Узбекистон Республикаси Президенти аппаратининг архиви /УзР ПАА/.

4.2.I. I4-фонд Бухоро Компартияси Марказий Кумитаси.

4.2.2. 57-фонд - РСФСР БМИКнинг Туркистон ишлари буйича комиссияси.

4.3. Энг янги тарих хужжатларини саклаш ва урганиш Россия маркази (ЭЯТХСУРМ).

4.3.I. I7-фонд - РКП(б) Марказий Кумитаси.

4.3.2. 6I-фонд - РКП(б) Марказий Кумитасининг Туркистон бюроси.

4.3.3. I22-фонд - РСФСР Бутун Россия Марказий Ижроия Кумитасининг Туркистон ишлари буйича комиссияси.

5. Вактли матбуот

а) Газеталар

5.I. Известия Центрального Исполнительного Комитета Советов Туркестанская АССР (I920-I92I йиллар).

5.2. Известия Временного правительства Автономного Туркестана (I9I7 йил).

5.3. Кенгаш (I9I7 йил).

5.4. Нажот (I9I7 йил).

5.5. Наша газета (I9I8-I9I9 йиллар).

5.6. Правда Востока (I99I йил).

5.7. Туркестанский голос (I9I7 йил).

5.8. Туркестанский курьер (I9I7 йил).

5.9. Туркестанские ведомости (I9I7 йил).

5.I0. Туркестанский вестник (I9I7 йил).

5.II. Туркестанский коммунист (I9I9 йил).

5.I2. Улуг Туркистон (I9I7 йил).

5.I3. Хуррият (I9I7 йил).

5.I4. Щит народа (I9I8 йил).

б) Ж у р н а л л а р

5.I5. Жизнь национальностей (I920 йил).

5.I6. Звезда Востока (I992 йил).

5.I7. Шарк юлдузи (I993 йил).

5.I8. Социально-политические науки (I992 йил).

5.I9. Полис (политические исследования) (I992 йил).

5.20. Народ и демократия (I992 йил).